


O'ZBEKISTON
HISTORY OF UZBEKISTAN TARIXI

1/2015



614



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI



1
2015

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to 'rt marta
chiqadi.

O'ZBEKISTON TARIXI

Ilmий журнал

МУНДАРИЖА

Ю. Скайлер. Бухоро (давоми)	3
А. Замонов. Шайбонийлар давлатида харбий иш: кўшин тузилиши, бошқаруви ва анъаналари	21
О. Пуговкина. Муваққат ҳукумат ва Советлар: Туркистондаги собиқ империя мероси билин курашнинг дастлабки тажрибаси	34
Р. Абриев. XX асрда Ўзбекистонда архитектура ёдгорликларининг ҳолати ва уларни сақлаш муаммолари	46

Tarix va adabiёт

О. Жўрабоев. Алишер Навоийнинг тарихий тафаккури	57
Н. Каримов. «Адабиёт — бу ҳамиша тарих. Тарих — ҳамиша адабиёт». Ойбекнинг тарихий қарашлари	69

Tarixshunoslik masalalari

Ф. Шамукарамова. 1917–1924 йиллар Ўзбекистонда маданий ёдгорликларни сақлаш ва таъмиrlашни ташкиллаштириш муаммолари	78
2010–2014 йилларда «O'zbekiston tarixi» журналида нашр этилган мақолалар кўрсаткичи	90

Taъzиянома

Мусаллам Жўраев	103
------------------------	-----

Экз
№ 3

СОДЕРЖАНИЕ

Ю. Скайлер. Бухара (продолжение)	3
А. Замонов. Военное дело в государстве Шейбанидов: структура армии, управление и традиции	21
О. Пуговкина. Временное правительство и Советы: первый опыт борьбы с бывшим имперским наследием в Туркестане	34
Р. Абрисев. Проблемы сохранения и состояния архитектурного наследия в XX веке в Узбекистане	46
 История и литература	
О. Джурабоев. Исторические взгляды Алишера Навои	57
Н. Каримов. «Литература — всегда история. История — всегда литература. Исторические взгляды Айбека	69
 Вопросы историографии	
Ф. Шамукарамова. Проблемы организации охраны и реставрации памятников культуры Узбекистана в 1917–1924-е годы	78
Указатель статей, опубликованных в журнале «O'zbekiston tarixi» в 2010–2014 гг.	90
 Некролог	
Мусаллам Жураев	103

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)
Равшан Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мирзурт Абусеитова
(Қозогистон)
Бахтиёр Бабаджанов
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Мирсадик Исҳоқов
Сурайё Каримова
(бош муҳаррир ўринбосари)
Нодира Мустафаева
Зоя Орифхонова
Мирзоҳид Раҳимов
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Назокат Қосимова
Шоира Асадова
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060. Тошкент ш.
Шахрисабз 5-тор кӯчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва аҳборот агентлиги
томонидан рўйхатта олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 27.05.2015.
Босишига руҳсат этилди 26.06.2015.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қозози. Ҳисоб-нашриёт т. 6,5.
Шартли босма т. 8,5. 250 нусха.
Буюртма № 7.
Келишилган нархда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO»
МЧЖ нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» XК
босмахонасида чол этилди.
Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-уй.

Ю. СКАЙЛЕР*

БУХОРО

Самарқанддан Шаҳрисабзга — Тоғдан ўтиши — Китоб — Бекнинг қабулида — Мехмондўстлик ва кўнгилочарлик — Шаҳар — Бозор — Шаҳрисабзнинг замонавий тарихи — Чироқчи — Қарши — Ўнинг пайдо бўлиши ва савдо-сотиги — Амирнинг ўғли — Қарши чўли — Амирнинг қўнимгоҳи — Ҳазрати олийлари билан учрашув — Бухоро — Шаҳар — Бозор — Тижорат аҳамияти — Чоржўй сафарига омадсиз уриниш — Баҳоуддин қадамжоси — Кармана — Амирнинг суюкли ўғли — Зиёвуддин — Каттақўргон

Менинг Бухорога саёҳатим Қўқондагига таққослаганда ҳар томонлама тубдан фарқ қилди. Мамлакат у қадар чиройли бўлмаса-да, аммо у қадимириқ ва анча ажойиб цивилизация изларини намойиш этиб туради. Аҳолиси илтифотли ва хушахлоқ, шу билан бирга одамлари содда эмас, балки бирмунча устомон эди. Албатта, бухороликлар меҳмондўстлик қандай бўлишини билишар ва унинг энг ажойиб на муналарини менга намойиш этишди. Буларни кўриб, уларнинг русларга бўлган ҳақиқий муносабатлари қўқонликларнидан фарқ қил маслигининг гувоҳи бўлдим. Аммо бу турлича кўринишда эди. Қўқонда у тўнг ва ҳурматсизлик тарзида бўлса, Бухорода муомала дипломатиянинг барча нозик кўринишига мос келар эди.

28 июль, душанбада генерал Абрамовнинг¹ Китоб, Шаҳар² беклари ва амирга ёзган хати билан Самарқанддан Бухорога отландим. Тоғли йўл фидиракли аравалар учун ноқулай бўлганлиги сабабли, юкларимни икки фидиракли Бухоро аравасида узоқроқ бўлган айланма йўл — Жом йўналиши орқали бир кун олдин жўнатиб юборган

* Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. — New York, 1885. Vol. II. (Счайлер Ю. Туркистан: Рус Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Фўлжага саёҳат қайдлари. — Нью-Йорк, 1885. II жил) // Инглиз тилидан қисқартирилган таржима ва изоҳлар т.ф.н., доц. З. Сайдбобоевники. Давоми, боши ўтган сонларда.

¹ Абрамов Александр Константинович (1836—1886) — рус генерали, Россия империясининг Туркистонга уюштирган ҳарбий юришлари қатнашчиси. 1868 йил баҳорида А.К. Абрамов Чўпонота тепалигига Самарқандни ишғол этишда иштироқ этган. Ўша йили Зарафшон округи бошлиғи, 1877 йилнинг марта мартида эса Фарғона вилояти бошлиғи этиб тайинланган.

² Бу ва кейинги ўринларда Шаҳар деганда Шаҳрисабз назарда тутилган.

эдим. Ўзим билан тилмочим Андрей ва Тошкентдан Конусбой исмли кирғиз йигити, юкларга қараб юриш учун эса баланд, озғиндан келганд ҳамда ялқовроқ эроний йигитни олган эдим. Менга яна Самарқандга Китоб бегининг топшириғи билан генерал Абрамов ҳузурига келган Китоб қўрбошиси³ Абдураҳим ҳам ҳамроҳ бўлди. 16 мил масофа юрганимиздан сўнг Қоратепа қишлоғига етиб келдик. Бу ерда қишлоқ бошлиқлари масжид боғига чодир тайёрлаб қўйишган экан. Тез орада кўқ чой билан палов тановул қилдик. Қоратепа кичик қишлоқ бўлиб, тоғ тизмасининг орасида жойлашган, эскидан Шаҳрисабз томонидан бўладиган босқинларнинг олдини олиш учун бу ерда қалъя қурилган. Ҳозирда у буткул аҳамиятини йўқотиб, эҳтимол мингтacha аҳолини сифидирап.

Биз Тахтақорача⁴ довонининг чўққисига етгач, катта ялангликка чиқдик. Бу ернинг баландлиги денгиз сатҳидан 5200 фут. Отларимизга дам бериб, ўзимиз эса теварак-атроф манзараларини томоша қилдик. Айниқса, олдимизда ястаниб ётган Шаҳрисабз водийси, ортимизда эса Ҳисор тизмасининг қорли чўққилари бизни лол қолдирди. Бу ердан Китоб, Шаҳар ва ҳатто Яккабоғ ҳамда Чироқчи атрофидаги қишлоқлари билан яққол кўриниб турса-да, шаҳарлардан кўра кўплаб истироҳат ва мевали боғлари бор ўрмонларга ўхшаб кетарди. Шаҳрисабзнинг маъноси «яшил шаҳар» деганидир.

Қоратепадан чиқиб, 4 соат ўтгач, биз асосий чўққидан ўтиб, тепаликлар оша чанг, аммо чидаса бўладиган йўлга чиқиб, Бухоро заминига кириб келганимизда Китоб begi томонидан юборилган 20 кишилик кузатиб борувчилар гуруҳига дуч келдик. Уларнинг бошлиғи қўлини кўксига қўйиб, сўнгра менинг қўлимни сиқиб, «омон» деди (мусулмон бўлмаганлар билан сўрашганда омон дейишади) ва шу заҳоти менинг соғлигим, сафарим ҳақида узоқ сўрай кетди. Чопарлар жўнатилгач, биз шошмасдан саккиз мил узоқдаги Қайнар қишлоғига қараб кетдик. Қайнар асли том маънодаги қишлоқ бўлиб, қишки қўнимгоҳ. Ёзда эса барча аҳолиси яйловларга чиқиб кетар,

³ *Қўрбоши* — тарихий ҳарбий атама бўлиб, ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-яроғ омбори мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турил яроқлар ва тўп ясаш корхоналари бошлиғи. Шунингдек, Туркистон ўлкасида 1917 йилга қадар бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи.

⁴ *Taxtaқoracha* — Зарафшон тизмасидаги довон. У орқали Самарқанддан Китоб ва Шаҳрисабзга карвонлар қатнаган. Ҳозир ҳам қисқа йўл сифатида фойдаланилади.

қишлоқ эса хувиллаб қоларди. Қайнар «қайнамоқ» сўзидан келиб чи-киб, қишлоқда бир неча қайноқ булоқлар борлиги билан изоҳланади.

Сўнг биз бутун водий ва Қаршигача ҳаёт ҳамда барака берувчи Қашқадарё дарёсига етиб келдик. Бироқ олдинда биргаликда Шаҳри-сабзни ташкил этувчи эгизак шаҳарлар — Китоб ва Шаҳарни ўраб турган чим деворга дуч келдик. Бироз олдинга юрганимиздан кейин ҳақиқий шаҳар деворига етиб келдик.

Китоб Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларидан унча фарқ қилмайди. Қингир-қийшиқ кўчалар, пахса уйлар, сувли бир хил ариқлар ва ўша одамлар. Кўчалар, айниқса, бозор оралаб ўтаётганимда мени ҳамма тик туриб, имо-ишоралар билан саломлашиб қаршилар, бу нафақат хурмат юзасидан, балки чин кўнгилдан эди.

Кечга яқин менинг расмий ташрифимга бекнинг қабули тайёр эканлигини хабар беришгач, отда аркка жўнадим. Арк сунъий тикланган катта тепаликда бўлиб, атрофи пахса деворлар билан ўралган, ичкарида иккита катта, кенг сарой ва бир неча уйлар мавжуд эди. Бухоронинг сарой одатига кўра, менга тепаликнинг қуи қисмида отдан тушиб, пиёда юришим кераклигини айтишди.

Тўқ яшил ипакли оддий тўн кийган бек дўстона оҳангда ташрифим, нима учун келганимни сўраб, Бухорога бориш йўли ва шу тариқа гўзал мамлакатни томоша қилишимни айтди. Унинг ҳам мен учратган бошқа одамлар сингари Америка ҳақида тасаввурлари бўлсада, анча мужмал эди. Фикрича, Америка Бухородек ҳудудни эгаллаган бўлиб, одамлари пахта экиш билан шуғулланар эмиш. Яна бир бор мақтов ва ҳол-аҳвол сўраш такрорланганидан сўнг, бек уницида яна бир кун қолишимни сўради.

Бекка кетаётганлигим сабабли узр сўраб одам жўнатдим-да, мен билан учрашишга келган одамларга совфалар бергандан кейин, жануби-гарбда 6 мил узоқликдаги Шаҳар томон отландим. Бекнинг шошилинч истагига кўра мени унинг саройига бошлишди. Сарой дарвозасига етганимда карнай чалиб кутиб олишди. Уларнинг олдидан ўтгач, бироз юриб кенг очиқ майдонга чиқдим. Бу ерда 300 ёки 400 нафар аскар саф тортишган эди. Бу ерда яна улкан ногора, карнай зарби ва замбараклардан ўқ отиб, салют беришганидан лол қолдим. Бу ерда бизни иккита юзбоши⁵ кутиб олди. Улар кашмир матосидан тўн кийиб, ку-

⁵ Юзбоши — ҳарбий унвон, юз нафар аскар бошлиғи. Юзбоши бевосита мингбoshi шига бўйсунган. Юзбошига ҳарбий юришлар пайтида алоҳида чодир, турли қуроляроф ва 10 та қўшимча от берилган.

мушдан маҳорат билан ясалган камар тақиб олишган эди. Отдан тушиб, улар билан бирга Темур қурган муҳташам Оқсарой харобаси ёнидан ўтдик. Бу ёдгорликнинг иккита катта бўлаги қолган бўлиб, у мустаҳкам катта фиштлардан қурилган, мовий ҳамда оқ кошинланган арабескалар, йирик форсий ва арабий ёзувлар билан безатилган эди.

Сарой ичида мени бек Абдулкарим девонбеги⁶ кутиб олди. У нимжон киши бўлиб, қўллари қалтираб турарди. Мен бир томонда, сўл тарафимда бек иккита юзбошиси билан, таржимон эса бизнинг ўртамиздан чеккароқда саройнинг бир ёғидаги сатҳи бўйлаб чўзиб тўшалган катта гиламга ўтиридик. Мен бекка генерал Абрамовнинг мактубини бердим. Бек уни ўқиб бериш учун мирзани⁷ чақирди. У суҳбатлашишни жуда хуш кўрадиган, мен ҳақимда ҳамма нарсани билишни истовчи кўринар ва мендан генерал Кауфман⁸ билан кўришаманми, кейин қаерга боришим, Санкт-Петербург, Американинг қанча узоқлиги ва бошқа кўплаб шу каби саволлари орасида Хивани руслар хонга қайтариб беришгани ростми, деб сўраб қолди. «Хозир, — деди у, — руслар Хивани эгаллашди. Улар имкони етган барча шаҳарларни забт этишди. Чамамда, улар эгаллаши учун Англиядан бошқа ҳеч бири қолмайди. Бу ҳақда бирор нима эшитганмисиз?» Мен бунга жиддий жавоб қилдим. Ҳолбуки, руслар Хивадек йирик шаҳарни мақсад билан, зудликда истило этишга киришмаганлиги боис, ҳали худо билади, ҳамма нарсалар бўлиши мумкинлигини тушунардим. Мен бу саводдан қисман ажабландим ҳам. Кейинчалик эшитишмича, Абдулкарим амирнинг собиқ муаллими бўлишига қарамай, ўша даврда унга нисбатан душманларча кайфиятда бўлган, мендан кўпинча бу ерларда ишлатиладиган кинояни яшириш йўли орқали сўрашининг маъноси — русларнинг Бухорога хужум уюштириш ниятини билиш учун эди. Шу аснода 30 хилдан ортиқ таомлари билан дастурхон ва олий навли кўк чой келтиришди. Паловдан ташқари турли усуллар билан тайёрланган ва бу ерда оммавий саналган бир неча таом — турли хил гўштлар, узум баргидан пиширилган шўрва мен учун мутлақ янги эди. Шаҳардаги таомлар Ўрта Осиёда мен кўрганларимнинг энг сараси эди. Бир неча расмий кишилар ва йўлбошли билан бозор томон

⁶ Девонбеги — Бухоро амирлигига молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи мансабдор.

⁷ Мирза — ёзув-чизув ишларини олиб борган мансабдор шахс, котиб.

⁸ Кауфман Константин Петрович (1818–1882) — Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш мақсадида Россия империяси уюштириган ҳарбий юришларнинг раҳбари. Ю. Скайлернинг саёҳати даврида Туркистон генерал-губернатори бўлган (1867–1882).

юрдик. Бахтимга ўша куни бозорлик (бу ерда пайшанба) куни эди. Шу сабабли бутун шаҳар, айниқса, бозор одамлар билан лиқ тўла эди. Пахта ва ипакдан ажойиб ҳамда бошқа майда маҳсулотлар сотиладиган доира шаклидаги марказидан йўлаклари бўйлаб тизилган бинони ҳисобламаганда бозор аввал кўрганларимга ўхшар, ҳар бир савдогар ўзининг шахсий жойига эга эди. Бу ерда салла учун нафис муслиндан⁹ бошқа ҳеч қандай инглиз молини топа олмадим. Гарчи савдода маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фабрика моллари мўл бўлса-да, аммо рус матолари, пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, чит ҳам жуда кўп эди. Ягона шу ер учун хос бўлган, ипакдан чор тарафлама кашта қилиб тикилган дўппиларни аёллар кияди. Жанубий дарвозадан чиқиб бироз юрилгач, от бозори жойлашган. Одамлар жуда ширинсухан, айниқса, яхудийлар ўта хушмуомала. Бир масжиднинг боғидаги чойхонада ҳар хил кийим-кечак кийган савдогарлар ва бошқа маҳаллий одамлар ерда чой ичиб ўтиришар, болалар эса уларга чой ташириди. Биз ҳам икки ариқ ўртасидан жой олдик. Бир зумда атрофимизни қизиққон одамлар ўраб олишди. Миршаб¹⁰ менга бир неча жонглёр (кўзбойлогич)ларни таништирди. Уларнинг бири ўргатилган илон билан томоша кўрсатса, бошқаси оловни, пичоқни оғзига ютарди. Яна бири умбалоқ ошиб, тирсак ва тиззаларига боғланган катта пичоқлар билан бошқа жисмоний санъатларини намойиш этарди.

Шаҳарда 90 та масжид ва 3 мадраса бўлиб, аҳолиси 20 минг атрофида. Китоб эса кичикроқ бўлиб, 15 минг аҳолиси бор. Шаҳар ва Китоб битта девор билан ўралган, илгарилари бу ер Кеш деб аталган. Аммо ҳозир бу икки шаҳар биргаликда Шаҳрисабз деб аталади. Бу ном Бобур замонидан бурун боғларининг кўплигидан берилган. Кешда таваллуд топган Темур дастлаб уни ўз пойттахти қилишни ният қилган, бироқ ундан Самарқанднинг кўплаб дикқатга сазовор жойлари ҳисобига воз кечган. Бу ернинг аҳолиси мени илиқ самимият билан қабул қиласига учун ҳам Бухоронинг бошқа шаҳарларидан кўра яхшироқ таассурот қолдирди. Яшаш шарт-шароитлари бу ерда хонликнинг бошқа ерларидан кўра ўзгача. Қулчиликка рухсат берилмайди. Шаҳрисабз ҳам Магиён, Фароб ва бошқа кичик бекликлар синга-

⁹ Муслин — юпқа газлама тури.

¹⁰ Миршаб — Ўрта Осиё хонликларида маъмурий лавозим; тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиги. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило қилингач, миршаб, асосан, тунги соқчилик ҳамда тартиб-интизомни таъминлаган ва полиция вазифасини бажарган.

ри ярим мустақил, Бухоро амирига феодал муносабатларда бир нималар берарди, холос. Бутун Ўрта Осиё, эҳтимол ҳеч қачон таркиби жиҳатидан бир бошқарувга мансуб бўлмаган. Чингизхон босиб олган худудларини удел¹¹ шаклида ўзининг ўғиллари ўртасида бўлиб берган ва бу тизим кейинроқ доимий сақланиб қолган. Бобурнинг «Эсадаликлар»ида¹² унинг замонида ҳам бу бошқарув тизими ўз кучида қолганлигини кўришимиз мумкин. Билишимизча, Бухорода яқин пайтгача амал қилинган удел тизими вилоятларнинг мустақиллик учун ҳаракат қилишларига таъсир кўрсатар, кўп ҳолларда у амалга ҳам ошар эди.

Бу ҳол Шаҳрисабзда ҳам рўй бериб, Бухоронинг амалдаги сулоласи мамлакатни бирлаштириш учун зўр берар ва чекка қисмларидағи бекликларнинг ярим мустақиллигини инкор қиласр эди. Шаҳрисабз билан бунинг уддасидан чиқиш мушкул, унинг серҳосил воийисини Бухоро тарафдан чўл, Самарқанддан тоғ тизмаси, довонлар ажратиб турар ҳамда қулай мудофаа вазифасини ўтарди.

Амир Насрулла вафотидан бироз ўтгач, Шаҳрисабз унинг ўғли Музafferиддинга қарши бош кўтарди ва кенагас¹³ уруғидан иккита вакил — Жўрабекни Шаҳар беги, Ҳакимни эса Китоб беги этиб кўтаришди. Бунга жавобан Шаҳрисабзга ҳужум уюштирган амир Кўқон хони Маллахоннинг мамлакатга бостириб кириши ва Ўратепани эгаллаб, Жиззахга ҳужум бошлиши сабаб, қамални бекор қиласди ва сулҳ шартномасини тузади. Беклар амир томонидан олий даражада тан олиниб, улар ҳар йили амирга совға-салом жўнатиб, зарурият туғилганда ўз қўшинлари билан кўмаклашишга келишади. Бироқ амир томонидан бекликларнинг ички ишларига аралашишига изн берилмайди. Бундайин дўстона муносабатлар 1866 йилда бухороликларнинг тартибсизлиги натижасида Иржар яқинидаги жангда руслардан мағлубияти оқибатида узилди. Ўшанда бир қанча маҳаллий ўзбеклар ўзларини ёппасига талон-торожликка уришди. Амир Самарқандда қолгач, ўзини Бухорода кўрсатишдан кўрқди. Чунки унинг жияни Сайдихон ман-

¹¹ Удел — ер эгалиги шакли. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиё ва Эронда ҳам кенг тарқалган ҳамда иқто ёки суюргол деб аталган.

¹² «Бобурнома» назарда тутилмоқда.

¹³ Кенагас — ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Хоразм, Қашқадарё, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистондан яшаган, таркибida бир қанча кичик қабила ва уруғлар бўлган. 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Шаҳрисабз, Китоб ва уларга яқин қишлоқларда — 35040, Бухоро воҳасида — 2725, Кармана ва унинг атрофида 2775 нафар кенагас истиқомат қилган.

фаати учун кучли гуруҳлар қуролланди. Охир-оқибат амирнинг та-рафдорлари ҳокимиятни қўлга олгач, Сайдихон ва мағлуб бўлган исён йўлбошчилари Шаҳрисабзда паноҳ топдилар. Уларнинг баъзилари афв сўраш ваъда қилиниб қайтарилган бўлса-да, аммо унга амал қилинмади. Шу сабабдан Жўрабек амирга Сайдихонни топширишни рад этиб, барча ҳужумларга муваффақиятли қаршилик кўрсатди. Ниҳоят амир сулҳ тузиш маъқуллигини тушуниб, ҳар бир бекка 10 000 танга тўлаб, қўшимча Жўрабекка доддоҳ¹⁴ олий унвонини берди.

Шаҳрисабз мустақиллигига охирги зарба руслар томонидан берилди. 1870 йилнинг ёзида Абрамовнинг Искандаркўл экспедицияси даврида унинг йўқлигига талончилар гуруҳи князъ Урусовга ҳужум уюштириб, солиқлар ундириб, уни кузатиб бораётган гуруҳ казакларидан бир нечасини ўлдирашади. Князъ Урусов ушбу ҳужум худудда таниқли бўлган Ҳайдархўжа томонидан уюштирилганлиги ва у Жўрабек хизмат қилишини астойдил туриб таъкидлайди. Шаҳрисабзга жўнатилган мактубда зудлик билан уни топшириш талаб қилинди. Бунга жавобан Жўрабек бу ҳеч қандай қонунга ҳам, қолаверса унинг виждонига тўғри келмаслиги боис бегуноҳ инсонни топширишни мажбурият деб билмади. Ҳайдархўжа Шаҳрисабзнинг бошқа аҳолиси сингари талончилик ҳужумида иштирок этмаган, бундан ташқари у айнан шу даврда бошқа жойда бўлган. Жўрабек жавоб хатида Қундуздан келган бир дарвиш ҳужум уюштирганини, ундан тортиб олинган казак ўқчисини русларга қайтариб берганини ёзади. Руслар ҳалигача Ҳайдархўжа талончилар бошлиги эканлигини ўқтириб, уни топширишни даъво қилишмоқда. Генерал Кауфман шу сабаб Шаҳрисабзни тугатишга қарор қилиб, генерал Абрамов бошчилигидаги ҳарбий экспедицияни у ерга жўнатади. Китоб, айниқса, русларнинг дарёни кечишида оғир талафотлар кўрган даврида ўзини кучли мудофаа этиб, 26 августдагина қаттиқ ҳужумлар оқибатида эгалланди ва Шаҳар ҳам тезда қўлдан бой берилди. Беклар Кўқонга қочишиди. Шаҳрисабз генерал Абрамов томонидан Бухоро амирига русларнинг бундан буён истилоларга хоҳишлари йўқлигининг исботи сифатида топширилди.

Эртаси тонг соат бешда бек билан хайрлашиш учун бордим. Мени жуда оддий, худди оталарча қабул қилди. Чироқчидан 4 мил узоқда бекнинг одамларини кўрдик. У (бек — З.С.) менга Шаҳрисабзали-

¹⁴ Доддоҳ — Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига қальъа бошлиғи, қўрбоши, Бухоро амирлигига эса арзилар шикоятини амирга етказиб жавобини шикоятичиларга билдирувчи, Кўқон хонлигига бундай амалдор жарчи деб номланган.

гимда хабар жўнатиб, меҳмондорчиликка таклиф этган эди. Биз отларни чоптириб, шаҳарга жўнадик. Чироқчи жуда кичик, аҳамиятсиз ва деярли вайрон бўлган. Асосий бозор дарвозанинг шундоққина қаршисида. Бу шаҳар олдин Шаҳрисабзга тобе бўлган, лекин ҳозирда амир тайинлаган бек томонидан бошқарилар экан. Унинг беги Салимбек бўлиб, Китоб бегининг ўғли, 35 ёшлар чамаси, ўртаҳол яшар, дарёning юқори қисмида жойлашган пастак уйда истиқомат қиласади.

Қаршига тахминан соат 9 да етиб келдим. Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар сингари Қарши ҳам кенг боғлар билан ўралган. Арк яқинига етганимда мени кутиб олган келишган ўзбек, бекнинг кекса ёрдамчиси Мирза Ироддин девонбеги йирик тўртбурчак шаклдаги арқдаги уйига бошлади. Сўнгра менга лозим бўлган меҳмон — амирнинг иккинчи ўғли, тахт валиаҳди, ўн саккиз ёшлардаги ўсмир — бек Нуриддинхон ўттиз беш мил узоқдаги Фузорга кетганлигини маълум қилишди.

Эрталаб бекнинг эндиғина қайтганлигини хабар қилишди. Аммо мушаклар отилганию унга пешвоз чиққан бирорта кишини топмадим. Унинг бирор жойга кетганлиги ҳақидаги хабарни ўйлаб топишганини аста-секин фаҳмлай бошладим. Мендан агар уни кўришни истаётган бўлсан, бунга жавобан бекка чин дилдан эҳтиромимни изҳор қилишим, шунга қарамасдан унга алоҳида бир нималар демаслигимни уқтиришди. Девонбеги унинг хузурига ушбу хабар билан кетиб, қайтганида у билан учрашувим соат бирда эканлигини айтди. Тайинланган вақтда девонбегига одам жўнатиб, ташриф буюришга тайёрлигимни билдиридим. Девонбеги бекка мени қабул қилишга тайёрлигини билиш учун борганида, унинг томонидан билдирилган кўплаб узрлар билан тезда қайтди. Сабаби мен унинг отаси — амирнинг меҳмони сифатида ҳали унинг қабулида бўлмаганим, бола бўлганидан, отасидан қўрқиб, мени қабул қилишга журъат қилолмаганигини, аммо мен астойдил туриб олсан, эҳтимол қабул қилишини, аммо тасодифий йўсинда учрашишга ва бундан хафа бўлмаслигимга умид қилишини айтибди. Менинг у билан учрашишим шунчаки эҳтиром юзасидан ва истагим Бухоро анъаналарига мувофиқлигини, тахт валиаҳди билан танишиш каминани мамнун этишини, кўришишга мажбур қилишни мутлақ истамаслигимни баён қилдим.

Саҳар чоғи отга миниб, каттагина тарқоқ жойдан иборат шаҳарни айланиб чиқдим. Бозор куни бўлмаганидан у деярли киши қадами етмагандек таассурот қолдиради. Учта мадраса — 130 талаба турар-жойига эга Али, 80 та хоналик Абдуллахон ва 100 та талабага мўлжалланган

Бики (Бек) арқдан узоқ бўлмаган ерда жойлашган. Майдондан бурилгач, сардоба — усти қубба билан ёпилган иншоот — йирик, галати ҳовузга дуч келдим. Ёпиқ гумбазли ҳаммом агар бу ерда яккаю ягона бўлмаса, энг яхвиси саналади. Тош ётқизилган кўчалари билан бозор ҳам усти ёпиқ эди. Аммо у ерда камгина маҳсулотларни кўриш мумкин. Ҳар ҳолда бозор бўладиган қунлари бу ерда савдо гавжум бўлади.

Қарши фалла савдосининг йирик маркази бўлиб, Қашқадарёнинг унумдор водийси, ҳатто, Ҳисор атрофидаги узоқ худудлардан келтирилиб, Бухорога жўнатилади. Қарши яқинида туз конлари ҳам бўлиб, қизил тош тузлари Ўрта Осиёдан ташқаридан ҳам кўп миқдорда сотилади. Улар Қарши жанубидаги ўн мил узоқликдаги тоғлардан олинади. Қарши, шунингдек, Ҳиндистон, Афғонистон ва Бухоро ўртасидаги савдо йўлида жойлашган бўлишига қарамай, ундан ҳеч қандай фойда кўрмайди. Маҳсулотлар тўғридан-тўғри Бухорога олиб борилиб, сўнгра Қаршига жўнатилади. Шу сабабли чой ва ҳинд молларининг нархи Бухородагига қараганда қиммат. Яна Қарши туркман моллари, айниқса, сифатли гиламларининг асосий бозори. Уларнинг кўпи Бухорога жўнатилиб сотилар ҳамда катта фойда олинарди. Бозор яқинида бошқа бири — Сарой мадрасаси жойлашган. Шаҳарнинг фарбий дарвозаси орқали ўтиб, шарқий қисмидаги боғлардан катта масжидгача оралаб, айланиб чиқдим. Рамазон ойи ва Қурбон байрамида масжид, кўпинча, йирик боғлари билан бирга одамларга тўла бўлиб, ибодат қилганларни ўйин-кулги, бошқа кўнгилочарликлари билан бирластиради. Ичкари қисми теп-текис бўлиб, тўққизта тошли қуббалардан иборат. Масжиднинг олд қисми жуда чиройли ҳамда яхши, мутаносиб, ёпилган гумбази ва Қуръондан олинган матнларининг шаклигача мовий ва оқ сополдан ишланган. Аммо қўлингиз бирор жойига, ҳатто, гумбазига теккудек бўлса, рангли сирлари атайлаб ва ўйноқи чизилиб қолар ёхуд фиштларни уриб чиқаради. Тепасидан шаҳар ва бутун атрофларининг гўзал манзарасини томоша қилдим. Мазкур масжид уч юз йил муқаддам Бики (Бек) исмли оддий ўзбек томонидан бунёд этилган. Абдуллахон¹⁵ уни бий¹⁶ ва Қарши ҳокими этиб

¹⁵ Абдуллахон II (1534–1598) — Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан чиқкан энг йирик ҳукмдори (1583–1598).

¹⁶ Бий — кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. XVII–XIX асрларда бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, факат марказий ҳукуматга итоат этган. Бухоро хонлигига хизмат погонасининг 9-mansabи.

тайинлаган, чунки ҳукмдор ов маҳали йўлдан адашиб қолганда, ўша Бики (Бек) уни учратиб қолиб тўғри йўлга солган, унинг мақомини билмаса-да, юксак илтифот кўрсатган. Бу ўша Бики (Бек) бўлиб, шу мадрасани қурдирган ва унинг номи билан юритилади.

Шаҳарни тарк этиб, ҳаялламай Бухорога йўл олгач, биз Абдуллахон томонидан дарё устига фиштдан бунёд этилган тўққиз аркали кўприкдан ўтдик. Аркаларнинг барчаси қулаган, аммо кўприкнинг фиштли устунлари қолган ҳамда ёғоч кўприк уларнинг уст қисмига барпо қилинган эди. Айтишларича, баҳорда сув сатҳи баланд кўтарилиб, кўприкни йўл бўйлаб қалқитиб, сув пасайгач, ўз жойига қайтган эмиш. Яхши тараққий этган мамлакат бўйлаб отда тахминан ўн саккиз мил йўлни тўрт соатда ортда қолдириб, жуда катта қишлоқ — Косон (Карсан)га етиб келдик.

Қаршидан Бухорогача саёҳатнинг ўзига жалб қилмаслигини бўрттириш жуда мушкул. Косондан сўнг бутун сафар давомида тамомила ҳеч нарса йўқ, лекин қум ва ёмон сувли қудуқлари бор, харобаси чиққан яккам-дуккам бекатлар ҳамманинг айтишича, Абдуллахон давридан қолган. Жазира мақоми иссиқ кучайиб, кучли шамол доимий равишда қумни кўзларимиз ва бурунларимизнинг текшикларигача ҳайдаган маҳали отда юриш мушкул. Аксар йўл шамол билан қумни шу қадар суриб келар эдики, мутлақ адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Шунингдек, бу ерларда одатда маълум масофадан кўриниб турувчи, йўлни мўлжал қилиш учун сув сақланадиган бир неча сардобаларнинг гумбазлари ёки табиий нарсаларни учратиш мумкин. Баҳтимга кўплаб бекатларда чодирлар ўрнатилган бўлиб, мени қабул қилишлари учун етарлича тоза сув, мева-чева ва егуликлардан бошқа ҳозирликлар кўрилган эди. Эрта тонгда отда мумкин қадар кўпроқ юриб, кун қизигач, бирор бекатда дам олиб, кечда яна сафарни давом эттириш зарур эди. Юкларим учун алоҳида аравам бўлиб, чарчагач, куёш ва шамолдан сақлаш учун кигизни ёзиб, чўзилар ҳамда бироз мизғиб олардим. Бекатлар ҳалиям Хаников¹⁷ рўйхатида берилган ўша номлари билан аталади.

¹⁷ Хаников Н.В. (1822/1819–1878) — шарқшунос олим. 1839 йилда Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовскийнинг Хивага уюштирган муваффақиятсиз ҳарбий юришида иштирок этган. 1841 йилда Бухорога юборилган К.Ф. Бутенев бошчилигидаги элчилик таркибида қатнашиб, унинг натижасида «Описание Бухарского ханства» асарини чоп эттирган (СПб., 1843). Юқорида Хаников рўйхати дейилганда Бухоро амирлигининг аҳоли масканлари қайд этилган ана шу асарга ишора қилинган.

Эртаси куни тонгда мен йирик Қоровул бекатига ётиб келдим. Бу ерда карvonсарой ҳам бўлиб, яхши таъмирланган экан. Бу ерда Қарши ва Шаҳрисабзга кетаётган амирни кутишга тайёргарлик кўрилаётган экан. Мен йўлга чиқмоқчи бўлиб турганимда амир қўшинининг ҳиро-вули¹⁸ кўринди. Ўлашимча, уларнинг бариси тахминан 8000 та одам эди. Тўп ва замбараклар ёнидан ўтгач, лагердан унча узоқ бўлмаган жойда кичикроқ яшил чодир кўринди. Тезгина чой, мева-чева ва палов келтирилди. Амир мирзабошиси ва қушбегининг ўғли Муҳаммад Шариф тўқсабо¹⁹ мени қўришга келдилар. Тўқсабонинг кўп сўровла-ридан кейин амирга генерал Абрамовдан хат борлигини айтдим. Аммо хат аравада бўлиб, у ҳали ётиб келмаган эди. Келиши билан унга юборишимни айтдим. Лекин уни ўзим етказишим кераклиги ва шу сабабдан амир мени қабул қилишини айтишди.

Соат 4 да мирзабоши²⁰ уйфотиб, амир Қаршига кетаётгани, жўнаш олдидан мени кўрмоқчи бўлганлигини, кийиниб, тезда у билан бо-ришимни айтди. Расмий амалдорлар ташқарида қолиб, ёлғиз мен ва таржимоним ичкарига кирдик. Киришим билан у кулимсираб, қўлини менга узатиб қўришди-да, «Генерал омонми?» — деди. Мен: «Ҳа у омон», — дедим. Сўнгра у бизларни чодирдан кираверишдан ўнгга ўтиришга таклиф қилди. Қоидага кўра у биринчи бўлиб гапириши керак, шунинг учун сукут сақлаб, уни кузата бошладим. У узун бўйли, бақувват, юзи бўзарган, кичкина, қора ва ташвишли қўзлари ҳар томонга пирилларди. Қовоқлари осилган ва носоғлом, қўллари бутун сухбат давомида қалтиради. У кулранг ипак тўн кийиб, оқ салла ўра-ган эди. Унинг сўзлашини беҳуда кутиб, ноқулай сукунат авжига чиқа бошлагач, гап бошладим:

- Мен генерал Абрамовнинг мактуби билан келдим.
- Ҳа, уни қабул қилдим, — деди у.
- Мен Китоб, Шаҳар ва Қаршида бўлдим. У ерда мени жуда яхши қабул қилишди ва вақтни яхши ўтқаздим.
- Сизга ёққанидан хурсандман. Келганингиздан мамнунман.

¹⁸ Ҳироюл — ҳарбий ҳаракат вақтида асосий кучларнинг энг олдидা борувчи ҳарбий қисм.

¹⁹ Тўқсабо — Ўрта Осиё хонликларида олий ҳарбий мансаблардан бири. XVI—XVIII асрларда хон байробини қўриқлаган маҳсус ҳарбий қисм бошлиғи. XIX асрда эса бир полкдан иборат бўлган ҳарбий қисм бошлиғи.

²⁰ Мирзабоши — мирзолар бошлиғи. Ўрта асрларда (шўролар тузумига қадар) Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида маҳсус давлат муассасаси (девонхона, мирзохона)-нинг бошлиғи. Бу девон давлат аҳамиятига эга бўлган ёзишмалар бўйича иш юритган.

— Энди Бухоро, Қоракўл ва Чоржўйга бориш, сўнг Самарқандга қайтишни истардим.

— Ўзингизни мамлакатингиздагидек ҳис қилинг, қаерни хоҳласангиз ўша ерга сафар қилинг. Бухоро, Қоракўл, Чоржўйга боринг. Мехмонимиз бўлинг ва вақтни чоф ўтказинг. Тўқсабо барча юмушларингизни ўз зиммасига олади.

Мен бу рухсат учун унга миннатдорчилик билдиридим ва бироз кутиб турдим. У эшик томонга ташвишли қаради ва шу онда тўқсабо кўринди. «Энди боринг», — деди амир.

Амирдан ҳадя сифатида тўртта тўн ва безатилган от келган пайтда мен нарсаларимни йиғиб, кетишга тайёрланаётгандим. Биз йўлга тушдик. Шаҳарга яқинлашганимиз сайин кўплаб одамларга дуч кела бошладик: деҳқонлар, савдогарлар, муллалар яёв, от ва эшакларда келишарди. Бозор куни бўлганидан ҳар ким тўла харидлари билан қайтарди. Бир неча қишлоқдан ўтиб, бутун йўл кичик савдо чодирлари ва дўконларининг кўплигидан узун бозорга ўхшарди, гёё. Ниҳоят сўл тарафимизда, яшил боғнинг ташқарисида жойлашган Номозгоҳ масжидининг ҳаворанг гумбази ва ўнгимизда шаҳарнинг баланд пахсали деворлари қад кўтариб турарди.

Мен осиёликларнинг Бухорони юксак тасаввурлар билан — ҳар ҳолда диний сабабларга кўра расман ал шариф, яъни муazzам деб аташларидан ажабланмадим. Шаҳарнинг мавжуд нокулайликларидан жаҳл қилсан-да, у менда жуда кучли ва жуда ажойиб таассурот қолдирди. Кўчада яёв кезар экансиз, унинг ростдан ҳам пойтахт эканлигини кўрмасдан иложингиз йўқ; одамлар ишдан холи, ажойиб кийинган, яхши қаралган ва эгар-жабдуғи бой безатилган отлар, бозор жойни ўраб олган ялқовлар тўдаси, ҳатто, жуда энсизгина камбар кўчалар ва уйларнинг баландлиги, кўплаб бозорлар ва ундаги гёё ҳар куни бозор кунидек гавжум, улкан миқёсдаги доимий тижорат сизга пойтахт (метрополис) эканлигини намойиш этиб турарди. Ўрта осиёлик, айниқса, даштдан келганлар учун Бухородаги, ҳатто, енгилгина сайр-томоша имкони ҳам беҳурматлик эмас. Шаҳарда ибодат учун масжидларнинг кўплигидан намоз адо этиш гёё ҳар нарсадан муҳимроқдек туюларди.

Мен жойлашган уйдан унча узоқ бўлмаган, шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонида Регистон ёхуд жамоат жойи бўлиб, бевосита арк ёхуд қўрғон олдида жойлашган ҳамда ажойиб йирик масжидлар ва мадрасалар билан ўралган. Унинг ғарбий тарафида, одатда, бекорчи юрадиганлар ўрнашиб олган. Бу ерда дарахтлар билан ўралган ҳовуз

атрофида сартарошхоналар, чойхоналар, ҳордиқ чиқариш учун турли хилдаги чодирлар мавжуд. Чарчоқни чиқариш учун мўлжалланган майдон новвойлар ва қассоблар, чарм-тери ва турли-туман майда-чуйда сотувчиларнинг марказий бозорига ўхшайди. Бу жой ҳақиқатан шаҳарнинг маркази ва азондан шом намозигача одамларнинг кўплигидан тўла бўлади. Аркдан ўнгда, унинг баланд деворлари яқинидан пастроқда бир-иккиси дурустгина кўринган замбаракларнинг бўлаклари ётибди. Уларнинг кўпи яроқсиз, ишдан чиқсан, баъзилари Қўқонда қўлга киритилган. Аждаҳолар ва бошқа шунга ўхшаш тимсоллар туширилганлари, ҳар ҳолда аввалроқ Қошгарда хитойликлардан олинган. Ўз навбатида арк йирик тепалик майдон бўлиб, сунъий кўтарилилган, тугаш жойи онда-сонда лойли деворлар орасидан кўриниб турувчи, чорқирра шаклдаги ёғоч билан мустаҳкамланган. Арк данданали²¹ баланд девор билан ўралган. Иккита улкан доиравий миноралари киришида кўриқланиб, тепа қисмидаги арабий рақамли соат бир неча йил бурун Бухорода озодликдан маҳрум этилган итальян Жованни Орланди томонидан ясалган²².

Модесто Гаваззи, граф Литта, яна бошқа бир итальян²³ 1863–1864 йилларда ипак қуртининг ургунини сотиб олиш мақсадида Бухорога ташриф буюрган. Амир томонидан 13 ойга қамоқ жазоси берилган. Гаваззи 1865 йилда Миланда чоп этилган «Бухоро сафари бўйича тўпланган баъзи маълумотлар» («Alcune Notizie raccolte in un viaggio Bucara») номли кичикроқ китобида Орландининг қизиқарли ҳисоботини берган. Ушбу ҳисоботдаги далиллар, айниқса, рус савдогари ҳақидагисини менга воқеадан тўла хабардор руслар ҳикоя қилиб беришган.

Бозор оралаб ўтгач, кўпгина йирик масжид ва мадрасаларга дуч келдик. Улардан энг катта иккитаси Кўкаaldoш ва Девонбеги мадрасалари бўлиб, иккинчисининг қаршисида тош ётқизилган, ҳар томонида масжидларига эга жой, тўртбурчак шаклда ўралган ҳовуз Лабиҳовуз Девонбеги номи билан машҳур. Ҳовуз бўйига қатор тут дараҳт-

²¹ Дандана — фиштлардан кўндаланг териб тишли қилиб ясалган қатор, кунгура. Имморатларнинг томи, девори тепасидаги кунгурали ҳосия қисми ҳам дандана деб аталади. // Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Тошкент, 1996. Б. 22.

²² Итальян соатсози Жованни Орланди 1851 йилда туркман қулфурушлари томонидан Оренбургда ўғирланиб, Бухорога келтирилган. Бу ерда унга арк учун соат ясаш топширилади. Яна қўшимча равишда амир Насрулла учун телескоп ясаш ҳам юклатилган. Афсуски, амир телескопи минорадан тушиб кетгач, Ж. Орланди ўлимга маҳкум этилган.

²³ Бу ерда Модесто Гаваззи (1828–1868) ва П. Литта билан бирга Бухорога келган Ф. Меацца назарда тутилган.

лари соя бериб, Бухоронинг ялқов ва бекорчиларининг ҳордиқ жойи ҳамда атроф бозорлари уйлар, тамадди қилиш учун чодирлар ва сартарошхонлар билан ўралган.

Шаҳарда кўплаб ҳаммомлар бўлиб, бухороликлар бажонидил иссиқ ҳаммом қабул қилишади. Улардан энг яххиси бозорда жойлашган. Тунги миршаблардан ташқари бозор аллақачон бўшаб қолгач, кўчалардаги арқон бўйлаб маълум масофа оша осилган чироқлар милтиллаган бир кеча тахминан соат 9 ларда ўша ҳаммомда чўмилдим. Ўз навбатида у деярли турк ҳаммомларига ўхшар, ривожланган мамлакатлардагига қараганда, унча яхши эмаслиги тайин эди.

Бухоронинг кўпгина бозорлари ичида энг муҳимлари Регистон очиқ бозори ва шаҳар марказида жойлашган, аркдан Девонбеги мадрасасигача чўзилган Чорсу бозори ҳисобланади. Чорсу бозори қизиқарли ва ўзига хос: у Кўқон бозори каби дабдабали кўринишда бўлмаса ҳам, аммо ҳар бир йўлги унинг қадимий савдо ўчоги бўлганилигидан далолат берарди. Кўчаларнинг четлари нафақат дўконлар ва молларни сақлаш учун карвонсаройлар билан тўла, балки кўплаб тимлар ҳам бор. Фиштли ва ёғоч тимларнинг ўртасида туйнуклари бўлиб, алоҳида моллар сотилади. Мисол учун, Абдуллахон тими²⁴ ипак, духоба, кийим-кечакка мўлжалланган бўлса, бошқалари эса пахтадан маҳсулотлар, оёқ ва бош кийимлар, салла ҳамда пичоқлар билан лиқ тўла.

Шак-шубҳасиз, Бухоро бутун Осиёning шу минтақасидаги савдо маркази ҳисобланиб, бу ерда дунёning турли қисмларидан келтирилган маҳсулотларни кўриш мумкин. Инглиз моллари шаҳарга Афғонистон орқали келтирилгани учун Қобули номи билан машҳур бўлиб, фақатгина Россия маҳсулотларига қараганда бироз камроқ сотилади. Бу қанчалик тўгри, фаҳмлашимча, инглиз моллари, асосан Ралли ва Компанияси, Петрококино ва Компанияси, Шиллизи ва Компанияси каби грек фирмалари ва баъзилари Калькутта савдо ширкатлари томонидан ишлаб чиқарилган. Хилма-хил ашёлар орасида нархи Тошкентдагига қараганда бирмунча арzon ва аксар у ерга (Тошкентга — З.С.) Бухородан қайта импорт қилинаётган Америка тўппончаларини ҳам учратдим.

Назаримда менга сотилган китоблар файридин бўлганимдан жон деб сотилмас, кўплаб истаганларимни эса мендан яширишганига аминман. Шунга қарамасдан Европада у ёки бу қадар нодир саналган ҳамда Бухоро тарихига доир баъзиларини харид қилдим. Улардан бири —

²⁴ Абдуллахон тими — Бухородаги энг катта усти берк савдо растаси. Абдуллахон II даврида курилган (1577).

«Бухоро авлиёларининг ҳаёти» номаълумлиги турган гап. Таъкидлага-нимдек, амир хазинасидаги кўплаб китобларга эътобор берилмаган-лигининг сабаби уларнинг Бухоро илм аҳлига маълум бўлмаган тил-ларда ёзилганлигига. Айтишларича, ушбу китоблар жуда қадим за-монлардан бери сақланиб қолган экан. Улар машхур кутубхонадан қолган бўлиши мумкин дейишгач, Темур томонидан Бурсадан кел-тирилганлиги дарҳол миямга урилди. Бухоро талон-торож этилиб, узоқ вақт ўтгач ҳам номаълум бебаҳо адабий асарлар хазиналари бу ерда мавжуд бўлиб, Темур кутубхонаси тарихи ҳар ҳолда у қадар буткул афсона — қандайдир армани роҳибнинг уйдирмаси эмас.

Бухорода турли тоифадаги одамлар билан бемалол суҳбатлашиш имкониятининг борлиги менга хузур бағишилади. Мен, кўпинча, бо-зордаги дўконда йигирма-ўттиз дақиқа тўхтар, рус ўртоғимнинг са-ройида ҳамма мавзуда суҳбат қилишни истаган буҳороликлар, форс-лар ва бошқа осиёликлар билан учрашар эдим. Инглизча сўзловчи бирорта кишини топиш истагида, кўпинча, ҳиндлар саройига боришни ёқтирадим.

Амир билан учрашганимда ундан Чоржўйга сафар қилишим ҳақида, Амударёни кўришни истаётганим учун изн сўрагандим. Алал-хусус, у ерда нималар бўлаётганини билгим келаётгани — Бухоро сиёсий жиноятчилари учун Чоржўй сургун жойи эканлиги ва айтиш-ларича, зарур вақтда ишлатишга тайёр туриши учун амир хазинаси ўша ерда сақланар экан.

Күшбеги хузурига биринчи ташрифимда амирнинг сафарга ижо-зат берганини айтганимда у: «Ҳа, ҳаммаси ҳақида хабарим бор, ўғлим айтди», — деган эди. Бир неча вақтдан сўнг тўқсабо билан суҳбатимда ҳамонки Бухорода ташрифим адогига етаётган экан, ҳатто, қайти-шимида бир-икки кун қолишга сўз бериб, Чоржўйга жўнаётганимни айтдим. Таклифим ҳар гал розилик билан қабул қилинار ва ҳеч қанақа эътиroz туғдирмас эди. Бухорони етарлича кўрганим ва кетишга ҳозир-лигимни туйганимни ҳис қилганимни, Қорақўл ва Чоржўйга сафар бошлишни ният қилганимни тўқсабога эрталабки ташрифи маҳали айтдим. У бирдан йўлларнинг жуда ёмонлиги, икки кунлаб сувсиз қолишим мумкинлиги ва шу важдан бунақа йўлда аравада юриб саё-ҳат қилиш амримаҳол эканлигини сўзлаб, мени йўлга чиқмасликка кўндира бошлиди. Унга йўллар ҳақида ҳаммасини билишим ва барча қийинчиликларни сарҳисоб қилганимни, уларнинг мени тўхтатиш-ларига умид қилишларига имкон бермаслик учун, сўзладим.

Эртанги саҳар қушбегини кўриш учун бориб, унга Чоржўйга бо-риш фикримни айтдим. У мен билан бу мавзуда бир ярим соат баҳслашиб, менга сўзлаганлари орасида масалани дастлаб унинг эътибо-рига ҳавола этмаганим, сафар учун амир рухсатини олишга вақти бўлганини чексиз таассуф билан сўйлади. У амирнинг оғзаки ижоза-ти ҳақиқий эмаслиги ва шу билан бирга амирнинг давлатида идора юритаётганлиги, ёзма фармойиш бўлмаса, ҳеч нима қила олмаслиги-ни билдири.

Бухорони Мозор дарвозаси орқали тарк этаркан, 6 мил узоқлик-даги қадамжо саналган Баҳоуддин мақбараси томон отда чанг йўл бўйлаб, боғлар ва далалар оралаб кетдик. Манзилга етгач, улкан бо-зорга дуч келдик. Кўчалар турли табақа ва тоифадаги одамларнинг оломони билан гавжум эди. Айниқса, уларнинг кўпчилигини тилан-чи ва зиёратга ташриф буюрганлар ташкил этарди. Ўрта Осиёнинг буюк авлиёси саналган Ҳазрат Баҳоуддин ёхуд Ҳазрат Нақшбанд (ва-фоти 1303 йил) мақбараси ёнида жойлашган кичик уйга кирдик. Ҳаз-ратнинг қабри тахминан 12 қадам тўртбурчак майдонли, ердан 6 фут кўтарилиган панжара билан ўралган, тепада кичик қадамжо мақбарага ўхшар, эски ўсимлик поялари ва ўтлар, оддий қўчқор шоҳлари, мато парчалари билан қопланган. Ташландик йўллари кўринмаслиги учун барча муқаддас жойлар безатилган. Бир томонида ёзув ва девор яқинида қора тош бўлиб, Санги Мурод деб аталиб, художўй зиёратчилар унга қўлларини тегизишиб, юzlари ва соқолларига суртишар, бу ҳаракат, ҳатто, тошда шубҳасиз, ўз изини қолдирган. Шифо ва бошдаги барча оғриқларни қолдириш истагида шундай қилишади.

Кармана яқинида, шаҳардан ўн икки мил узоқда бизни кузатиб боришга чиққан ҳарбий соқчиларга дуч келдик. Улар мендан шаҳарга бозор орқали ёки йўл атрофидан бориш маъқуллигини сўрашди. Мен бозор орқали боришни хоҳладим. Кармана беги Сайд Абдулла паст бўйли, аммо ақдли кўринар, ўн уч ёшлар чамаси, амирнинг ўғли бўлиб, бизга кўрсатилган дераза яқинида ўтирад, бизни кўргач, ўрни-дан туриб, қўлини менга узатди. Император, сўнгра генерал-губер-наторнинг соғлигини сўради. Биз ўриндиқлардан жой олгач, ипакдан тўқ қизил яктак ва оқ салла ўраган бекнинг ёшига қараганда жуда катта кўринишини пайқадим. Бу бек амирнинг суйган ўғли бўлиб, амир уни Бухорога тез-тез чақириб турад, ҳар ҳолда ўзининг ворисий давомчиси деб ният қилган эди. Ташқарига чиққанимизда намозга азон айтилиб, барча иложи борича бек келишидан олдинроқ сарой

қаршисидаги масжидга етиб олиш учун шошиларди. Бу жуда қизиқарли манзара касб этарди. Менга келтиришган яктаклар бошқа жойларда олганимдан бинойигина дурустроқ. Еттига яктакдан бири — Кашмири газмолнинг нархи қарийб ўтгиз фунт стерлинг. Мазкур бекка келтирган ҳадяларимиз орасида Тошкентдан олган бир неча ўйинчоқ, жумладан, кичик карнай ва бураб юргизиладиган (мурватли) велосипедчи уни роса ажаблантириди. Шунга қарамай уларни тезгина бузиб қўйди.

Кармана 4 та масжиди ва 1 та мадрасаси бор кичик шаҳар²⁵. Масжиди жуда қадимий, ҳовуз чеккасида қад кўтарган бўлиб, ундан бўлак қизиқарли ҳеч нима йўқ. Девонбегининг уйида меҳмондўстликдан кам-кўст сезмадим. Мезбон аввал савдогар бўлиб, Оренбургда яшаган ва ҳатто Нижний Новгороддаги ярмаркада ҳам иштирок этган. У фаросатли ва олийжаноб инсон бўлиб, талай қийинчиликларни бошдан кечириб улғайган, суҳбати мароқли, ҳам ибратли эди. Унинг ўқимишлилиги оиласига ҳам ўтган; ҳатто кичкина 5 ёшли ажойиб ўғли бегоналарнинг эркалашларидан хархаша қилмас ва бизни бижирлашлари билан роса кулдирди.

Эртаси тушдан сўнг 24 мил узоқдаги Зиёвуддинга жўнадик. Зиёвуддинда бек саройининг бир қисмида жойлашдик²⁶. Бекнинг ўзи шаҳар ташқарисида ва эрталабга қадар қайтмас экан. Зиёвуддин гўё бек саройидан ташкил топгандек, сарой ташқарисидаги майдонда бозор бўлиб, ҳар бир савдогар сувоқланган, конуссимон кичик тепаликда жойлашган, тепаликнинг аниқ шакли оқ чумолига ўхшар эди.

Кейинги кун (17 август) тахминан ўnlарда Каттақўргонга етдик. Каттақўргонга келгач, худди ўзга оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Европача таомлар, одатий мавзудаги мазмунли суҳбатлар.

Икки ой ўтгач, бир рус полковниги Хивадан Бухоро орқали ўз уйига қайтаётib, расмийлардан бу ерда нималар бўлганини сўрайди. Унга шундай жавоб қилишади: «Бир америкалик бу ерда 10 кун бўлиб, бутун Бухоро аҳлини тўлиқ ўз назорати остида тутди».

²⁵ Бухоро амирлигининг манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1753–1920) Кармана алоҳида имтиёзларга эга беклик саналиб, у Бухоро амирининг валиаҳди томонидан бошқарилган (З.С.).

²⁶ Зиёвуддин бегининг қароргоҳи шаҳар қальясининг вайроналари ёнида жойлашган. Бек айнан шу аркда туриб фуқароларни қабул қилган. Чунки Зиёвуддин Бухоро амирлигига қарашли энг катта вилоятлардан бири ҳисобланган. Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. Т. 1. — Т.: Фан, 1971. Б. 94.

*Ю. СКАЙЛЕР***БУХОРО***Таржима ва изоҳлар З. Сайдбобоевнику*

«Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Фўлжага саёҳат қайдлари» асари (Нью-Йорк, 1885. II жилд) муаллифи Ю. Скайлернинг Бухоро амирлигига саёҳатининг (1873) тафсилоти ўзбек тилига қисқартирилган ҳолда таржи-ма қилиб берилган. Унинг бу ерда кўрган-кечирганлари, амирликнинг йирик шаҳарлари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлари билан боғлиқ маълумотлари қизиқарли тарзда баён этилган.

Калим сўзлар: Шахрисабз, Китоб, бек, амир, Чироқчи, Қарши, Бухоро, савдо, Баҳоуддин қадамжоси, Кармана, Зиёвуддин, Каттақўргон.

*Ю. СКАЙЛЕР***БУХАРА***Перевод и комментарий З. Сайдбобоева*

В статье приведен перевод на узбекский язык (с сокращениями) произведения Ю. Скайлера «Туркестан: записки о путешествии по российскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Кульдже» (Нью-Йорк, 1885. Т. II.), в котором отражены подробные сведения о его поездке в Бухарский эмират (1873). Приведен интересный материал о крупных городах, социально-экономических связях эмирата, а также о тех событиях, свидетелем которых был сам автор.

*E. SCHUYLER***BUKHARA***Translation and comments by Z. Saidboboev*

A brief translation of E. Schuyler's «Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja» (New York, 1885. Vol. II.) is given in the article, which reflects the details of his travel to Bukharan Emirate (1873). The article also provides interesting material about the major cities, the socio-economic relations of the Emirate, as well as those events, which the author witnessed himself.

A. ЗАМОНОВ

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА ҲАРБИЙ ИШ: ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ, БОШҚАРУВИ ВА АНЬАНАЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик фуқаролик давлати барпо этиш, инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида кенг миқёсли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ана шу ислоҳотлар ва ўзгаришлар билан бир қаторда эл-юрт, халқнинг порлоқ келажагининг кафолати бўлган баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз халқининг кўп минг йиллик маданияти, миллий қадриятлари ва урф-одатларини тиклаш ҳамда фуқароларда ўзликни англаш, халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини тиклаб, асраб-авайлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Айнан мана шу вазиятда тарих фанининг аҳамияти каттадир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқ»¹, деган фикри ўринлидир. Зеро, тарих ва айниқса, Ватан тарихи бугунги ва келгуси авлод учун сабоқдир.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврини ўрганиш, ўша давр воқеа-ҳодисаларини, давлат негизини ташкил этган ҳарбий бошқарув тизимини ҳаққоний ўрганиш бугунги тарих фанининг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Мовароуннаҳрда Шайбонийлар давлатининг ҳарбий бошқаруви ва қўшин тузилиши ҳолатини тадқиқ этиш сабаби қўйидаги мезонлар билан белгиланади: XVI асрда инқирозга юз тутган темурийлар давлати ўрнида Муҳаммад Шайбоний ва унинг ворислари томонидан Мовароуннаҳрда марказлашган давлат ташкил топди. Бу эса давлат бошқаруви, хусусан, ҳарбий бошқарув тизимида ўзига хос ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳланади; Мовароуннаҳрда темурийлар ва мангитлар сулолалари ҳукмронлиги даври ҳарбий санъати тарихчилар, давлат ҳуқуқи мутахассислари томонидан етарлича тадқиқ этилган бўлиб, юқорида номлари келтирилган ҳар икки сулола оралиғида Бухоро хонлигини идора қилган шайбонийлар ва аштархонийлар даври ҳарбий тизимига бағишланган илмий тадқиқот ишлари етарли эмас.

¹ К а р и м о в И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 4-6.

Аштархонийлар даврида номунтазам армияга асосланган ҳарбий тизим мавжуд бўлганлиги, шайбонийлар даври ҳарбий санъати ва қўшин тузилишининг нисбатан юксакроқ даражада бўлганлиги ҳам мавзунинг аҳамиятини оширади.

Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Мовароуннаҳр ва Хурросонда марказлашган давлат ташкил этилишидан боштаб, то хонлик тарихининг сўнгги даврларигача ҳам давлат бошқарувида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда ҳарбий-маъмурий амалдорларнинг мавқеи юқори бўлиб, шу туфайли ҳам Бухоро хонлиги тарихини ҳарбий-сиёсий томонини ажратган ҳолда кўриш мумкин эмас.

Шайбонийлар сулоласига мансуб бўлган барча хонлар ва сultonлар² ўзларининг режаларини амалга оширишда Дашти Қипчоқда яшаётган қўплаб ўзбек уруғларининг ҳарбий мажбуриятлар асосида зарур бўлган ҳолларда тез тўпланадиган кўп сонли қўшинига таянар эди. Қўшин тўплаш, уларнинг таъминоти, қурол-яроғлар миқдори, ҳарбий хизмат ҳамда жанг олиб бориш анъаналари ўша даврда Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдада амалда бўлган Чингизхон «Ясо»си ҳамда туркий халқларнинг ҳарбий удумлари асосида амалга оширилган. Қўшинлар тузилишидаги асосий ҳарбий мансаблар ўнлик тизимида бўлиб, темурийларнинг қўшин тузилиши анъаналаридан унча фарқ қилмаган эди. Асосий фарқ байзи ҳарбий унвонларнинг номи шайбонийларда ўзбекча (Дашти Қипчоқ ўзбекларига хос) бўлса, темурийларда туркийча, араб ва форсийча номлар билан ҳам аталаверган³. Аммо қўшинларни сафлаш, жанг олиб бориш тартиби тубдан фарқ қилган. Жумладан, шайбонийлар қўшинининг олий бош қўмондони хоннинг ўзи (Темур ва темурийларда амир ва ҳукмдорларнинг ўзлари — мирзолар, амирзодалар ва подшоҳлар олий бош қўмондон бўлган), алоҳида бўлинмаларга — ўнг қанот, чап қанот, қалб (марказ), авангард (олдинги қўриқчи бўлинма) ва чиндовулдуми (қўшиннинг энг орқа қисми) каби қисмларга хоннинг ўғиллари, қариндошлари ва жангларда синалган ишонч-

² Чингизхон вафотидан кейин унинг авлодлари ичida ёши энг улуғи таҳтга чиқиб бориши натижасида, даврлар ўтиши билан таҳтга эга бўла олмаган сулола вакилларига «сulton» унвони берила бошлаган. Кейинчалик, Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхон авлодларининг барчаси номига «сulton» сўзи қўшиб ишлатилиши урф бўлган. Сultonлар ичida ёши ва нуфузи юқори бўлган айрим сулола вакилларига «хон» рутбаси ҳам берилган. Масалан, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абулланома» асарида (Биринчи китоб. Т., 1999. 57-б.) Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Хурросон ерлари эгаллангач, унинг катта ўғли Муҳаммад Темур валиаҳ деб эълон қилинганлиги ва унга «хон» рутбаси берилганлиги айтилади.

³ Муҳаммад Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тошкент: Адолат, 2007. 89-б.

ли, тажрибали лашкарбошилар қўмондонлик қилган. Хонлар ва сultonларнинг алоҳида топшириқларини бажарувчи ишончли кичик офицери — ясовул (улар Ясо қоидаларининг бажарилишини назорат ҳам қилган), кейинчалик, Абдуллахон II даврида мубошир (арабча) деб ҳам юритилган. Ҳарбий мансаблар ичida танмачи (темурийлар даврида тавочи) қўшин йиғувчи мансаби ҳам алоҳида ўрин тутган.

Ҳарбий қўшин, асосан, отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида қўшин ўқ-ёй, узун найза, қилич, гурзи, табарзин, чангак каби асосий ҳужум қуролларидан фойдаланган⁴. Абдуллахон II даврида пилта милтиқлар, замбараклар жорий этилди ва бунинг натижасида қўшинда тўпчибоши лавозими пайдо бўлди⁵. Қўшинда ҳимоя воситаси сифатида қалқон (сипар) ҳамда симдан тўқилиб, усти ипак ва баҳмал мато билан ёпилган совут (жовшан) ёки жиба (жева, темир ёки пўлатдан ишланган маҳсус кийим) кабилардан фойдаланилган⁶. Мазкур янги кураш воситаларининг қўлланилиши қўшин қудратини нисбатан оширишга олиб келган.

Қўшин тузилиши ва унинг ҳарбий юришлар давридаги ҳаракати тизимли ва тартибли бўлган. Илгариги даврларда бўлгани каби шайбонийлар қўшини ҳам ўн минглик, минглик, юзлик ва ўнлик бўлинмаларга бўлинган. Қўшиннинг асоси — қалб деб аталувчи марказий қисм баронфор (ўнг қанот) ва жавонфор (чап қанот) қисмлардан ва ҳировул (қўшиннинг орқа қисми)дан ташкил топган. Қўшин олдида манглай деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борган. Унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговар қисм — илфор бўлган. Илфор қисм қўшиндан олдинда юриб, вазиятни текшириб борган ва лозим бўлса қисқа жангларга ҳам кирувчи даста ҳисобланган. Умумий қўшин олдида қоровул деб аталувчи маҳсус қисм, қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари олдида борувчи кичик гул деб номланувчи бўлинмалар ҳамда қўшин ортидан борувчи маҳсус ёрдамчи бўлинма — чаноҳ ҳаракат қилган. Мазкур қисмлар оралиғида маҳсус чопар хизмати ташкил этилган бўлиб, улар бош қўмондон кўрсатмаларини саркардаларга етказиб турган.

⁴ Б е л е н и ц к и й А. М. О появлении огнестального оружия в Средней Азии и Иране в XIV–XVI вв. // Известия АН СССР, Таджик. филиал. Сталинабад, 1949. 48-б.

⁵ Ҳ о ф и з Т а н и ш Б у х о р и й. Абдулланома. Биринчи китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. Тошкент: Шарқ, 1999. 199-б.

⁶ Э ш о в Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. 322-б.

Ўнг қанот, сўл қанот, қалб сингари қўшиннинг асосини ташкил қилган қисмларига шаҳзодалар ва шайбонийлар уруғига мансуб султонлар тайинланган. Жумладан, 1512 йил ноябрь ойида Фиждуон яқинида Сафавийлар лашкарбошиси Нажми Соний (Ёр Аҳмад Исфаҳоний) билан бўлган жангда шайбоний султонлар қўшин бошқарувидаги тартибда жойлашганлар: қўшин марказида (қалб) — Убайдулла султон (Шайбонийхоннинг жияни), бурунфорда — Муҳаммад Темур (Шайбонийхоннинг ўғли) ва унинг ўғли Пўлод султон, жавонфорда Абу Саъид султон (Кучкунчихоннинг ўғли) ва Жонибек султонлар (Шайбонийхоннинг амакиваччаси) қўмондонлик қилган⁷. Қўшиннинг қалб қисмини, асосан, бош қўмондон бошқарип борган. Бундан кўринадики, Муҳаммад Шайбоний ҳалок бўлганидан кейин умумий қўшинга Убайдулла султон қўмондонлик қилган⁸. Тарихчи Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаганнинг ёзишича, «Муҳаммад Шайбонийнинг катта ўғли Муҳаммад Темур барча юришларда қўшиннинг ҳировул — орқа қисмiga раҳбар этиб қўйилган»⁹.

Ҳарбий қўшин тузилиши¹⁰:



⁷ Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаган. Мусахир ал-Билод. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов, Д. Сангирова. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 140-б.

⁸ Бу ерда сафавийлар ҳужуми бартараф этилиб, Кучкунчихон олий ҳукмдор деб эълон қилингунга қадар бўлган давр, яъни 1510–1513 йиллар назарда тутилмоқда.

⁹ Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаган. Мусахир ал-Билод. ... 128-б. Афтидан, Муҳаммад Шайбоний умумий қўшиннинг захира қисмida Муҳаммад Темурни доимий равишда раҳбар этиб тайинлаши – валиаҳд бўлиши кутилган шаҳзодани қирғин-барот жанглардан имкон қадар сақлаш мақсади бўлғанлиги эҳтимол.

¹⁰ Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент: Академия, 2000. 197-б.

Кўшин таркибидаги тугчи қисм, яъни байроқ остида захирада турувчи (тугни қўриқловчи) ҳарбий бўлинма ҳамда забонгири, яъни душман томонидан «тил» топиб келувчи маҳсус бўлинма ва хабаргири — душман тўғрисида маълумот келтирувчи (разведка) маҳсус бўлинмалар ҳам бўлган¹¹. Бу вазифаларни вазият тақозо этгандаги илфор ва қоровул қисмлар ҳам бажарган¹². Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган жой — боргоҳ бўлиб¹³, у саралангани ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг маҳсус бўлинмаси томонидан қўриқланган. Бундай тизим Чингизхон ва Амир Темур армиясида ҳам мавжуд бўлиб, Ўрта Осиё хонликларида бу тартиб сақланиб қолган.

Кўшинни йиғиш ва юришга тайёрлаш, уларнинг маошини тўлаш ҳамда бошқа ташкилий ишлар билан тавочи шуғулланган. Кўшинни курол-аслаҳа билан таъминлашга масъул бўлган амалдор жевачи бўлиб, у хоннинг курол-яроғларига ҳам жавобгар бўлган¹⁴. Хон ва саркардларнинг алоҳида топшириқларини бажарувчи шахслар ясовул деб аталган¹⁵. Хоннинг шахси ва саройни қўриқловчилар қурчи, хон байроғини кўтариб юрувчилар яловбардор деб номланган¹⁶.

Ҳарбий мансаблар орасида қўрхона бошлиғи лавозими бўлиб, бу мансаб эгаси ўқчи, камонсоз, қиличсоз ва бошқа ҳарбий куроллар устахоналарини бошқарган¹⁷.

XVI асрнинг биринчи чорагида шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлган Самарқандда курол-аслаҳа ясаш ишлари анча тараққий топган эди. Кўшин учун қиличлар, ханжарлар, жанговар ойболталар, қалқон, совут, дубулғалар ва турли яроғлар тайёрланган. XVI аср бошидаги икки сиёсий душман — темурийлар ва шайбонийлар кўшинни ўртасидаги жангларни ёритган муаррихлар улар орасида алоҳида тафовут борлигини қайд этмайди. Ҳар икки кўшин ҳам қилич, найза, камон, қалқон, тўғанглар билан куроллангани ҳақидаги маълумот-

¹¹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. ... 219–240-б.

¹² Мұхаммадиёр ибн Араб Қатаган. Мусаххир ал-Билод. ... 388-б.

¹³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. ... 199-б.

¹⁴ Аҳмедов Б. «Тавочи» ва «Жарчи» атамалари ҳақида. // Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994. 411–414-б.

¹⁵ Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. ... 323-б.

¹⁶ Carter Vaughan Findley. The Turks in world history. Oxford: University press, 2005. 104-б.

¹⁷ Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Тошкент: Шарқ, 2012. 114-б.

лар етакчилик қиласы¹⁸. Қўшиннинг асосий қисмини танасини муҳофаза қилиш учун совут кийиб юрган жангчилар ташкил этган.

Манбаларда Мұхаммад Шайбонийхоннинг ўзи қора совут кийиб юрганлиги¹⁹, ёнида ҳамиша камон ва садоқ бўлғанлиги²⁰ ҳамда камондан ўқ отишда моҳир бўлғанлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Қўшин таркибининг қайси табақага мансублигини унинг қуролланиши ва танасини муҳофаза қилиш тартибиға қараб ажратиш мумкин бўлган. Масалан, нақш ва суратлар билан зийнатланган қалқонлар юқори табақа турли қатламларининг қуролланиш белгиларидан бўлса²¹, оддий жангчиларнинг кўпчилигига совут бўлмасдан, улар ўз таналарини кигиз билан ўраб муҳофаза қилганлар²².

Шайбонийлар қўшини орасида ёғоч, пойнак ва қуш патидан ясалган ўқлар кенг тарқалган. Камон ўқининг аксарияти қайн дарахти новдаларидан тайёрланган ва уларнинг учига жез пайкон ва орқасига қуш пати ўрнатилган²³. Муаррихлар қўшин таъминоти ҳолати ёмон бўлган пайтларни «патсиз камон ўқлари» билан таъминланганлиги²⁴ билан тавсифлайдилар.

XVI аср бошларидан бошлаб ўточар қуролларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашуви билан совутларнинг шакли ҳам, мудофаа ҳолатлари ҳам ўзгариб борган. Манбаларда қайд этилишича, бу даврга келиб Усмонлилар империяси ҳарбий тизимидан фойдаланиш амалга оширила бошланди²⁵. Бу даврда Усмонли турклар давлати ўзининг Эронга нисбатан олиб бораётган сиёсатида Бухоро хонларидан фойдаланиш ҳамда ўзининг бу ердаги таъсирини кучайтириш мақсадида шайбонийлар давлатининг ички ишларига аралашиб, Абдуллахон II га қарши кураш олиб борган Наврўз Аҳмадхон ва унинг ўғилларига

¹⁸ Бу ерда Камолиддин Биноий, Бобур, Мұхаммад Солиҳ, Мұхаммад Ҳайдар мирзо, Мирхонд, Фазлulloҳ ибн Рузбекон, Гулбаданбегим, Мұхаммадиёр ибн Араб Қатаган, Ҳофиз Таниш Бухорийларнинг асарлари назарда тутилган.

¹⁹ F i ё s i d d i n i b n X u m o m i d d i n X o n d a m i r . Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов. Тошкент: Шарқ, 2011. 159-бет.

²⁰ Мұхаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент: Ўз ССР Фанлар академияси нашриёти, 1961. 40-бет.

²¹ Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. ... 115-бет.

²² Carte г Vaughn Findley. The Turks in world history. Oxford: University press, 2005. 104–105-бетлар.

²³ Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. ... 111-бет.

²⁴ Мұхаммадиёр ибн Араб Қатаган. Мусахир ал-Билод. ... 133-бет.

²⁵ История Узбекистана (XVI — первая половина XIX в.). Ташкент: Фан, 2012. 79-б.

кўмаклашиш мақсадида замонавий милтиқлар (тўғанг) билан қуролланган турк яничерлари (янги черик) юборган. Унга қадар шайбонийларда мавжуд бўлган милтиқлар мисдан ясалган бўлса, XVI аср ўрталаридан бошлаб Мовароуннаҳр аскарлари илк бор туркларнинг темирдан ясалган милтиқлари билан қуроллана бошладилар²⁶.

Шайбонийлар даврида янги қуролларни жорий этиш билан биргалиқда, кўшиннинг янги қуроллар билан жанг олиб бориши ишларига ҳам эътибор билан қараганлар. Хусусан, Усмонли турклар шартнома асосида кўшинни ўточар қуроллардан фойдаланишга ўргатиш, замонавий усулда сарбозларни жангта тайёрлаш машқларини ўтказиш билан шуғулланган²⁷. Улар баъзида шаҳзодаларнинг тахт талашиш учун курашида гоҳ у, гоҳ бу султон тарафида туриб урушиш орқали давлатнинг ички ишларига ҳам аралашганлар. Масалан, 1555–1556 йилларда Наврӯз Аҳмадхон Абдуллахон II га қарши урушларда, Кучкунчихоннинг набираси Жавонмардалихон Самарқанд учун Бухоро султонларига қарши курашда турк яничарларига ва машшоқ (муҳандис)ларига таянган²⁸. XVI асрнинг 50-йилларида Мовароуннаҳрда бўлган турк адмирали ва сайёҳи Сейди Али Раис шайбонийларга хизмат қилаётган Усмонлиларнинг кўшинлари ҳақида қўйидаги маълумотларни келтиради: «... саодатли подшоҳ (Турк султони) шайх Абдуллатиф ва Додош элчи орқали Наврӯз Аҳмадхонга бир қанча милтиқ отувчилар ва бир қанча қалъя тўплари юборган. Бухоро ҳокими Сайд Бурхон ва Наврӯз Аҳмадхонларнинг Шаҳрисабзда бўлган тўқнашувларида румликларнинг бир қанча бошлиқлари ўлган. Шундан кейин румликларнинг бошлиқларидан бири ўз ёнига бир қанча кишиларни олиб, Тошкент ва Туркистон йўли билан Румга жўнаган бўлса, яна бир Аҳмад човуш²⁹ исмли румлик Бухоро ва Хоразм йўли билан Румга қайтган. Бир қанча яничери Сайд Бур-

²⁶ Сеиди Али Раис. Миръотул мамолик. Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. Зуннунова. Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. 103–б.

²⁷ Мұхамадиёр ибн Араб Қатаган. Мусахир ал-Билод. ... 394–б.

²⁸ Ўша асар. 240–242, 394–б.

²⁹ Човуш — сержант, унтер-офицер. Барча туркий давлатларда, Салжуқли ва Усмонли турклар давлатида уч ва ундан ортиқроқ вақт мобайнида ҳарбий хизматни ўтаган оддий аскарларга човуш унвони берилган. Хоразмшоҳлар давридан бошлаб бу лавозимнинг асосий вазифалари ҳарбий бўлинмалар орасида, саркардалар ва бош қўймондан орасида чопарлик вазифасидан иборат бўлган бўлса, XVI асрдан бошлаб Бухоро хонлигига бу атама ҳарбий лавозим сифатида кенг тарқалган ва шахс номларидан кейин қўлланилган.

хон ёнида ва бир қанчаси Наврӯз Аҳмаднинг ўғиллари ёнида қолган»³⁰. Туркиялик тарихчилар Усмонли турклар султони Сулеймон томонидан Наврӯз Аҳмадхонга Эрон билан курашга кўмаклашиш мақсадида 300 кишилик яничер ва бир тўпчи бўлинма юборилганлигини таъкидлашади³¹. Бундан кўринадики, турк яничерлари Бухоро ҳукмдорларининг армияси таркибидаги кўпчиликни ташкил қилган.

Тарихчилар жанг пайтида турк сипоҳлари услубини қуйидагича тасвирлайди: «усмонлилар жанг олдидан арабаларни бир-бирига занжир ўрнига ҳўқизнинг хом терисидан ишланган арқон билан бирлаштирган ва уларга олти-еттита қалқон ўрнатганлар. Мерганлар ароба ва қалқонлар орасидан туриб, тўфанглардан ўқ узганлар. Баъзи очиқ жойларга тўсиқ ва ғовлар ўрнатганлар»³². Ўзига хос «қўргон»лардан 100–150 нафар суворий саф тортиб туриши ва ҳужумга ўтиши учун алоҳида жойлар қолдирилган. Ҳофиз Танишнинг муболагали таъкидлашича, турк аскарларининг ҳунари «милтиқ отувчилик бўлиб, ҳар бири бу ишда шу қадар моҳир эдиларки, ҳатто, қоронғу кечада ҳам хабашнинг қора холини милтиқ ўқи билан bemalol ура олар эди»³³.

Шайбонийларнинг жанг услуби ўзига хос шарқ анъаналари асосида ташкил этилган. Бу тактикалар душман жанг услуби, қўшин тузилиши ва жанг майдонига қараб ўзгаририлиб борилган.

Суворийлар қўшиннинг асосий қисмини ташкил қилганлиги сабабли, шайбонийлар очиқ майдонда, текисликда жанг олиб боришга интилганлар. Қўшин таркибидаги энг учқур отлар асосий қисмининг ён тарафида кичик фулларда жойлаштирилган. Жанг бошланиши билан суворийлар тезлик билан душман қўшинлари қанотларини айланиб ўтиб, уларни ўраб олишга ҳаракат қилган. Шайбонийлар билан бир неча бор тўқнаш келган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу тактиканни қуйидагича ифодалайди: «улар бизнинг илгаримиздан ҳам, оптимиизга ҳам бостириб келиб, элимизни саросимага солди. Уларнинг урушдаги улуғ ҳунари ушбу тўлғамадир ва ҳеч бир уруш тўлғамасиз ўтмайди»³⁴. Шайбонийлар қалъалар қамал қилинган пайтларда душман

³⁰ Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. ... 97–98-б.

³¹ Remzi Kilic. Osmanli siyasi iliskileri (1530–1555). // Tarih konunları. №2. Ankara, 2001. 46-бет; Akdeş Nîmet Kûrat. Turkiye ve İdil Boyu. Ankara, 1966. 65-б.

³² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008. 121–123-б.

³³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Иккинчи китоб. Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. Тошкент: Шарқ, 2000. 207-б.

³⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. ... 81-б.

қўшинини ташқарига чиқариш йўлларини қидирганлар ва ҳимоячилар қалъадан чиқишигач, ёлғондан чекинганлар. Душман қўшин ортидан қувиб пистирмага дуч келган ва ҳалокат топган. Мазкур даврнинг тарихчиси Хондамир бу усулни «қочиб урушиш»³⁵ деб атайди (1510 йил Марв яқинидаги жангда Муҳаммад Шайбоний ўзига қарши қўлланилган «қочиб урушиш» курбони бўлган эди). Бундан ташқари, шайбонийлар жанг пайтида муваффақиятсизликка учраётган тақдирда, камончиларнинг ўқ ёмғирини тинимсиз ёғдириб туришлари кўмагида сафни бузмаган ҳолда чекинганлар³⁶.

Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдулла султон, Абдуллахон II ларнинг шаҳар ва қалъаларни эгаллашда қўллаган тактикалари мудофаачиларни доимо қийин ҳолатга солиб қўйган. Тарихий манбаларда Бухоро қўшини таркибида душманинг шаҳар ва мудофаа қўрғонларни ишфол этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган нафтандозлар, манжанақлар, тош отувчи қуролларнинг мавжудлиги ва уларнинг техник бошқаруви йўлга қўйилганлиги ҳамда Абдуллахон II даврида деворларга зарба беришда устоз Руҳийнинг раҳбарлик қилганлити³⁷ ҳақидаги маълумотлар учрайди. Қалъаларнинг ички қисмига кириб олиш учун шоти ва улама нарвонлардан фойдаланилган³⁸. Ҳар бир шоти 2–3 киши ёнма-ён чиқа оладиган даражадаги кенгликда бўлган³⁹. Бу ҳолат қалъа деворини шиддат билан эгаллаш имконини оширган. Қўшин таркибида маҳсус ҳарбий қуролларни ишлатувчи малакали аскарлар бўлган. Тарихий манбалардан бирида шайбонийлар қўшинида Курбон исмли («саҳт камон» лақабли) моҳир мерган бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди⁴⁰.

Нефта тўйинтирилган матоларни ўқча ўраш орқали ёндирувчи ўқлар тайёрланган ва уларни қалъага отиш орқали ёнгин ташкил этилган⁴¹. Жанг майдонида эса бундай ўқлар билан қўшиннинг ўртасида жойлашган қўрни нишонга олишга ҳаракат қилинган. Бухоро қўшинлари таркибида бўлган оддий ишчилар ҳам қалъа деворларини маҳв

³⁵ Фиёси ддин ибн Хумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр ... 142-б.

³⁶ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома ... 80–81-б.

³⁷ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. ... 243-б.

³⁸ Ўша асар. 135-б.

³⁹ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома ... 83-б.

⁴⁰ Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаган. Мусахир ал-Билод. ... 251-б.

⁴¹ Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. ... 111-б.

этишга катта ҳисса қўшганлар. Улар кўприклар қуриш, девор тагидан лаҳм қавлаш, шотилар ясаш, тош ташиш ва бошқа ёрдамчи вазифаларни бажарган.

Қўшиннинг асосий жанговар қисмини суворийлар ташкил қилганилиги сабабли ҳам ўзаро урушларда отларнинг ҳимоясига катта эътибор берилган. Ўқ ўтмаслиги учун отлар устига маҳсус ёпинчиқ — кежим ёпишган⁴². Бундай ёпинчиқларнинг айримлари Ўрта Осиёга Европадан келтирилган бўлиб, «фарангий» деб юритилган⁴³. Фарангий ёпинчиқлар, асосан, қўшин бошлиқларининг отларига ёпилган. Отлик аскарлар жанг пайтида пиёдаларга қараганда кўпроқ имкониятларга эга бўлган. Найзабардор отликларнинг ҳаракати кўп жиҳатдан отнинг кучига боғлиқ бўлган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, отлар жангчиларнинг ярим баҳодирлиги ҳисобланган. Зафарли юришлардан тушган ўлжалар ичida отлар юксак баҳоланган.

Шайбонийлар ҳарбий юриш пайтида тўхташ манзилларининг ўрни ва манзилгоҳлар ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берган. Қўшин ҳар гал бирор-бир манзилга келиб тўхтаса, лашкаргоҳнинг атрофи хандақ билан ўраб олинар, унинг ички қисмидан эса аравалар бирбирига занжир билан боғланиб, вақтинчалик, ўзига хос қўрғон юзага келтирилар эди. Шу тарзда икки кунлик йўл бир ҳафтада босиб ўтилган⁴⁴. Шайбонийларнинг бундай ҳарбий сафари Даشت Қипчоқ ҳудудида кенг тарқалган анъана бўлиб, айнан дашт ва текислик ҳудудларда ўзига хос мудофаа тизимини яратиш учун эҳтиёжли бўлган.

Муҳаммад Шайбонийхон армиясида унга ҳали тобе бўлмаган ҳудудлардан ҳам турли тоифадаги жангчилар бўлган. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг маълумотига кўра, қўшинда Мовароуннаҳр ва Хурсондан ташқари, Туркистон, Кирмон, Ироқ ва бошқа ҳудудлардан келганлар кўпчиликни ташкил қилган⁴⁵. Бунга асосий сабаб, Шайбонийхоннинг зафарли юришлари бўлган. Чунки ҳар бир жангдаги ғалабада қўшинга белгиланган маошидан ташқари, ўлжанинг бир қисмини олишига рухсат берилган. Ўрта асрларнинг қўшин ташкил этилиши жараёнларини кузатадиган бўлсак, бу ҳолат кетма-кет мағлубияттга учраётган ҳукмдорлар саркардаларининг кўпчилик қисми

⁴² Аҳмедов Б. Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг «Шарафномаи шоҳий» асари // Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994. 205, 393-б.

⁴³ Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. ... 114-б.

⁴⁴ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. ... 202-б.

⁴⁵ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент: Шарқ, 2010. 347-б.

ўз қўшини билан зафар қозониш эҳтимоли ва имкониятлари юқори бўлган ҳукмдорлар томонига ўтиб кетиш ҳолати кўп бўлганлиги билан изоҳланади.

Шайбонийлар айрим давлатлар билан ҳам ҳарбий иттифоқда бўлишган. Турк сultonларидан ташқари, Ёркент хонлиги, Кашмир хонлиги ва айниқса, Қозоқ хонлиги билан маълум муддат ҳарбий иттифоқлар юзага келиб турган. Бу иттифоқда Қозоқ хонлиги етакчи ўринни эгаллаган⁴⁶. Тадқиқотчи Г. Султонованинг фикрига кўра, Абдуллахон II ва Қозоқ хони Ҳақназархон ўртасида «қасамий иттифоқ» мавжуд бўлган ҳамда Ҳақназар умрининг охирига қадар бу иттифоққа хиёнат қўймаган⁴⁷. Абдуллахон II қўшинида ҳам қозоқ лашкарбошилари ва сарбозлари қўпчиликни ташкил қўлган. Масалан, Шигайхон ва унинг ўғли Таваккал сulton Бухоро қўшини таркибида ҳарбий юришларда қатнашган ва стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳарларни эгаллашда Абдуллахонга ёрдам берган. Лекин унинг вафотидан кейин таҳт учун талашларнинг бошланиши натижасида Қозоқ сultonлари Бухоронинг ички ишларига куч билан аралаша бошлаган. Ҳусусан, Таваккал сulton ўзига анча таниш бўлган Бухоро хонлиги шаҳарларига бир неча марта бостириб кирган, шаҳар ва қишлоқларга талафот етказган.

Хулоса қилиб айтганда, шайбонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигининг ҳарбий бошқаруви, ҳарбий иш ва қурол-яроғлари ҳолатида Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати анъаналарини кузатишимиз мумкин. Шайбоний сultonлар ўзларининг Мовароуннаҳрда бир асрлик ҳукмронлигининг дастлабки ярмида, Убайдуллахон вафотигача ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамликда фаолият олиб борганлиги натижасида марказлашган давлат барпо этганлигининг гувоҳи бўламиз; марказий ҳарбий бошқарувда ўзига хос демократик тамойиллар амал қўлган. Буни олий ҳукмдорни сайлаш, қўшинга қўмондон сайлаш, иирик масалаларнинг ҳарбий кенгашда ҳал этилганлиги сингари тадбирларда кўришимиз мумкин.

XVI аср Ўрта Осиё ҳудудининг жаҳон савдо йўлларидан четда қолиши ва изчил ривожланиб бораётган минтақалар билан муносабатлар сустлашуви билан характерланади. Бунинг натижасида барча

⁴⁶ Фазаллах ибн Рузбихан Исафахани. Михман-наме-йи Бухара (Записки Бухарского гостя). Перевод с персидского, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. Под. ред. А.К. Арендса. Москва: Наука, 1976. 23–24-б.

⁴⁷ Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркент хонликлари билан алоқалари. Тарих фан. номзоди. дисс. Тошкент, 2005. 95-б.

соҳалар каби ҳарбий қуролланиш соҳасида ҳам шайбонийлар нисбатан етакчи ҳарбийлашган давлатлардан ортда қолган.

Лекин, XVI аср Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларга нисбатан Шайбонийлар давлати фаол ташқи сиёсат олиб бориб, зарурат на-тижасида айрим шайбоний ҳукмдорлар ва айниқса, Абдуллахон II қўшинни замонавий қуроллар билан таъминлашга катта эътибор қаратган. Бу вақтда Эрон билан рақиблик ва Усмонлилар давлати билан ҳамкорлик шайбоний ҳукмдорларга Рум султонлари ёрдамида ўқотар қуролларга эга бўлиш имкониятини яратди. Бироқ, келтирилган қуроллар ҳажми қўшин сонига нисбатан кам эди.

XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб ясоқ удумларига амал қилинmasдан⁴⁸, тожу таҳтнинг отадан фарзандга ўтиб бориши сулоланинг таназзулига ва ҳарбий ислоҳотларнинг изчил давом эттирилмай қолишига олиб келди. Чунки белгиланган анъанага риоя қилинmasдан таҳт учун уканинг акага қарши, ўғилнинг отага қарши ва бошқа қариндошларнинг бир-бирига қарши курашлари ҳамда ҳалокат топишлари на-тижасида аср охирига келиб давлат марказий ҳокимиятини асрраб қоладиган даражага эга бўлган сулола вакили қолмади. Натижада, Абдуллахон II вафотидан кейин марказлашган давлатнинг барбод бўлиши туфайли изчил ҳарбий ислоҳотлар амалга ошмай қолди. Ички низолар ва сиёсий тарқоқлик на-тижасида мунтазам қўшин тузиш имкони бўлмай, балки вақтинчалик ёлланма қўшин тузиш жараёни кучайди. Бу ҳолат эса Амир Темур, Шайбонийхон ва Абдуллахонлар давлатдаги ҳарбий санъатни изчил ривожлантириш имконини бермади.

Бир сўз билан айтганда, Шайбонийлар давлатида ҳарбий қўшин тузилиши, бошқаруви ва қуроллантирилиши атроф мамлакатларга нисбатан юқори даражада бўлган. Лекин Усмонлилар давлати, Россия империяси ва шу каби яқин салтанатлар қуролланиш ва қўшин тузилиши тажрибаларидан ортда қолган эди.

⁴⁸ XVI асрнинг 40-йилларидан то сулола барҳам топишигача бўлган даврда (1601 йил) тўра ва ясоқ удумларига деярли амал қилинмади. Убайдуллахон вафотидан кейин мамлакатда бошланган сиёсий низо, оилавий таҳт талашишлар ва бу курашда шайбоний-зодаларнинг ҳар бири таҳтга дайвогарлик қилиш имкониятларига эга эканликлари таҳтнинг отадан болага ўтиш тартибини юзига келтирди. Бу ерда Абдуллахон II нинг ўзидан олдин амакиси Пирмуҳаммад ва отаси Искандар султонларин ёши улуғлиги жаҳатидан таҳтга чиқарганини нисбий ҳолат дейишимиз мумкин. Чунки, бу жараён битта оила доирасида амалга оширилган. Ваҳоланки, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилаётган шайбоний султонлар орасида Пирмуҳаммад ва Искандар султонга нисбатан ёши катта шайбоний султонлар бўлган.

A. ЗАМОНОВ

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА ҲАРБИЙ ИШ: ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ, БОШҚАРУВИ ВА АНЬАНАЛАРИ

Мақолада нисбатан кам ўрганилган мавзу — Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ҳарбий бошқаруви — ҳарбий мансаблар, уларнинг функция ва вазифалари кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, қўшин турлари ва тартиби, аскарлар таъминоти ҳамда ҳарбий санъат билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Ушбу мавзу, асосан, маҳаллий манбалар, мустақиллик йилларида чоп этилган бошқа адабиётлар асосида тадқиқ этилмоқда.

Калит сўзлар: шайбонийлар, ҳарбий мансаблар, бош қўмондон, Дашиби Қипчоқ, лашкарбоши, мудофаа, тўп, тўфанг, замбарак, қўшин, ҳарбий тактика, тўлғама, ислоҳот.

A. ЗАМОНОВ

ВОЕННОЕ ДЕЛО В ГОСУДАРСТВЕ ШЕЙБАНИДОВ: СТРУКТУРА АРМИИ, УПРАВЛЕНИЕ И ТРАДИЦИИ

В статье рассмотрена малоизученная в исторической науке тема военного управления Бухарского ханства в XVI веке: вопросы о военных должностях, их функциях и обязанностях. Кроме того, автор акцентирует внимание на проблеме о видах войск и их строении, а также об обеспечении войск и военного искусства. Эта тема исследуется в основном на основе местных источников, а также литературы, изданной за годы независимости.

A. ZAMONOV

MILITARY AFFAIRS IN THE STATE OF THE SHAYBANIDS: STRUCTURE AND TRADITIONS OF TROOPS

The article considers the insufficiently explored topic in the historical science, the topic of military control of the Khanate of Bukhara in the 16 th century. This question is about military positions, their functions and responsibilities. In addition, the author of the article focuses on the issue of the kinds of forces and their structure, as well as on providing troops and military art. This topic is studied mainly on the basis of local sources as well as other literature published during the years of independence.

О. ПУТОВКИНА

ВРЕМЕННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО И СОВЕТЫ: ПЕРВЫЙ ОПЫТ БОРЬБЫ С БЫВШИМ ИМПЕРСКИМ НАСЛЕДИЕМ В ТУРКЕСТАНЕ

«Будьте на страже! Старый помещичий порядок умер. Царя больше нет, но царские слуги остались, ровно, как и царские прихлебатели. Осталось еще много таких, которым старые порядки были выгодны».

«Наша газета», № 4, 23.04.1917 г.

Февральская революция 1917 года вызвала оживление во всех слоях туркестанского общества. По примеру Петрограда в крае образуются новые властные структуры: Временное правительство и Советы. Формируется новое, как считалось, демократическое правительство, начинается активный процесс создания национальных, общественных и политических движений, партий, выдвигаются новые демократические лозунги о свободе и равенстве, общество бурлит от желания отказаться от всего старого, отжившего. Реальное воплощение эти лозунги в Петрограде нашли в ликвидации царской власти, отречении Николая II от престола, в борьбе со всем тем, что хоть каким-нибудь образом было связано с именем последнего российского императора.

Современная историография дает возможность проследить процесс борьбы с бывшими привилегированными классами общества лишь с октябрьских событий 1917 года. В частности, в российской историографии изучен широкий комплекс проблем, связанных с «бывшими»: их социальное пространство, место в социальной структуре, стратегии выживания, пути интеграции, судьбы их детей, отношение к ним общества и власти, лишение избирательных прав, но лишь с октября 1917 года¹.

¹ Наиболее разработаны эти вопросы в монографиях Смирновой Т. М. «Бывшие люди» Советской России. Стратегии выживания и пути интеграции. 1917–1936 годы. М.: Издательский дом «Мир истории», 2003; Чуйкиной С. Дворянская память: «бывшие» в советском городе (Ленинград 1920–30-е годы). С-Пб.: Из-во Европейского университета в Санкт-Петербурге, 2006; Каминского В.В. Выпускники Николаевской Академии Генерального Штаба на службе в Красной Армии. С-Пб., 2011 и др.

Анализ архивных материалов Центрального Государственного архива Узбекистана позволяет поставить вопрос о том, что первыми в борьбу со всем «старым и отжившим романовским наследием» вступают победители февральской революции, представители нового, как считалось, демократического Временного правительства и Советов.

Первыми, на кого пали карательные мероприятия властей, были бывшие служащие охранного отделения, агенты, полицмейстеры. Характерно, что в этом отношении мнения Исполнительного Комитета и Советов совпадали. С целью выявления бывших охранных чинов в крае была создана Комиссия по разработке архива Туркестанского охранного отделения. Комиссия должна была изучить архив Охранного отделения, установить личности агентов, их деятельность, адреса и предоставить данную информацию всем заинтересованным². Кроме того, разоблачением тайных и явных агентов занималась и Комиссия по внесудебным арестам, созданная по инициативе Временного правительства. Именно эта комиссия и осуществляла в большинстве своем аресты и разбирала дела бывших жандармских чинов.

Основные мероприятия против сотрудников охранного отделения начинаются с приказа командующего войсками Туркестанского военного округа от 7 марта 1917 года на имя начальника Туркестанского охранного отделения полковника Д.В. Волкова. В нем предписывалось немедленное упразднение охранного ведомства и сдача всех дел в ведение Канцелярии Временного Правительства. Самому Волкову было приказано: «лично со всеми подчиненными Вам чинам корпуса жандармов согласно с полученной депешей № 9218 от 06.03.1917 г. начальника Генерального Штаба генерала Аверьянова³, будете отправлены в действующую армию по особому распоряжению»⁴.

В своем рапорте на имя А.Н. Куропаткина Д.В. Волков уведомлял, что он 8 марта 1917 года передал в адрес Общественного комитета списки всех служащих в отделении офицеров, чиновников, канцеляристов и агентов⁵. Вся эта личная информация была необходима для выявления жандармских чинов и их немедленного ареста на основе

² И-1, оп. 32, д. 324, л. 12.

³ Аверьянов Петр Иванович (1867–1937) — генерал-лейтенант Генерального штаба.

⁴ И-1, оп. 32, д. 324. Об упразднении Туркестанского районного охранного отделения, постановления Туркестанского комитета Временного правительства о необходимости содержать под стражей бывших чинов и агентов охранного отделения. Распоряжение. 07.03.–05.12.1917. 64 л. С. 1.

⁵ В Совет входили Н.И. Закаменский, И.Е. Бельков, Г.И. Бродо.

постановления Туркестанского комитета Временного Правительства «О принятии мер против лиц, угрожающих обороне государства, его внутренней безопасности и завоеванной революцией»⁶.

Аресты начинаются с 9 марта. Об этом говорят прошения родственников, направляемые в адрес Временного комитета. Вопрос дальнейшей судьбы офицеров-жандармов обсуждался на краевом совещании при Туркомитете в конце августа — начале сентября. Такая отсрочка в официальных ответах объяснялась «сложностью политического момента», но имеющиеся материалы позволяют предположить, что это была карательная политика, санкционированная властью: «постоянными делегатами Краевого Совета рабочих и солдатских депутатов было признано необходимым задержать их (жандармских офицеров — О.П.) еще несколько времени под арестом»⁷.

В письмах-прошениях бывшие офицерские чины пытались объясниться с властью о мотивах, побудивших их к поступлению на службу в Охранное отделение. Они писали, что это были не политические мотивы, а желание дать достойную жизнь своей семье, пропитание, что не иначе как службу свою работу они не воспринимали.

Из прошения полковника Веймарна:

«[...] Мой зять, ротмистр Розенберг, как жандармский офицер, 9 марта был арестован без предъявления обвинения. [...] Зная взгляды Розенберга, я вполне могу за него ручаться, так как он жандарм не по убеждениям, а в силу сложившихся обстоятельств. Не имея возможности на жалование штабс-капитана содержать мать, разбитую параличом, и больную сестру, он избрал самое скорое и доступное средство для увеличения средств.

Прельстившись содержанием, поступил в железнодорожные жандармы и в то же время женился на моей дочери⁸, которая получала часть дохода с наших домов в г. Вильно»⁹.

Из прошения Филиппа Архипова, арестованного 2 сентября 1917 года:

«[...] Арест мой был недоразумением, кроме того, я не был вредным для революции и быть не мог, прошу отнестись ко мне беспристрастно¹⁰.

⁶ И-1, оп. 32, д. 324, л. 50.

⁷ И-1, оп. 32, д. 324, л. 20 об.

⁸ И-1, оп. 32, д. 324, л. 45.

⁹ И-1, оп. 32, д. 324, л. 45 об.

¹⁰ И-1, оп. 32, д. 324, л. 27.

[...] Если я задерживаюсь как охранник, то этот вопрос совершенно отпадает, так как надо мной был суд Временного правительства в лице Комиссии по внесудебным арестам, которая установила факт неучастия моего в охранном отделении. Я надеюсь, что в Российской Республике Закон восторжествует над усмотрением»¹¹.

Иных полицейских чинов арестовывали дважды, примечательно, что первоначально признавалось, что они «не вредны», однако потом опять их заключали под стражу.

Из прошения Дмитрия Кузнецова, отправившего три прошения на имя Председателя Туркестанского комитета, но не получившего ответов:

«[...] 2 сентября с. г. надо мной был суд, который разобрав мое дело, несмотря на переживаемый момент, признало его неопасным существующему образу правления, почему нашел возможным освободить меня из под стражи, но 2 сентября я не был освобожден».

Д. Кузнецов не был освобожден, так как в отношении него, как впрочем и в отношении других жандармских чинов, было принято решение: «будут содержаться в тюрьме впредь до особого распоряжения, причем причины и срок содержания не указаны ... Инициатива задержания принадлежит Комитету общественной безопасности»¹².

Большое число прошений об освобождении бывших жандармов и лиц, служивших по данному управлению, вынудили новую власть пойти на уступки. Согласно резолюции Прокурора Ташкентского окружного суда от 5 октября 1917 года вопрос освобождения офицеров должен был исходить непосредственно от Генерального комиссара или Туркестанского комитета Временного правительства, что было реализовано на практике¹³.

Другим, как считалось, «очищающим» мероприятием новой власти был арест видных чинов из руководства Туркестанского края, в частности, генерал-губернатора и его окружения. 31 марта 1917 года именем Совета рабочих и солдатских депутатов туркестанский генерал-губернатор А. Н. Куропаткин был отстранен от власти и посажен под домашний арест. После этого в его адрес посыпалась масса обвинений. Особую активность в разоблачении его прошлого и настоящего проявила «Наша газета». Во-первых, его обвиняли в преступной медлитель-

¹¹ И-1, оп. 32, д. 324, л. 29–31.

¹² И-1, оп. 32, д. 324, л. 32.

¹³ И-1, оп. 32, д. 324, л. 50–50 об.

ности и задержке телеграмм о победе революции в Петрограде, посланных вечером 28 февраля 1917 г. Действительно, по его указанию на три дня было задержано опубликование в газетах телеграммы Государственной Думы о событиях в Петрограде. Известия о победе революции и отречении царя появились в «Туркестанских ведомостях» и «Туркестанском курьере» только 3 марта, в «Ферганских областных ведомостях» и «Семиреченских областных ведомостях» — 4 марта, в газетах Закаспийской области — 5 марта¹⁴. Впоследствии в своих воспоминаниях А. Н. Куропаткин так описывал и объяснял свои поступки:

«[...] Через 2–3 дня выяснились подробности: утешительная — текст Отречения Николая II с фактическим утверждением Новой власти, и тревожная — начало двоевластия в России [...]. Умеряю всех своим наружным спокойствием, но внутри более волнуюсь, чем следовало бы.... Несколько раз, не имея возможности заснуть, вставал и горячо молился Богу. Наутро должен быть опять невозмутимым и даже веселым. [...] На 5 марта объявил построение на Соборной площади войск гарнизона, Военного училища, Школы прапорщиков и старшего класса Кадетского корпуса. Построились вовремя и в образцовом порядке; пришло и несколько тысяч публики, русской и туземной. Объявил о смене власти в России почином Государственной Думы и приказал зачитать:

«Манифест Государя об отречении»;

«Акт о непринятии власти Михаилом Александровичем впредь до решения Учредительного Собрания».

Свой приказ о повиновении новому Правительству и депешу Министра-Председателя князя Львова Начальнику Туркестана генералу Куропаткину, как подтверждение его полномочий»¹⁵.

Согласно изданному постановлению¹⁶ арестам подверглось и близкое окружение бывшего генерал-губернатора: исполняющий делами помощника командующего войсками Туркестанского Военного Округа М. Р. Ерофеев¹⁷ и начальник штаба Туркестанского Военного Округа

¹⁴ Телеграмму о государственном перевороте А. Н. Куропаткин получил 1 марта в 7 часов вечера от начальника Ташкентской железной дороги.

¹⁵ Алексей Куропаткин. Ветеран Туркестана // <http://www.voskres.ru/army/library/belogoloviy1.htm>

¹⁶ Государственный архив города Ташкента (ГАГТ) Р-10, оп. 13, д. 20, л. 17.

¹⁷ Ерофеев Михаил Родионович (01.11.1857–1941 г., Ницца, Франция) — генерал от инfanterии (20.06.1913). В 1916 г. временно и.о. помощника командующего войсками Туркестанского ВО. 5 мая 1917 г. зачислен в резерв чинов при штабе Киевского ВО. После Октябрьской революции эмигрировал во Францию.

Н.Н. Сиверс¹⁸. Их обвиняли «в шпионаже, заговоре и помощи немецкой разведке». Дальнейшая их судьба уже решалась в Петрограде, куда они были все отправлены. Наиболее радикальная сила февральской революции — Советы требовали предать их суду. Примечательно, что к этому требованию присоединилась и группа латышских журналистов. А.Н. Куропаткин и Н.Н. Сиверс обвинялись в том, что оставили латышский батальон 8 марта 1916 года в бою без резерва, когда они потеряли 90 % своего комплекта, а также в гибели латышских разведчиков, в чем усматривалось умышленное предательство.

«Наша газета» писала: «Заговорщики ведут усиленную агитацию среди местного населения и духовенства. Большинство сочувствует Романовым. В Бухаре, Хиве и Афганистане находятся сейчас тысячи немцев, выселенных из России в течение войны»¹⁹.

Замены произошли и в верхних эшелонах колониальной администрации края. В уездах Семиреченской и Семипалатинской области вместо военных губернаторов появились областные комиссары, гражданский исполнительный комитет, коалиционный комитет и др. Временное правительство сменило одних представителей колониальной элиты на других. Так, в Семипалатинской области комитет Временного правительства возглавил комиссар К. Ляшкевич — председатель Семипалатинского союза кооператоров. Комиссаром Уральской области 8 марта 1917 года был назначен военный губернатор области Г. Бизянов, в Акмолинской области комиссаром стал Н. Лепко. Комиссаром временного правительства по всему Степному генерал-губернаторству был назначен И. Законов, а для управления Туркестанским краем 7 апреля 1917 года Временным правительством был создан Туркестанский комитет во главе с членом Государственной Думы Н. Щепкиным²⁰.

¹⁸ Сиверс Николай Николаевич (29.09.1869—..1919 г.). С 11 августа 1916 г. по 4 апреля 1917 г. — начальник штаба Туркестанского военного округа. Прибыл в Туркестан в свите нового генерал-губернатора А.Н. Куропаткина. В апреле 1917 г. отстранен от должности Туркестанским совдепом и выслан из Туркестана. В 1918 г. был мобилизован и около года служил на ответственных должностях в РККА; заболел в железнодорожном вагоне сыпным тифом по дороге в Ташкент, был снят с поезда и умер в лазарете г. Казалинска.

¹⁹ «Наша газета». № 3 от 18.04.1917 г., л. 2.

²⁰ Николай Николаевич Щепкин (пред. Турк. комитета 07.04—25.05.1917 г.); Владимир Петрович Наливкин (пред. Турк. комитета 06.06—14.09.1917); Павел Александрович Коровченко (25.09.—02.11.1917 г.).

В борьбе с остатками «старого мира» Советы явились инициаторами начала уголовных процессов над бывшими царскими сановниками. В вину им ставилось подавление восстания 1905 года, внедрение тайных агентов в различные партии, злоупотребление властью, подавление восстания 1916 года и прочее.

«Наша газета», ратуя за скорый суд над А.Н. Куропаткиным и другими видными представителями прежней администрации в Туркестане, в пример приводила начавшиеся уголовные процессы в Петрограде над бывшим окружением императора²¹. Согласно газетным публикациям часть из них привлекалась к уголовному обвинению по части второй статьи 341 Уложения о наказаниях за превышение власти, имевшее особо важные последствия²².

Инициированное Временным правительством постановление об обложении всех членов семьи Романовых государственным налогом было горячо поддержано Общим собранием рабочих и служащих Ташкентских железнодорожных мастерских:

«Все члены дома Романовых в силу своего исторического прошлого, а также как принадлежащие к группе лиц, не заслуживающих доверия народа, должны быть лишены как активного, так и пассивного избирательного права наравне с тайными агентами охранных отделений»²³.

В ходе борьбы с отжившим романовским наследием Советами начинают высказываться мнения об обложении буржуазии принудительными налогами:

«Пора наконец нашупать карманы нашей буржуазии, и мы тогда убедимся, что государство из этого источника может получить не так мало. Буржуазия не пожелала помочь государству добровольной подпиской на «Заем свободы» и государству ничего не остается как прибегнуть к принудительным мерам, которые могут спасти. Ну раз речь все равно идет о немедленном извлечении средств путем принуждения, то мы даже с технической стороны не видим никакой разницы применить ли для займа скажем для поимущественного налога или на-

²¹ Были арестованы и ожидали суда: товарищ министра внутренних дел Золотоврев, директор департамента полиции Белецкий, Климович, генерал Курлов, вице-директор Виссарионов, начальник охранного отделения Мартынов, государственный секретарь Крыжановский, министр Юстиции Добровольский.

²² «Наша газета», № 47 от 20.06.1917 г.; № 43 от 01.07.1917 г.

²³ «Наша газета». № 3 от 01.04.1917 г., л. 3.

лога на прирост богатств вследствие падения рубля. Только налоговая беспощадность может спасти наши финансы, немедленно проведенная»²⁴.

Как борьбу с «романовским прошлым» можно рассматривать выборы главы Городской думы Ташкента. И здесь наиболее принципиальным вопросом для кандидатов был: «А что Вы делали и кем были до февраля 1917 года?»:

«На вопрос председателя: «Имеются ли другие кандидаты?» Улема подает бумагу. Председатель читает заявление Лыкошина (бывшего Самарканского губернатора)²⁵ о его желании баллотироваться на должность городского головы. Заявление Лыкошина вызывает движение во всей зале. Только улемовцы невозмутимо сидят на своих местах.

Товарищ Токайшвили от имени социал-демократической фракции протестует против кандидатуры Лыкошина, бывшего ставленника царского самодержавия.

Товарищ Кириллов от фракции социал-революционеров присоединился к заявлению социал-демократической фракции.

Председатель фракции объединенных мусульман заявляет, что фракция считает позором кандидатуру Лыкошина, представителя старой власти, бывшего Самарканского военного губернатора, который не принял никаких действий к подавлению Джизакского беспорядка. Фракция считает, что в организации этих беспорядков есть доля участия самого Лыкошина (бурные аплодисменты левой публики).

Представитель фракции Улема заявляет, что несмотря на поступившие заявления фракция настаивает на кандидатуре Лыкошина.

Товарищ Парfenov от имени социал-демократической фракции заявляет, что если Улема не снимет кандидатуру Лыкошина, то фракция покинет зал заседаний. Улема решили кандидатуры не снимать»²⁶.

Аналогичная ситуация складывалась и с назначением пенсий. Имеющиеся факты позволяют говорить о том, что многим из числа «бывших» Советами и Исполнительным комитетом при назначении пенсий «припоминалось» их имперское прошлое.

²⁴ «Наша газета», № 44 от 16.06.1917 г., л. 1.

²⁵ Особое внимание при рассмотрении кандидатуры Н.С. Лыкошина было обращено на его прошлое, в частности, на факт из биографии в должности военного губернатора.

²⁶ «Наша газета», № 98 от 20.08.1917 г., л. 1.

Выдержки из заседания Совета солдатских и рабочих депутатов от 18 августа:

«[...] Были высказаны пожелания о смещении с административных постов сторонников прежнего режима.

[...] Собрание переходит к обсуждению вопроса, поднятого членами Совета Сопелкиным и Брусыниным о назначении Думой старого состава пенсии бывшему городскому голове Н.Г. Маллицкому.

Докладчик Исполнительного комитета Рознекович говорит, что Н. Г. Маллицкий был раньше учителем и, не дослужив 1,5 лет до пенсии, перешел на городскую службу и тем самым лишился пенсии. 10,5 лет он нес обязанности городского головы и достоин пенсии. Ведь рабочие сами добиваются страховки на случай инвалидности, как же можно возражать против назначения пенсии пострадавшему, потерявшему здоровье на городской службе. Так на это смотрит Исполнительный комитет и находит, что Маллицкий заслужил пенсию.

[...] Товарищ Розенкевич заявляет, что знает Маллицкого с лучшей стороны. За него голосовали рабочие, ибо лучшего председателя не найти.

[...] Если правительство назначило пенсию в 1 700 руб. генералу Андрееву, то как можно отказать в ней лицу выборному, прослужившему 10,5 лет. Каждый отдаленный на служении день должен быть обеспечен [...]»²⁷.

К слову отметим, что дебаты вокруг назначения пенсии Н.Г. Маллицкому были очень жаркими, однако пенсии бывший городской голова так и не получил²⁸. Тот факт, что пенсии были назначены и бывшему генерал-губернатору, и почему бывшему офицерскому составу Генштаба позволяет говорить, что эта были пока первые попытки ограничения прав небольшого круга лиц.

Временным демократическим правительством принимается ряд законопроектов и об ограничении свободы некоторых категорий лиц. При желании властей под этот закон мог попасть любой неугодный человек. Согласно одному такому постановлению разрешалось арестовывать «лиц, деятельность которых представляется особо угрожающей завоеваниям революции, свободе, устремлениям и государственному порядку»²⁹, а в качестве наказания предусматривалась высылка с территории края и из пределов России. Остракизму подверглась и

²⁷ «Наша газета», № 98 от 20.08.1917 г., л. 1.

²⁸ Полный вариант протокола заседания см.: «Наша газета», № 98 от 20.08.1917 г., л. 1.

²⁹ «Наша газета», № 90 от 10.08.1917 г., л. 1.

газета «Туркестанский курьер», в которой, по мнению Советов, «помещаются статьи, направленные против рабочих»³⁰ и сеющие рознь между солдатами и рабочими.

Изучение ситуации в Туркестане показало, что в этот период большую роль играли слухи. Так, наиболее грозным был слух о Постановлении Совета солдатских и рабочих депутатов об арестах разных лиц из правительственные учреждений. В качестве подтверждения этого слуха можно привести статью прапорщика Першина, датированную 23 апреля 1917 года:

«Старый помещичий порядок умер, царя больше нет, но царские слуги остались, ровно как и царские прихлебатели. Осталось еще не много таких, которым старые порядки были выгодны, а главное — не смыта еще революционной волной народная темнота... К ним присоединяются буржуазные круги и их прессы ввиду высказанного трудовой демократией желания осуществить социальные реформы.... Капиталисты и помещики стремятся завоевать новые страны и народы. Но буржуазные круги хотят полакомиться за чужой счет и вовсе не желают расставаться со своим добром»³¹.

Автор отмечал, что не стоит смешивать бывших охранников и русскую буржуазию. Первых обвиняли в возврате к старым порядкам, а вот вторых — в желании «укрепления своих политических свобод». В то же время буржуазию еще подозревали в том, что недалеко то время, когда «она направит свои силы против чернорабочих». Вывод в статье был один: «угроза идет не со стороны социал-демократов, а со стороны тех кругов, слугою, курьером которых она (буржуазия — О.П.) являлась».

Революционные изменения затронули армию. В Туркестане шел активный процесс вытеснения всех неугодных офицеров, кто чем-либо себя скомпрометировал. Так, с должности начальника радиостанции был уволен и передан суду прапорщик Кафка. Хотя позднее он был оправдан, но солдаты и рабочие не успокоились на этом и продолжали писать в газету, обвиняя его в германофильстве, жестокости, расточительстве народных средств: «вышеупомянутый офицер был убежденным сторонником старого порядка и, безусловно, такой офицер не может оставаться в рядах нашей революции»³².

³⁰ «Наша газета», № 4 от 23.04.1917 г., л. 1.

³¹ «Наша газета», № 4 от 23.04.1917 г., л. 1.

³² «Наша газета», № 4 от 23.04.1917 г., л. 4.

В русле борьбы за свободу и равенство было принято постановление о ликвидации института денщиков, казенной прислуги³³. Это предложение было инициировано Общим собранием солдат и офицеров ташкентского артиллерийского склада.

Ценным источником для изучения анализа положения в Туркестане после февральской революции 1917 года послужила «Наша газета», которая была «рупором» Советов³⁴. На своих страницах она публиковала материалы различного содержания: постановления и декреты, статьи по злободневным вопросам, различные мнения. Анализируя февральскую риторику данной газеты, можно отметить, что основные угрозы сыпались в адрес бывших романовских ставленников, а также в сторону той части колониальной элиты, которая за время службы смогла скомпрометировать себя какими-либо проступками, как считалось новыми «властями». В адрес прежнего времени употреблялись выражения «помещичий порядок», «старый порядок».

Прежние колониальные власти упоминались с негативным оттенком, как принадлежность к тому, что уже давно отжило: «царские слуги», «царские прихлебатели», «ставленник царского самодержавия», «представитель старой власти», «тайные агенты охранного отделения». Учитывая, что Россия еще участвовала в Первой Мировой войне, часть общества помимо того, что обладала принадлежностью ко всему тому, что связано с династией Романовых, еще и обвинялась в предательстве по отношению к своему народу и родине — «шпионы», «заговорщики». В то же время, учитывая революционный настрой газеты, в качестве сподвижников прежней власти либо просто сочувствующим ей с негативным оттенком упоминались — «капиталисты», «помешники», «буржуазные круги».

Новая власть с первых дней своего установления смогла четко определить своих врагов. Даже простые слои населения расценивались как «неграмотные», «невежды», «постоянно попадающие под влияние со стороны прежних хозяев власти».

Таким образом, творцы новой буржуазно-демократической революции в Туркестане, приступив к строительству нового общества, выступили за решительную борьбу со старым отжившим прошлым. В новую категорию «бывших» после февраля 1917 года вошла не только императорская семья и ее окружение, но и часть видных представи-

³³ «Наша газета», № 4 от 23.04.1917 г., л. 4.

³⁴ Крайне трудно обнаружить альтернативные периодические издания, как, например, Временного Комитета.

телей имперской власти, военные, торговые круги, жандармский и полицейский состав, т. е., по сути, прежняя колониальная администрация. Петроград «показывал» пример, как и с кем необходимо было бороться, какую использовать риторику.

Новые силы туркестанского общества в лице небольшой группы Советов и Временного правительства подхватывали эти веяния и приступили к борьбе с колониальной элитой края, что выражалось на этапе февральской революции в арестах, высылках с территории края, лишении избирательных прав, уголовном преследовании полицейских чинов, конфискации имущества, недопущении людей с «прошлым» в новое демократическое управление.

O. ПУТОВКИНА

ВРЕМЕННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО И СОВЕТЫ: ПЕРВЫЙ ОПЫТ БОРЬБЫ С БЫВШИМ ИМПЕРСКИМ НАСЛЕДИЕМ В ТУРКЕСТАНЕ

В статье на основе привлечения различных источников показана политика Временного правительства и Советов по отношению к бывшим представителям имперской власти в Туркестане, которая выразилась в преследованиях, арестах, лишении свободы и социальных прав, высылки с территории края бывших генерал-губернатора, его окружения, полицейских чинов.

Ключевые слова: «бывшая» имперская колониальная элита, Туркестан, Романовы, Николай II, Временное правительство, Советы, жандармские и полицейские чины, А.Н. Куропаткин, Н.Г. Маллицкий, Н.С. Лыкошин, Д.В. Волков.

O. ПУТОВКИНА

МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ ВА СОВЕТЛАР: ТУРКИСТОНДАГИ СОБИҚ ИМПЕРИЯ МЕРОСИ БИЛАН КУРАШНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБАСИ

Ушбу мақолада турли манбаларни жалб этиш асносида муваққат ҳукумат ва советлар сиёсатининг Туркестон империяси бошқаруви давридаги собиқ вақилларга нисбатан муносабати кўрсатиб берилди. Бу сиёсат кузатувлар, қамоқ, озодликдан ва ижтимоий ҳуқуқлардан маҳрум этиш, собиқларни: генерал-губернатор ва уларнинг яқинлари, ҳарбий губернаторлар, полиция амалдорлари ни ўлка ҳудудидан кўчириш каби тадбиirlарда ўз аксини топган.

O. PUGOVKINA

THE PROVISIONAL GOVERNMENT AND THE SOVIETS: THE FIRST EXPERIENCE OF STRUGGLE WITH THE FORMER IMPERIAL LEGACY IN TURKESTAN

Based on different sources this article shows the attitude of the politics of the Provisional Government and the Soviets towards the former members of imperial power in Turkestan. This politics is reflected in such actions as persecutions, arrests, imprisonment and deprivation of social rights, expulsion of formers: the General — Governor and his milieu, military governors and police officers from the region.

P. АБРИЕВ

XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ

Маданий мерос объектлари орасида монументал меъморий ёдгорликлар алоҳида ўринга эгадир. Зеро, архитектура цивилизация ва урбанизация жараёни ривожининг даражасини белгиловчи бош омиллардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё ҳудудида кечган турли тарихий жараёнлар, табиий-иқлим шароитлари ва инсон фаолиятининг таъсири натижасида XX аср охирига келиб ислом динигача бўлган бой меъморий мерос ҳамда ўрта асрлар даврининг анча кўп қадимги меъморий иншоотлари, афсуски, ҳозирги кунда қолдиқ, хароба кўринишидагина сақланиб қолган. Ўзбекистонда сақланиб қолган архитектура ёдгорликлари ислом маданиятига оид бўлиб, мазмунан асосан тоат-ибодат, маъмурий, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда аҳоли уй-жойлари билан ифодаланган.

Жорий архив манбаларининг далолат беришича, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд қадимги меъморчилик ёдгорликларидан аксарият қисми давлат муҳофазасига олинган¹. Мазкур ёдгорликлар бир қисми таъмирдан чиқарилган бўлиб, ўзининг иккинчи ҳаётини бошлаб юборган, бошқа қисми ўрганилиш босқичида бўлиб, таъмирга тайёрланмоқда, учинчилари эса тадқиқ этиш навбатини кутиб турибди.

Маълумки, сақланиб қолган меъморий ёдгорликларнинг барчаси ўз даври меъморчилик ютуқлари ва илғор технологиялари асосида бунёд этилган. Улар машҳур усталар, таниқли рассомлар ижоди фаолияти маҳсули ҳисобланади ва шу боис, дунё меъморчилигининг шоҳ (дурдона) асарларига айланган. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, вақт ўтиши билан табиий-иқлим мұхити, ташқи таъсиrlар ёдгорликнинг жисмоний (моддий) эскиришига олиб келади. Булар натижасида ёдгорликларнинг нураш жараёни доимий равища кечади ва уларни сақлаб қолиш вазифаси уларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилишни ва консервация-таъмирлаш ишларининг илмий

¹ Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Жорий архиви (бундан кейин ЎМСИВ ММОМҚФИИЧБ ЖА). Ўзбекистон масжидлари ҳақида маълумотнома.

асосланган усулларидан фойдаланиб мутахассислар томонидан олиб борилишини талаб этади.

Архив манбалари маълумотларига қараганда, ёдгорликларнинг нураши сабаблари ва улар характеристининг қатъий таснифи, назариялари шу пайтга қадар ишлаб чиқилмаган. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, бинолар конструкциялари бузилишига олиб келадиган умумий сабабларга ва уларни тиклаш ҳамда кучайтириш усулларига эга бўлган ёдгорликларнинг учта асосий гурухини ажратиш мумкин².

I гурухга вақт ва иқлим таъсирида жисмоний (моддий) эскирадиган, яъни конструкцияларининг тутиб туриш қобилияти ва дастлабки меъморий қиёфаси аста-секин йўқолиб бораётган ёдгорликлар киради. Ёдгорлик ва унинг айрим қисмларининг жисмоний эскириш даражаси уларни қуришда фойдаланилган материалларнинг физик-механик хоссаларига, конструкциянинг (бинонинг) хусусияти ва геометрик ўлчамларига, қайси минтақада жойлашгани ва ундан фойдаланиш шарт-шароитларига боғлиқdir ва ҳ. к.

II гурухга ёдгорликларнинг конструкциясида тупроқнинг зичлашибиши ёки заррачаларнинг ювилиши (айниқса маданий қатламлар ётадиган асосларда) натижасида нуқсонлари бўлган ва тутиб туриш қобилияти қисман ёки тўлиқ йўқолиб борган ёдгорликлар киради. Инсон фаолияти натижасида ва нормал фойдаланмаслик оқибатида, қурилыш конструкциялари махсус текширилмаслиги ва лойиҳавий ечимлар йўқлиги, зарур материаллар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши ва ижронинг сифатсизлиги натижасида ушбу ёдгорликларнинг тузилиши (конструкциялари ва умуман ўзининг техник ҳолати) ёмонлашиб боради.

III гурухга кирадиган ёдгорликларда ер ости сувлари (агрессив сувлар) анча кўтарилиши натижасида биноларнинг асоси (фундаменти) сув остида қолиб, деворлар ниҳоятда намланган бўлади, бунинг натижасида фиштлар орасидаги қоришма уваланиб, парчаланиши тезлашади. Намлик кучайган сайин фиштларнинг мустаҳкамлиги (30% гача) камаяди, қоришма бузилиши ва уваланиши натижасида деворнинг мустаҳкамлиги кучсизланади. Бунинг натижасида эса, қоришманинг уваланиши кучаяди, намлик ошган сайин у янада чуқурлашиб боради.

² ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. АООТ «Таъмиршунослик»: Программа комплексного обследования строительных конструкций и экспериментальных исследований по закреплению, восстановлению и усилению оснований и строительных конструкций памятников (в результате просадки грунтов основания и деятельности человека). Ташкент, 1998 г. 3–5-б.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, аксарият ёдгорликлар иккинчи типдаги тупроқ устида қурилган. Тупроқ таркиби қурилиш ахлатидан ва органик аралашмалардан иборат бўлиб, бино фундаменти тагида сунъий асослар қурилган таг курси супаси ёки бошқа муҳандислик ишлари амалга оширилган.

Умуман олганда, инсоннинг кейинги йилларда жадаллашган хўжалик фаолияти натижасида (ерларни ўзлаштириши ва суғориши, каналлар ва сув ҳавзалари қуриши, ёдгорликлар атрофидаги худудни экин майдони сифатида ўзлаштириши, унда бинолар қуриши ва ободонлаштириши ва ҳ. к.) ер ости сувларининг сатҳи кўтарилган, тупроқ ва ёдгорлик конструкциялари шўр босган, шу боис тупроқ намлиги ошган³. Шунингдек, XIX аср бошига қадар конструкцияларнинг техник ҳолатини паспортлаштириш йўқлиги⁴, профилактик кўздан кечириш ва ўз вақтида таъмирлаш ишларининг амалга оширилмаганилиги, баъзан эса реставрация-таъмирлаш ишлари чоғида мутахассислар етишмаслигидан асоссиз ва ўйланмаган ҳаракатлар қилиниши ёдгорликларнинг сақланишига салбий таъсир кўрсатган.

Манбаларнинг далолат беришича, совет даври охирига келиб кўпгина ёдгорликлар ҳолати қониқарсиз ёки яроқсиз тарзда бўлган, мустақилликнинг дастлабки йилларида эса иқтисодий муаммолар ҳамда табиий-иқълим шароитининг салбий таъсири таъмирлаш-тиклиш ва реставрация-консервация тадбирлари ўтказишни ҳамма жойда қийинлаштириди.

Ушбу холосани архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлади. Уларда ёдгорликларнинг техник ҳолати қониқарсиз эканлигига асосий урғу берилади. Жумладан, 1990-йиллар бошига келиб Самарқанд шаҳридаги Тилла Кори мадрасасининг асослари, ер ости ва ер усти таянч конструкцияларининг техник ҳолати ҳақидаги дастлабки холосага кўра, бино яроқсиз ҳолатда бўлган⁵. Таянч конструкцияларнинг бузилиши ва деформацияси бино мавжуд бўлган бутун муддат (500 йил) мобайнида, асосан, турли даражадаги зилзилалар, шунингдек, асоснинг

³ ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. АООТ «Таъмиршунослик»: Программа комплексного ... 5-б.

⁴ Ушбу тамойил 2001 йил 30 авгуустда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинганидан сўнг тизимли хусусиятга эга бўлди.

⁵ ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 1995 г.

чўкиши оқибатида юз берган. Тартибсиз равища (комплекс эмаслиги) амалга оширилган таъмирлаш ишлари туфайли иншоотнинг айрим таркибий қисмлари аста-секин яроқсиз ҳолатга келиб қолган⁶. Мадраса бузилишига бино асосидаги тупроққа мөъёр миқдоридан ортиқ юк тушиши, тупроқ чўкишининг нотекислиги, юза қатламдаги сув (атмосфера ёғингарчилиги ва майший сувлар) натижасида намнинг кўпайиши туфайли ер сатҳи нотекис чўкиши асосий сабаб бўлган⁷. Юқорида айтилган сабаблар гарчи камроқ ҳажмда бўлса-да, улуғворликда ундан қолишмайдиган Улуғбек мадрасасига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, 1990-йиллар ўрталарида унинг конструкциясида ва полида, яъни ер сатҳи майдонида 40–45 мм кенглиқдаги ёриқ пайдо бўлди⁸.

Инсоннинг жадал фаолияти ва табиий ўзгариш (катаклизм)лар натижасида 1990-йиллар бошида Шоҳи-Зинда мөъморий мажмуаси оғир аҳволга тушиб қолган. Ичкарида ҳам, ташқарида ҳам худуднинг нотекислиги, жарликлар мавжудлиги (кучли маданий қатlam 12 метргача етади) ҳамда атмосфера ёғинлари ўз вақтида чиқиб кетмаслиги натижасида деворлари ювилишига, бу нарса аста-секин кўпайиб боришига олиб келган. Бунга сув қувурлари тармоғининг тизимсиз жойлаштирилиши, сувнинг ариқлар ва чуқурларга қуйилиши ҳам таъсир кўрсатган. Бу нарса тупроқ эрозиясига олиб келиб, унинг ювилишига сабаб бўлган. Оқибатда ансамбль ёдгорликларига сўнгги 200 йил мобайнида Марказий Осиё худудида юз берган кучли зилзилалар қаттиқ таъсир кўрсатишига олиб келган⁹.

Бундан ташқари, қиши вақтида кўплаб атмосфера ёғинлари бўлиши ҳамда ниҳоятда иссиқ ёзги ҳаво ҳам ёдгорликларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Кескин континентал иқлим, кучли совуқ ва қаттиқ иссиқнинг алмашиб туриши ҳам мөъморий нақшларнинг эро-

⁶ ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. Протокол заседания комиссии по устраниению аварийного состояния северозападного участка медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 17 марта 1993 г. 10–14-б.; Ўша жойда. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 1995 г.

⁷ Ўша жойда. Протокол заседания комиссии по устраниению аварийного состояния северозападного участка медресе Тилля Кари г. Самарканде. 17 марта 1993 г. 10–14-б.

⁸ Ўша жойда. «Улуғбек мадрасаси» маданий мерос объекти кадастр иши. — Самарқанд, 2010. 8–10-б.

⁹ Ўша жойда. «Шоҳи-Зинда» мажмуасидаги кириш биноси маданий мерос объекти кадастр иши. — Самарқанд, 2011. 4–5-б.

зияси ва қатламларининг аста-секин ажралишига, нақшлар, бадиий ёзувларнинг шикастланишига, фиштларни бирлаштириб турган қоришмалар, айниқса, бино томи қисмининг емирилишига олиб келган.

Ёдгорликларнинг техник ҳолатига таъсир этувчи салбий омилларга сўнгги ярим аср мобайнида ёдгорликлар тақдирига етарлича эътиборнинг йўқлиги ва инсоннинг салбий таъсирини ҳам киритиш мумкин. Ёдгорликларни сақлаш идоралари тақиқлашига қарамай, совет ҳукмронлиги даврида, мақбаралар деворларига тақалган ҳолда қабрлар қазилган. Бу эса тупроқ сатхининг кўтарилиши ва ёдгорликлар деворларининг аста-секин намланишига олиб келган¹⁰.

Бибихоним жоме масжиди ҳам асрлар оша жиддий заарланган. Маълумки, Темурийлар салтанатининг ижтимоий-мағқуравий ҳаётида масжидлар — ҳашаматли жоме масжидларидан тортиб мавзелар ичидаги кичик гузар масжидларигача муҳим аҳамиятга эга бўлган. Самарқандда жоме масжиди мавжуд бўлишига қарамай, ўша давр тарихчилари Шарафиддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ ва бошқаларнинг ёзишича, Амир Темурнинг ўзи 1399 йилда ҳарбий сафардан қайтиб келгач Бибихоним жоме масжиди қурилишини шахсан бошлаб берган ва ишнинг тез ва сифатли бўлишини қаттиқ назорат қилиб турган. Масжид нисбатан қисқа фурсатда қуриб битказилган. Турли мактаб вакиллари бўлган усталарнинг мусобақаси, маҳаллий анъаналар ва буюртмачининг юксак талаблари ўша давр учун бекиёс бўлган диний архитектура дурдонасини яратди. Ўз даври ва ўз халқларининг энг яхши билим ва анъаналарини бу иншоотга жойлаган усталарнинг ҳаракатларига қарамай, масжид қурилиш тугаши билан бузила бошлаган. XX асрга келиб у деярли вайронага айланган¹¹. Мутахассисларнинг фикрича, Амир Темур империясининг турли ҳудудларидан олиб кelingan усталарнинг барчаси ҳам Самарқанд шаҳри сейсмик ҳудудда жойлашганлиги, вақти-вақти билан кучли зилзилалар юз беришини ҳисобга олмаган¹².

¹⁰ ЎМСИВ ММОМҚФИИЧБ ЖА.. «Шоҳи-Зинда» мажмуасидаги кириш биноси маданий мерос обьекти кадастр иши. — Самарқанд, 2011. 11-б.

¹¹ Ўша жойда. «Бибихоним» жоме масжиди маданий мерос обьекти кадастр иши. — Самарқанд, 2011. 4–6-б.; Ахмедов Б. А., Мукминова Р. Г., Пугаченкова Г. А. Амир Темур (жизнь и общественно-политическая деятельность). Ташкент: Университет, 1999. С. 163.

¹² Пугаченкова Г.А. Архитектурные руины — реставрация или консервация? // Архитектура и строительство Узбекистана. 1995. № 12. 37-б.

Айниқса нокулай табиий-иқлим шароити билан ажralиб турадиган Бухоро шаҳридаги икки юздан ортиқ йирик тарихий обидалар Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларнинг тарихий ёдгорликларига нисбатан тез емирилиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Шўрланган ер ости сувлари ер бетига жуда яқин жойлашганлиги, очиқ, ёпиқ ва бўйлама (қудук) зовурлар қазилганлигига қарамасдан шўрланиш, ботқоқланиш каби оғатлардан Бухоро замини ҳалигача холи бўлган эмас. Бундан ташқари, бу юрт учун хос бўлган чўл иқлимининг қўёшли, қуруқ бўлиши, чангли ҳавоси обидалар учун заводир. Атмосфера ёғинлари йил давомида кам бўлса-да (125–143 мм), лекин кимёвий таркиби йилдан-йилга ёмонлашиб бораётганлиги обидалар емирилишини тезлаштирган¹³. Бунинг устига содир бўлган кучли зилзилалар (1966, 1984) обидалар мустаҳкамлигига катта путур етказган.

Бухоро шаҳрида табиий-иқлим ва антропоген омилларнинг таъсири Нодир девонбеги мадрасасида, Болоҳовуз масжидида, Сомонийлар, Чор минор мақбаралари каби ёдгорликларда кузатилган. Агар Нодир девонбеги мадрасасида асос (фундамент) тагидаги заминнинг у ер, бу ерида чўккани кузатилса, Болоҳовуз масжиди металл том билан ёпилганлиги учун унинг айрим қисмлари батамом занглаши туфайли атмосфера ёғинлари оқиши натижасида пештоқнинг тела қисми намланиши, сўнгра музлаши ва фишт деворнинг ёрилиши, шунингдек, айвондаги фишт орасига қўйилган ёғоч тўсинларнинг чириб, айвоннинг бинодан ажralишига олиб келган. Гидрогоеологик шароитларнинг бузилиши Сомонийлар мақбарасининг ҳолатига таъсир қилган, тупроқ намланиб чўкиши ва кейинчалик емирилиши эса Чор минорда кузатилган¹⁴.

Бухоро шаҳри айрим мадрасаларининг умумий ҳолати ҳам тупроқ эрозияси билан боғлиқ. Шу боис Улугбек мадрасаси фундаментлари, ташқи ва ички пойдеворлари 1990-йиллар бошига келиб қониқарсиз аҳволга тушиб қолган. Бино тагидаги тупроқнинг нотекис чўкиши натижасида бинонинг олд қисми (фасади), ҳовлидаги айвон, де-

¹³ Назаров И. К., Хайитов Ш. А. Бухорий шариф: тарихий обидалар ва экологик омиллар // «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка». Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиган ҳалқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18–20 октябрь, Бухоро–Хива. Тошкент, 1997. 154–6.

¹⁴ ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБ ЖА. АООТ «Таъмиршунослик»: Программа комплексного.... 5–6–б.

ворлар шакли бузилган. Деворларнинг яроқсиз ҳолатини уларда мавжуд бўлган кўриниб турадиган ёриқлар мисолида кузатиш мумкин¹⁵. Модарихон ва Абдуллахон мадрасаларини ўз ичига олган Қўшмадрасада бу ҳолат яққол намоён бўлган¹⁶.

Бинонинг том қисми яроқсиз бўлгани боис намиқиши натижасида Бухоро шаҳридаги Фозиён мадрасаси ҳам нурай бошлаган. Дандана даражасидаги девор юқори қисмининг бузилиши ёғин-сочинлар ва ёдгорликнинг ташландиқ ҳолатга туширилиши оқибатида келиб чиққан. Девор остки фиштларининг емирилиши атмосфера ёғинлари (нам) ва ер ости сизот сувларининг кўтарилиши натижасида юз берган. Бино конструкцияларининг ҳозирги техник ҳолатига келиб қолишига узоқ вақт мобайнида бинога қаров бўлмаганлиги ва таъмирлаш-реставрация ишлари олиб борилмаганлиги, томнинг гидроизоляция талабларига жавоб бермаслиги сабаб бўлган¹⁷. Табиий-иклим шароити таъсирида Хўжа Калон масжиди Дарвозахонасининг Гумбази қулаб тушган. Шунингдек, антропологик таъсир, яъни совет даврида омборхона сифатида фойдаланилиши дарвозахонанинг техник ҳолатига салбий таъсир қилган¹⁸.

Юқорида келтирилган мисоллар ёдгорликлар конструкцияси турли объектив сабабларга қўра бузилганлиги ва улар асл қиёфасини тиклаш мутахассислар томонидан комплекс фанлар натижаларига таяниб, ўзига хос ҳар бир таркибий қисм учун алоҳида ёндашувни талаб этади. Барча ёдгорликларни бирлаштирувчи умумий жиҳат — конструкциялар кўтариш қобилиятининг тикланганлиги ва ёдгорликларнинг сақланиб қолганлигидир. Буни ҳисобга олиш, юқори сейсмик зонада жойлашган Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Монументал меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатига салбий таъсир этувчи асосий сабабларнинг ўрганилиши натижасида меъморий ёдгорликларнинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ носозликлар Ўзбекистонда сақланиб қолган обидаларнинг барчасига таалуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун мустақиллик йилларига

¹⁵ ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБ ЖА. АООТ «Таъмиршунослик»: «Улуғбек мадрасаси» маданий мерос обьекти кадастри иши. Бухоро, 2010. 18-б.

¹⁶ Ўша жода. Бухоро шаҳридаги Қўшмадраса комплекси ҳақида маълумот.

¹⁷ Ўша жода. Медресе Газиян в городе Бухаре. Описание архитектурного облика и современное состояние медресе Газиян.

¹⁸ Мұхамедова М. Бухоро тарихий ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаш ва замонавий музейлаштириш муаммолари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлий ахбороти. 2012. № 2. 29-б.

келиб, соҳа мутахассислари ёдгорликлар техник ҳолатини янгилашга қаратилган кичик техник масалалардан бошлаб, юқори савиядаги муҳандислик тадбирлари, юксак меъморий билим натижалари ва шашарсозликнинг комплекс жумбоқчарини ҳал этиш муаммолари ечимини топиши зарур эди. Айниқса таъмирчиликда танланган усул муҳим роль ўйнашини мутахассислар алоҳида таъкидлашади¹⁹.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мустақиллик йилларида таъмирчилик назарияси ва фанида қабул қилинган юқоридаги шартлар асосида, Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга ёки монументал меъморий ёдгорликларнинг батамом бузилишига йўл қўймаслик учун конструкцияларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиш ҳамда профилактика тарзида реставрация ва консервация ишларини бажариш йўлга қўйилди.

Республикамиз мутахассисларининг фикрича, замонавий жаҳон таъмирчилик илмида маълум умумий фикрлар шаклланди. Ҳозирги кунда замонавий жаҳон таъмирчилик илми ва амалиётида муҳандислик консервацияси, анастилоз, аналитик таъмир, реконструкция, қайта тиклаш, макет ва муляжлар яратиш каби таъмир турлари қўлланилмоқда²⁰.

Бироқ шуни унумаслик керакки, кўпгина ҳолларда қабул қилинган қарор, бошқача қилиб айтганда, таъмир усули мутлақо эътиroz-

¹⁹ Қаранг: Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. Toshkent, 2009. 100–110-б.

²⁰ Муҳандислик консервацияси — ёдгорликнинг статик мустаҳкамлигини оширишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирларининг қўлланилиши ҳисобланади. Бу усул одатда, анча харобага айланган иморатларга нисбатан қўлланилади. Анастилоз ёдгорликни ёки унинг бирон-бир таркибий қисмини (масалан, деворини, устунини, тошдан ишланган гумбазларини) бузилиб кетган, ammo маълум даражада сақланиб қолган ўз бўлаклари орқали тиклашни англатади. Бу усул қадимги Греция ва Рим давлатларининг мисолида яхши намоён бўлади. Аналитик таъмир усули «исботланган» сўзига яқин маънени англатиб, асосий қисм ва бино кўринишлари сақланиб қолган, катта талафот кўрмаган иншоотларга нисбатан қўлланилади. Реконструкция усули баъзи ҳолларда сақланиш даражаси учча ёмон бўлмаган 1, 2 пештоқ, тоқ, равоқ, гумбаз ёки минораси, баъзи ҳолларда бадиий безаги бузилиб кетган иморатларнинг мана шу қурилмаларини тиклаш ишига нисбатан қўлланилади. Мазкур усулнинг қўлланилиши иморатларнинг сақланиш ҳолати яхшилигини ва тикланадиган қисми эътирозсизлигини тақозо этади. Қайта тиклаш усули таъмилаш усулининг энг қадимий анънавий йўналиши ҳисобланади, мазкур усул Марказий Осиёда ҳам кенг қўлланилганини мутахассислар эътироф этишади. Макет ва муляжлар ясаш бошқа усуллардан ўз мазмуни билан кескин ажralиб туради. Унинг икки йўналиши мавжуд. Биринчиси, бузилиб кетган иншоот ёки унинг бир бўлгини тиклаш. Иккинчи йўналиш вайрони иморатни асл ҳолда, асл кўринишида ва ўша функционал мақсадда тиклаш ҳаракатидан иборат.

сиз бўлмайди. Аммо у кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинган бўлиши ҳамда меъморий ёдгорликнинг жисмоний ва бадиий жиҳатларини баркамоллаштиришга хизмат қилиши даркор. Шунинг учун таъмирчиликнинг бош масаласи — меъморий ёдгорликнинг тикланиши лозим бўлган қисмини қай даражада тикланишини аниқлаш замонавий таъмирчиликнинг ниҳоятда мушкул масаласи бўлиб, «тарихийлик ва ҳақиқийлик» концепциялари талаблари билан боғлиқдир. Замонавий меъморий таъмирчилик назарияси ва амалиётида ушбу концепцияларнинг ечимини амалга оширишга қаратилган қўйидаги усусларни қўллаш мумкин: ўз ҳолича сақлаш; ёдгорликни вайронга ҳолича консервациялаб сақлаш; эътиrozга олиб келмайдиган таклифлар асосида конструктив ва бадиий қисмларини қисман тиклаш; ёдгорликни тўлалигича тиклаб, асл қўринишига олиб келиш²¹.

Таъмирчиликнинг яна бир нозик жиҳати қурилиш материали ва технологиясини танлаш масаласи ҳисобланади. Кўпгина мутахассислар меъморий ёдгорликни таъмирлашда анъанавий, ўша ёдгорликда қўлланилган қурилиш ашёлари ва технологиясини қўллаш лозим, деб ҳисобласа, иккинчи гурӯҳ вакиллари эса зарур ҳолатда янги қурилиш ашёси ёки бино қурилмаси қўлланишини таклиф этишади.

Таъмирчилик назарияси ва фанида қабул қилинган шартлар асосида, Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга ёки монументал меъморий ёдгорликларнинг батамом бузилишига йўл қўймаслик учун, конструкцияларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиш ҳамда профилактика тарзида реставрация ва консервация ишларини бажариш йўлга қўйилган.

Аммо собиқ Иттифоқ даврининг инқилобий ўзгаришлари ҳамда ҳалқлар маданиятини нивелирлаш (XX асрнинг 20-йилларидан бош-

²¹ Биринчи усул ёдгорлик қай ҳолатда етиб келган бўлса, ўша шаклда сақлаб қолишни назарда тутади ва унинг тарафдорларига нисбатан ўзига хос «таъмирсиз таъмирчилар» иборасини қўлласа бўлади. Иккинчи усул ёдгорликнинг бузилган қисмини тиклашга етарли далил-исботлар асосида тиклаш ҳисобланади. Бу усул тарафдорлари фанда «тарихий ҳақиқатчилар» деб номланиб, улар ёдгорликнинг вайронга қисмини эътиrozсиз таъмир қилишни ёқлайдилар. Учинчи усул ёдгорликни тўла тиклаш, ҳаттоқи вайронга ҳолатидаги обидаларни ҳам янгилашга хизмат қиласиган усул ҳисобланади. Кўпинча бу фоя тарафдорлари шу соҳа мутахассиси бўлмаган одамлардан иборат бўлади. Тўртинчи усул — иморатнинг конструктив ва бадиий хусусиятларига зиён етказмай, аксинча, уни тўлақонлигича кўрсата олиш демакдир. Бу йўналиш тарафдорлари ҳар бир ёдгорликка алоҳида ёндашув асосида заруратта қараб меъморий ёдгорликни ўз ҳолича сақлаш, талаб этилганда унинг баззи қисмларини тиклаш, каттагина қисмida қайта қуришни ёқлайдилар. Манба: Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. Toshkent, 2009. 76–78-б.

ланган) амалиёти узвий ривожланиб келган таълим жараёнини янгича, Европача тартиб билан алмаштириди. Натижада Уста Бақо (Бухородаги Минораи Калон меъмори), Меъмор Абдул Жаббор (Самарқанддаги Шердор мадрасаси муаллифи) сингари меъморларни етиштирган таълим тизими таг-туги билан йўқотилди. Тамоман янгича маданият юзага кела бошлади. «Бу даврга келиб гумбаз, равоқ ва бағал боғлашнинг кўп сиру асрорлари, муқарнасозлик, кошинпазлик, кошинкорлик ишлари унутилиб юборилган эди. Анъанавий қурилиш материаллари (ганч, кир, оби фишт, кошин ва бошқалар) ишлаб чиқарилмаганлиги туфайли уларнинг ўрнига цемент, бетон, темирбетон қўлланила бошланди. Кошин ва парчинга бериладиган сирли пардоз анъанавий ашёлар ва усулда эмас, янги минераллар ва кимёвий моддалардан тайёрлана бошланди²². Булар эса, ўз навбатида, таъмир иши сифатининг пасайишига олиб келди.

Шунингдек, Марказий Осиёда ҳам Европадаги сингари ўзидан олдинги даврда ва анъанавий услубда қурилган иморатларни таъмирлаш учун маҳсус ўрганиш эҳтиёжи келиб чиқди. Бошқача қилиб айтганда, XX аср ўрталаридан Ўзбекистонда ҳам аждодлар томонидан бунёд этилган иморатларни тиклаш учун маҳсус таъмирчиларни етиштириш зарурияти долзарблашди. Мустақиллик йилларида ҳам ушбу муаммо тўлалигича ўз ечимини топмади, десак муболага бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистонда Самарқанд ва Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институтлари (САМДАҚИ, ТОШДАҚИ) фаолият кўрсататтганлигига қарамасдан, соҳада кадрлар муаммоси, жумладан, қадимий қурилиш-таъмирлаш усулларини ўзлаштирган малакали рақобатбардош мутахассислар «тақчил»лиги кузатилди.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, XX аср охирига келиб Ўзбекистонда жамланган маданий мерос объектларнинг (собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида бўлгани каби) техник ҳолати мураккаб реставрация ва консервация ишларини тизимли асосга қўйилиши ва мунтазам олиб борилишини талаб этарди. Айниқса, тиклаш-таъмирлаш, консервациялаш жараённида қадимдан маълум бўлган технологияларнинг қайта тикланиши ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш муаммоси ечимини топиш ҳам муҳим аҳамият касб этарди. Чунки, асосан, совет давридан бошланган таъмир ишида «замонавий» технологияларнинг оммавий қўлланилиши меъморий обидаларни асл ҳолатга келтирили-

²² Аҳмедов М. К., Рафиков С. А. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 2005. № 1. 18–19-б.

шининг муракаблашишига, айрим ҳолатларда эса юзаки косметик таъмирлаш ишлари билан чекланилишига сабаб бўлди. Демак, истиқлол йилларига келиб, Ўзбекистонда монументал ёдгорликларни таъмирлашнинг илмий асосларини ҳамда соҳада тўплантан жаҳон амалиётини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва шу асосда миллий тизимни янада ривожлантириш долзарб вазифалардан бирига айланди.

P. АБРИЕВ

ХХ АСРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ

Мақолада архив материаллари асосида қадимдан то ҳозирги кунга қадар бўлган даврда Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари ҳолати ёмонлашуви нинг асосий (техник, табиий-иқлим шароити ва бошқ.) масалалари таҳлил этилган. Уларга нисбатан кўрилган техник назорат, профилактика, таъмирлаш ва қайта тиклаш усуллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: техник ҳолат, архитектура, ёдгорлик, маданий мерос, таъмирлаш, сақлаш, қайта тиклаш, табиий-иқлим шароити, муҳандислик тадбирлари.

P. АБРИЕВ

ПРОБЛЕМЫ СОХРАНЕНИЯ И СОСТОЯНИЯ АРХИТЕКТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В ХХ ВЕКЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье на базе архивных материалов проанализированы основные (технические, природно-климатические и др.) аспекты ухудшения состояния архитектурного наследия Узбекистана с древности по современный период. Рассмотрены проблемы их технического контроля, профилактики, реставрации и реконструкции.

R. ABRIEV

THE CONDITION OF THE ARCHITECTURAL HERITAGE OF UZBEKISTAN IN THE 20 TH CENTURY AND PROBLEMS OF THEIR CONSERVATION

Based on the archival materials the article analyses the main (technical, climatic, etc.) aspects of deterioration of the architectural heritage of Uzbekistan from ancient times to the modern period. It also discusses the problems of their technical control, prevention, restoration and reconstruction.

TARIX VA ADABIET**O. ЖЎРАБОЕВ****АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ ТАФАККУРИ***... тарихни билишда замонанинг ягонаси.*

Мирхонд

Ўрта асрлар ўзбек халқи тарихи, маданияти, маънавияти ва адабиётида алоҳида юксак мавқе қозонган зот ҳазрат Алишер Навоийdir (1441—1501). Хусусан, унинг ўрни ва роли XV аср иккинчи ярми темурийлар тарихи ва давлатчилик бошқарувида муайян равишда муҳим аҳамиятга эга. Навоийнинг ўз давридаги фаол сиёсий фаолияти билан бирга, кўплаб бунёдкорлик ишлари, фан, маданият, санъат ва адабиёт юзасидан ҳомийлиги илмий адабиётда муносиб баҳосини олган¹. Буюк мутафаккирнинг алоҳида феномен сифатида замонасида тутган ўрни жуда муҳим бўлиш билан бирга, унинг ўз даври тарихига ва умуман тарихга муносабатини, тарихий қарашларини ўрганиш ҳам бирмунча аҳамиятлидир. Мазкур масала эса, фикримизча, қўйидаги жиҳатларда кўринади:

¹ Бу ҳақда қаранг: Якубовский А. Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои/ В книге «Алишер Навои». Сборник статей. М.—Л.: Изд. АН, 1946. 5—30-б.; Бертельс Е. Э. Навои. М.—Л.: Изд. АН, 1948; Бартольд В. В. Сочинения. Том II, часть 2. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Москва: Наука, 1964. 199—260-б.; Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1963. 419—423-б.; Le vend A. S. Alisir Nevai. I cilt. Hayati, sanati ve kisiligi. Ankara: Turk tarih kirkumu basimevi, 1965; Ойбек . Муқаммал асарлар тўплами. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент: Фан, 1979. 14—35, 118—124, 253—254-б.; Шайхзода М. Асарлар. 4-том. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 78—85-б.; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. Тошкент: Фан, 1977. 55—73-б.; Иzzat Султан . Книга признаний Навои. Жизнь и творчество великого поэта со слов его самого и современников. Ташкент: Изд-во лит. и исск., 1985; Турсунов Ю. «Муншаот» — как историко-литературный источник в изучении жизни и деятельности Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент, 1986; Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1992. 174—180-б.; Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. Ташкент: Фан, 2009; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент: Akademnashr, 2011. 114—147-б.; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). Тошкент: Akademnashr, 2011. 26—28-б.; ва бошқ.

1. Алишер Навоийнинг тарихнавис сифатида яратган тарихий асарларида;

2. Навоий қаламига мансуб ёднома-хотира (мемуар) асарларда тарихий шахс ва воқеликнинг баён этилишида («Хамсатул-мугаҳайирин», «Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»);

3. Бошқа (лирик, эпик ва прозаик) асарларда у ёки бу тарихий ҳодиса, шахс ёки воқеликка муаллиф муносабатида («Хамса», «Мажолисун-нафоис», «Ҳазойинул-маоний» ва бошқ.).

Хусусан, дастлабки икки жиҳатда биз кўзда тутмоқчи бўлган масала аниқ-равшан акс этган^{*}. А. Навоий ўз даври тарих фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган алломадир.

«Адабиёт ва санъат тараққиётига ҳомийлик қилиш билан бирга Алишер Навоий илму фан ривожига, айниқса, тарихга алоҳида эътибор берди. Ҳиротда яшаган кўпгина тарихчилар буюк Навоийнинг мулоҳазали маслаҳатларидан фойдаланишган»². «Мирхонд, Хондамир каби машҳур тарихчилар тўғридан-тўғри Навоий раҳбарлиги остида, унинг моддий кўмаги ва ташвиқи билан катта тарих асарлари устида ишлаганлар»³. Масалан, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (1433–1498) ўзининг «Равзатус-сафо фи сирил-анбиё вал-мулук вал-хулафо» (Набийлар, маликлар ва халифалар таржимаи ҳолида софлик боги) асарини Навоий маслаҳати ва раҳбарлиги остида яратган.

Жумладан, у ёзади: «... Ва чун бо ақл машварат кардам гуфт ки, ҳарчанд ў дар таърихдони ягонаи замонаст, ҳануз ба шунидани воқеаҳои таърих бисёр иштиёқ дорад. Бинобар ин бо таълифи китоби таърих ба ў наздики жуст... ва чун сухани ҳидояткори ақл маъқул намуда баъд аз истижоза маърузи рои оламори гашт. Ин ҳадис мустаҳсан ва матбуи табъи ваққодаши омада ишорати олий ноғиз гашт ки, бар муқтазои савобиди он музстаҳиди мусиб бар тартиби таърихи муборидат бояд намуд ки, иборат аз хатту холи мажоз ва истиора холий ва аз вусмати сирқату орият ори бошад... ва муштамал бар муқаддима ва ҳафт қисм

* Кўйилаётган масала моҳият ва кўлам нуқтаи назаридан анча қамровли бўлгани боис, уни бир мақола доирасида акс эттириш қийин. Шу сабаб, биз бу ўринда фақат биринчи жиҳатта атрофлича тўхталамиз — *O. Ж.*

² Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. ... 176-б.

³ Ойбек. МАТ. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар. ... 32-б.

ва хотима намуд...»⁴ (Яъни: «... ва ақл билан машварат қилинганда у (Алишер Навоий) гарчанд тарихни билишда замонанинг ягонаси бўлса ҳам, ҳануз тарихий воқеалар эшишишга кўп иштиёки бор; шунга кўра (ақл) тарихий китоб таълиф қилиш учун унга яқинлашиш зарурлигини айтди. Ақлнинг бу ҳидоятли фикри маъқул бўлиб, рухсат олингач, ул оламни безовчи фикр соҳиби (Навоий)га арз қилинди. Бу ҳодиса ул зотнинг табъига маъқул бўлиб, олий равишда кўрсатма берилдики: «Тарихий асар ёзишга киришилсин. Унинг иборалари мажоз ва истиорадан холи ва (турли бошқа китоблардан) ўғирлигу орият қилиш айбидан четда бўлсин... у муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат бўлсин...»)

Маълум бўладики, Навоийнинг таъкидлашича, Мирхонд «Равзатус-сафо»ни ёзар экан: 1) асарнинг услуби ва тили турли хил ортиқча мажоз ва истиоралардан холи бўлиши, 2) бошқа тарихий асарлардан катта-катта кўчирмалар олиб тўлдирилмаслиги, 3) муболагали ва ноаниқ жумлалардан тоза бўлмоғи керак.

Айнан мана шу уч хусусият ўрта асрлар Шарқ тарихнавислигига хос бўлиб, бу ўринда Навоий чиндан ҳам «тарихни билишда замонасининг ягонаси» сифатида муҳим жиҳатга ургу бермоқда.

Шу билан бирга, у Мирхондга ўзининг бой кутубхонасидан унумли фойдаланишга ва моддий жиҳатдан эҳтиёжманд бўлмаслигига ҳам шароит яратиб берган. Яна, шундай ҳодиса Мирхонднинг ўғли (баъзи манбаларда — набираси) Хондамир билан ҳам рўй беради. Фиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир (1475–1535) ҳам Навоий раҳнамолигида ўзининг илк тарихий асари «Холосатул-ахбор фи аҳволил-ахёр» (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг холосаси)ни олти ой ичида ёзиб тугаллаган (1499 й.).⁵ Кейинчалик ҳам Хондамир Навоийнинг тўла эътибори ва ҳомийлиги остида ижод қилган, унинг ихтиёрида Навоийга мансуб нодир манбаларга тўла кутубхона бўлиб, ўзига керакли энг ноёб китобларни шу ердан топар эди; Навоий ҳаётлик чоғида унга бағишланган «Макоримул-ахлоқ» асарини ёзишни ҳам бошлаган (1500 й.). Бироқ, улуғ шоирнинг бевақт вафоти туфайли уни тақдим этолмаган. Шуниси қизиқки, Навоий айнан Хондамирнинг

⁴ Мирхонд . Равзатус-сафо. 1-жилд. Беруний номидаги ШИ фонди, 4223-рақамли қўллэзма, 2^б варақ.

⁵ Сироҷиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. ... 274-б.

кўлида жон беради. Бу бетакрор даҳо инсоннинг вафоти эса ёш тарихчини чуқур қайғуга солади ва бир қанча вақт қўли ишга бормай ҳам қолади. Фақат, Султон Ҳусайн Бойқаронинг талаби билангина у мазкур асарни тутгатади⁶.

Энди Навоийнинг тарихий асарларига тўхталсак.

Хондамир Навоий ҳақидаги мемуарида келтиради: «... ўша замонда иккита қисқача тарих: бири — пайғамбарлар тўғрисида, иккинчиси — ажам подшоларининг аҳволлари ҳақида тасниф қилганлар. Бу икки қимматли нусхага қизиқ ҳикоялар ва ажойиб ривоятлар ёзганлар»⁷.

Навоий «Мұҳокаматул-луғатайн» (Икки тил мұҳокамаси) асарида эса ўз ижод маҳсулларидан бир қанчасини санаб, шундай таъкидлайди: «... «Хамса» шуғлидин чун фарогат топибмен, тахайюлим гетийнавардин салотин таърихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдатут-таворих» адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен».⁸ (Яъни: ««Хамса»ни ёзиб бўлгач, жаҳонкезар хаёлотим оти султонлар тарихи даштиға қараб чопди; битикларнинг қора зулматидан «Тарихлар қаймоги»ни чиқариб, асар туздим ва бу билан подшоҳларнинг ўлган номларини бу тириклик суви билан тирилтиридим».)

Бироқ, Навоийнинг «Зубдатут-таворих» номли асари ҳанузгача фанга маълум эмас (ёки топилмаган). Академик А. Қаюмовнинг фикрича, Навоий Султон Ҳусайн ва унинг давлати тарихини ёзишга киришган. Аммо унинг бошланғич бўлакларигина ёзилиб битган, холос⁹. Бу фикрга маълум қадар қўшилиш мумкин. Сабаби, ўрта асрлар мусулмон тарихшунослигидағи муайян анъаналардан бири — бирор давлат ёхуд ҳукмдор тарихини ёзишдан аввал, бироз бўлсада, пайғамбарлар ва асар қаратилган подшоҳ ҳукмдорлик қилаётган регион (бу ўринда ажам — араб бўлмаган)даги тўрт сулола тарихини ҳам қаламга олиш зарур бўлган. Ана шу зарурат туфайли бунёд бўлган «бу икки қимматли нусха» эса — «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (Набийлар ва ҳакимлар тарихи) ва «Тарихи мулуки ажам» (Ажам мулуки тарихи)дир. Ҳақиқатан, Навоийнинг ушбу икки тарихий асари яратилиши режалаштирилган (ёки тугалланган) «Зубдатут-таворих»—

⁷ Фи ё сиддин Хондамир . Макоримул-ахлоқ. Форсчадан М. Фахридинов ва П. Шамсиев таржимаси. Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. 58-б.

⁸ Алишер Навоий . Муқаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Тошкент: Фан, 2000. 26-б.

⁹ Қаюмов А. Дилкушо тақорорлар ва руҳафзо ашъорлар. Тошкент: Mumtoz so'z, 2011. 234-б.

нинг дастлабки қисмлари эканлигига бу каби айрим жиҳатлар ишора беради.¹⁰ [Бироқ, ушбу икки асарни Навоий яна бошқа ниятларни ҳам қўзда тутган ҳолда ижод қилганига оид асосли тахминлар қилинади.]**

Навоийнинг олим, хусусан, тарихшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам айнан мазкур икки асар билан белгиланади. Ҳар икки асар ҳам қисқа бўлса-да, муаллиф ёритмоқчи бўлган тарихнинг энг муҳим жиҳатларини акс эттира олганлиги, услубининг бу таҳлит бошқа асарлардан фарқланиши билан ажralиб туради. Шунингдек, муаллиф ўзигача яратилган кўплаб бошқа тарихий асарлардан боҳабар эканлиги, улардан унумли ва танқидий фойдаланганлиги ҳар икки асар матнидан маълум бўлиб боради. Масалан, Абу Ҳомид Фаззолийнинг «Насиҳатул-мулк», Абу Жаъфар Табарийнинг «Тарихул-умам вал-мулук» («Тарихи Табарий», «Тарихи Жаъфарий»), Абу Али Мискавайҳнинг «Одобул-араф вал-фурус», Қози Байзовийнинг «Низомуттаворих», Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг «Тарихи гузид», Абу Сулаймон Банокатийнинг «Девонул-насад» ва «Жомеъут-таворих», Алоуддин Жувайнининг «Тарихи жаҳонкушой», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарларидан Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки ажам» асарини яратишда фойдаланган ва уларни тилга олган.

Аввало, «Тарихи анбиё ва ҳукамо»га тўхталадиган бўлсак; асарда исломгача яшаган пайғамбарлар ҳамда ҳаким (денишманд) зотларнинг қисқача тарихлари баён қилинган. Муаллиф, пайғамбарлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга тўхталар экан, бу маълумотларнинг буш манбаи Куръони карим эканлигига ишора қиласди ва ўз фикрларини асослаш мақсадида бир неча ўринларда оятларга ҳаволалар

¹⁰ Мисол учун, Навоий «Тарихи мулуки ажам»да Баҳром бинни Яздижирд ҳақида ҳикоя қиласи экан унинг Журжон навоҳисида оз киши билан тунда ҳужум қилиб уч юз минглик қўшинни енгтанини келтиради ва бундай ишни ундан аввал ҳам, кейин ҳам ҳеч бир подшоҳ қилмаганини айтади. Сўнгра Навоий фақатгина Султон Ҳусайнгина бунга мусассар бўлганини таъкидлаб, ўша воқеани воқеа ичиди қисқача баён қиласди. Ва бу тарихий ҳодисани «иншоаллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатирига дегинча шарҳ қилилгай» деба таъкидлайди. (Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд ... 236-б.)

** Бу шаклдаги шартлилик хусусиятини белгилашнинг бошқа (филологик аспектдаги) жиҳатлари ҳам мавжуд. Бунинг шарҳига киришиш эса алоҳида мавзу талааб қиласди. — О.Ж.

беради¹¹; пайғамбарлар билан содир бўлган турли хил ибратли ва қизиқарли воқеаларни қаламга олади. Шу билан бирга Навоий ўзигача ижод қилган мусулмон муаррихларидан ўзгачароқ йўл тутган. Улар қўйидагиларда кўринади:

а) пайғамбарлар тарихига оид аксарият асарларда ҳазрати Мұхаммад Мустафо (с.а.в.)гача бўлган набийлар ҳақида жуда қисқача маълумотлар бериб, асосий ўрин Расулуллоҳ тарихига бағишланган. Навоийда эса исломгача келган пайғамбарлар тарихи ҳақида, муфассал бўлмаса-да, баён қилинади (Одам, Нуҳ, Мусо, Юсуф, Исо алайхиссаломлар каби). Аммо Расулуллоҳ тарихига тўхталинмайди. Бу жиҳат бизнингча, муаллифга қадар Расулуллоҳ тарихларининг кўп яратилганлиги, аввалги пайғамбарларга эса нисбатан кам эътибор берилганлиги бўлиб, Навоий ўз диққатини ана шу «кемтиклик»ни маълум қадар тўлдиришга интилганидир;

б) Навоий ортиқча муболагали тафсилот, хаёлот доирасидан ўта узоқ ва шубҳали жиҳатларга тўхталмаган. Аксинча, бу борада бир неча ўринларда ўз танқидий мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бу хусус «Тарихи мулуки ажам» учун ҳам хос бўлиб, муаллифнинг тарихга ўзига хос ва холис ёндашувини кўрсатади;

в) асарнинг «хукамо» (ҳаким-донишмандлар)га оид бўлаги эса анбиё қисмидан ҳам ўта қисқа бўлиб, унда умумий маълумот бериш билан чекланилган. Навоий Куръони каримда номи кечган Луқмони ҳаким билан¹² бошлаб, қадимги юнон файласуфлари — Фишотурс (Пифагор), Буқрот (Гиппократ), Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотелис (Арасту), форс донишмандларидан — Содик, Бузургмехр кабиларга тўхталган (жами 13 та). Ҳар бир пайғамбар ва ҳаким ҳақидаги баёндан сўнг якунловчи бир байт шеър илова қилинган.

¹¹ Масалан, Одам алайхиссалом ҳақидаги дастлабки парчада «Бақара» сураси 31-оят, «Ҳижр» сураси 19-, 35-, 50-оятлар, «Моида» сураси 31-оят; Иброҳим а.с. ҳақидаги ўринларда эса «Анъом» сураси 76-, 78-оятлар, «Иброҳим» сураси 37-оят; Юсуф а.с. ҳақидаги қисмда эса «Шўро» сураси 11-оят, «Юсуф» сураси 4-, 31-, 37-, 57-, 100-оятлар келтирилган.

¹² Навоий уни набийлар қисмida ҳам келтирган ва «тарих аҳлидин баъзи они ҳуқамо силкида мазкур қилибдурлар. Ва кўбрак эл ани пайғамбар дебдурлар» дейа таъкид этади (Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. ... 168-б.). «Хукамо зикри» қисмida эса: «Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур» сўзлари билан ҳамда «Анбиё зумрасида битилди ва ҳуқамо орасида ҳам мазкур қилилди» дейа қайд этади (ўша асар, 190-б.).

Баъзи мисолларга мурожаат қиласиз. Навоий Нуҳ пайғамбар авлодидан бўлган Ҳом ҳақида ёзар экан, унинг авлодлари турли мулкларга тарқалишининг тарихий манбаларда ихтилофли эканлигига урғу бериб, бу борада якдил фикр йўқлиги ва шу билан сўзни узатмай қисқа қилиш лозимлигини таъкидлайди. Акс ҳолда бундай ихтилофли сўзлар ўқувчида шубҳа туғилишига сабаб бўлади. «... *Бу тарихни мутолаа қилур маходим арзига еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуздин паришонроқ ер йўқтур. Асру кўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдуурким, битмаги ўқур элга мужиби тараффуд бўлур. Ул жиҳатдин баъзи муътабар кутубдин ушмунча сўз била ихтисор қилилди*»¹³.

Ёки, «Зулқарнайни Акбар» ҳақидаги ўринда Зулқарнайнинг девор кўтариши ҳамда яъжуҷ ва маъжуж «сифотида» тарих китобларида шундай муболагалар қилинганки, ҳатто, «*бу фақир қаламиға ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир қилғай*» дея айтилади¹⁴. Яъни, Навоийдек улуғ ва қудратли ижодкор ҳам тарих аҳли йўл қўйган ўта даражадаги муболагаларни таҳрир қилишда «қобилиятсиз»дир. Албатта, бундай камтарликнинг ортида бироз киноя ҳам бор. Чунки, Навоий худди шу парча яқунидаги шеърда тарих аҳлиниң ихтилофи кўплиги, аксар тарихий асарлар «Шоҳнома»дек сермуболага лофга бойлиги, баъзи мутаассиблар эса фақат ўз сўзини тўғри деб туриб олишини айтади:

*Тарих аҳлиниң ихтилофи кўптур,
«Шоҳнома»нинг ул навъки лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи воғи кўптур.*

Демакки, Алишер Навоий диний мазмун ва характердаги асарларда ҳам тарихий ҳақиқат ўнг планда бўлиши лозимлиги, пайғамбарлардек улуғ инсонларни эса биринчи галда реал тарихий шахс сифатида гавдалантиришга аҳамият беради. Асарнинг донишманларга доир қисмида ҳам ҳар бир ҳаким (ёки файласуф) тарихига қисқача биографик характеристика беради, у кимнинг даврида яшаганлиги, устози ким эканлигини эслатиб, ундан қолган ҳикматли сўзлардан намуна келтиради. Ва шу билан уларни ҳам тарихий шахс сифатида тасвирлайди.

¹³ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. ... 106-б.

¹⁴ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. ... 112-б.

Бундай тамойилни унинг иккинчи тарихий асари «Тарихи мулуки ажам»да ҳам кўриш мумкин. Навоий ушбу асарни ёзиш билан ўзигача яратилган ажам подшоҳлари тарихи ёки замонавий тарзда айтилса: қадимги Эрондаги ҳукмдор сулолалари ҳақидаги тарихий хроникани анча тизимга солди. Унда ўтмишда Эрон ва қисман Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт асосий сулола: пешодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар тарихи ҳақида ҳикоя қиласи. Навоий номларини келтирган 63 нафар подшоҳ Каюмардан бошлаб, Кисро Мехрижис билан тугайди. Уларнинг ичидаги учта аёл ҳукмдор ҳам бор (Ҳумой-Ҳумон, Турондўхт, Озармдўхт). Бунда ҳам ҳар бир подшоҳ ҳақида тўхталгач, яқунида хулосавий шеър берилади.

Навоий ушбу асар баёни давомида тарих билимдони, воқеликка муносиб баҳо бера олувчи ўткир ақл соҳиби сифатида ҳам намоён бўлган. Асарда юзлаб географик ва шахс номлари, кўплаб воқеа-ҳодисаларнинг ўз ўрнида келиши муаллифнинг ўткир закоси, муаррих сифатида нуктадонлиги, хотира ва билим доирасининг кенглигига ҳам далолат қиласи. ««Тарихи мулуки ажам» автори ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, ҳалқ ва мамлакат манфаатларига муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади»¹⁵.

Масалан, Жамшид ҳақида тўхталар экан, «Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди», дея алоҳида таъкид этади¹⁶.

Бу ўринда Навоий фақат Навоийгагина хос бўлган услуб¹⁷ ва бадиият билан ўз фикрини изҳор қилган ва асослаган. Диққат этилса, матнда дастлаб Жамшидинг подшоҳлик таҳтига ўтириши ва ўтирган заҳоти мамлакатниadolat билан бошқара бошлаганлиги келмоқда. Сўнг эса, унинг шахсий сифати, яъни ҳусну жамоли дилни ўртовчилиги ва фазлу камолда ҳам ўхшашлизлиги айтилмоқда. Бу эса, Навоийга кўра ҳукмдорнинг шахсий фазилатларидан ҳамadolatли шоҳ сифа-

¹⁵ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. ... 443-б.

¹⁶ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. ... 199-б.

¹⁷ Навоийнинг насрини ва ундаги услуб ҳақида қаранг: Фаниева С. Наср ва бадиият / Китобда: Навоий ва ижод сабоқлари. Тошкент: Фан, 1981. 64–72-б.; Ўшамуалиф. Навоий ижодиёти ва наср проблемалари / Китобда: Ўзбек насли тарихидан. Тошкент: Фан, 1983. 54–60-б.; Эргашев Қ. Ўзбек наслида иншо. Тошкент: Muхarrir, 2011.

тидаги ўрни бирламчи эканлигига ургу бермоқда. Шу билан бирга, матндан тагматн — иккиламчи маъно ҳам ўз-ўзидан юзага чиқади. Бу билан улуф мутафаккир адаб инсон қанчалик адолатли ва халқ учун манфаатли бўлса, унинг ҳусни ва камолоти янада зиёда бўлади, деган эзгу фояни илгари суради. Навоийнинг тарихий шахс, ҳусусан, ҳукмдорга муносабатининг асос жиҳати шунда кўринади.

Тарихнавислик учун яна бир муҳим масалага Навоий ўз нуқтаи назарини «Тарихи мулуки ажам» орқали билдириб кетган. У ҳам бўлса юқорироқда ёдга олинган «ихтилоф» масаласидир. Фақат бу ўринда янада аниқроқ ва лўндароқ акс этади. Мисол учун, Яздижирд бинни Баҳром ҳақидаги парчада¹⁸ унинг салтанат муддатини тарихчилар турлича беришлари айтилади: жумладан, Қазвений «Тарихи гузида»да 1 йил, Банокатий «Девонул-насад»да 10 йил, «Жомеъут-таворих»да 17 йил, Қози Байзовий «Низомут-таворих»да 18 йил. Навоий ана шуларни келтиради, лекин бу масалага ойдинлик киритмайди. Аксинча, «аҳли тарих» бу йилларни аниқлашда кўп ихтилофга борганлигини, бу эса фойдасизлигини билдиради.

Айтиш керакки, бу каби ўринларда Навоийнинг тарихга муносабатидаги принципиал ёндашуви маълум бўлади. У тарихий воқеа-ҳодисаларга мавҳум ва ихтилофли саналардан ҳам кўра уларнинг мөҳияти, шахсларга эса фаолият даражасига кўра баҳо беради. Зероки, «ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва холисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилик ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир»¹⁹. Айнан мана шу жиҳатлар Алишер Навоийнинг тарихни англаши, унда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни баҳолаши ва инсон омилини тарихий тараққиётда қай тарзда кўра билганлигини кўрсатади.

«Навоий тарихий темада асар ёзганда тарихни бузмасликни, уни қандай бўлса шундай тасвиrlашни, бунинг учун тарихий фактларни пухта ўрганишни талаб этар эди»²⁰. Худди шу талабга муаллифнинг ўзи ҳам ҳар икки тарихий асарида қатъий амал қилган. Негаки, Навоий учун тарихий ҳақиқат бевосита аниқ-конкрет давр кишилари ҳаёти

¹⁸ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. ... 238-б.

¹⁹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент: Маънавият, 2008. 17-б.

²⁰ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент: ЎзФАН, 1959. 163–164-б.

ва ҳаёт мантифидир. Тарихда эса мавхум ҳодиса ёки тушунча бўлмаслиги маълум. Тарих ҳам мантиқан, ҳам табиатан аниқлик орқали идрок этилади ва у аниқ воқелик натижасида ўз мазмуни, фалсафаси ёки бошқачароқ айтганда, ўз ҳукмини кўрсата олади. Навоийнинг ажам подшоҳлари тарихига доир асарида ҳам мана шу ҳақиқат ва мантиқнинг юксак даражада бажо келтирилганига гувоҳ бўламиз.

Фикримиз исботи учун яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Навоийнинг ушбу асари кейинги йилларда тарихий нуқтаи назардан яна да қизиқарли ва асосли тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, навоийшунос К. Эргашевнинг таъкидлашича, ««Тарихи мулуки ажам» асаридан қадимги Эроннинг қўшни давлатлар ва халқлар, энг аввало, ўша даврнинг буюк империялари бўлган Турк хоқонлиги ва Рим (Византия) билан муносабатлари ва алоқаларига доир маълумотлар ҳам ўрин олган»²¹.

Бу каби жиҳатлар эса мазкур асарнинг нафақат Эрон тарихида ўтган тўрт ҳукмдор сулола, балки умумшарқ тарихига оид яна бошқа турли масалаларни ёритиб беришга хизмат қила оладиган бирмунча маълумотларга бой манба эканлигини ҳам кўрсатади. Демак, Навоийнинг тарихга принципиал, илмий ва холисона ёндашуви натижасида юзага келган бу икки асар ўз қамровининг кенглиги, ёритидаётган масалаларнинг ранг-баранглиги, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг қизиқарли эканлиги билан бирга айни дамда ҳаққоний асосга эга эканлигини ҳам исбот этади.

Умумхулоса қилганда, ўзбек адабиётини янги ва юксак поғонага кўтарган Алишер Навоий тарихий мавзудаги асарлари билан ҳам ўз давридан бир қадар илгарилай олди. Унинг асарларидағи ижтимоий мазмундорлик айнан тарихий асарларида тарихга муносабатнинг акс этишида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Навоий ижодиётида биринчи ўринда турувчи инсон ва инсонийлик мавзуи тарихий планда, тарихий шахсларни тарихий жараёнда тасвиrlанишида ҳам сезиларли даражада акс этган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоийнинг тарихий асарларидағи реал шахслар тасвири достонлари ёки бошқа битикларидаги қаҳрамонлар тасвиридан фарқ қиласди. Улар янада аниқроқ, янада конкретроқ ва янада ҳаққонийроқ тасвир этилган. Лекин шу жиҳат ҳам борки, Навоийнинг бир қанча машхур образла-

²¹ Э р г а ш е в К. «Тарихи мулуки ажам»да давлатлараро муносабатлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, № 1. 25-б.

ри (Фарҳод, Қайс-Мажнун, Баҳром, Искандар каби) реал тарихий прототипга эга қаҳрамонлардир²².

Навоий ҳар бир асарини аниқ бир мақсад билан яратар экан, унинг тарихий асарлари ҳам ўз даври ва келгуси авлодга тарихни қандай тушуниш ва англаш кераклигини, тарих воқеа-ҳодисасига, тарихий шахсларга нисбатан қарашларини, изчил ва принципиал муносабатини, илмий ва бадиий жиҳатдан асосли заминга эга кузатишларини тақдим этган. Гарчанд у, ўзидан аввал ўтган тарихчилар каби, тарихни асосан шахсларга боғлаб тушунтиришда давом этган бўлса-да, лекин ёзиш ва баён қилиш услуби, тарихий асарга ёндашувда тамоман мустақил йўл тутган муаррихдир. Улуг Навоий диний-фалсафий заминга эга «Тарихи анбиё ва ҳукамо», ижтимоий-сиёсий мазмунга эга «Тарихи мулуки ажам» асарлари орқали «ҳеч нарса айтмай кўп нарса айта олиш маҳорати»²³ билан ўзбек тилида тарихий асар ёзишнинг янги бир услубини ярата олди. Унга қадар ўзбек тилида шу типда ва айнан шу таҳлит асар яратилганлиги ҳануз маълум эмас. Навоий, юқорироқда таъкидланганлардан ташқари, айнан шу жиҳатлари билан ҳам оригинал тарихчи сифатида баҳоланишга муносабидир. Негаки, Навоий тарихий асарлари билан ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўз давридаги ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга боғлаб ёрита олган ва бу жиҳатни юксак бадиий маҳорат орқали ифодалай билган улкан ижодкордир.

²² Бу ҳақда қаранг: Крачковский И. Ю. Ранняя история о Меджнуне и Лейле в арабской литературе / В книге: Алишер Навои. Сборник статей ... 31–67-б.; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. ... 235–323 б.; Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин» и ва унинг қиёсий таҳлили. Тошкент: Фан, 1971; Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; ва бошқ.

²³ Эргашев Қ. Ўзбек насида иншо. ... 89-б.

O. ЖҮРАБОЕВ

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ ТАФАККУРИ

Мақолада Алишер Навоийнинг тарих илми ва тарихий асарлар ёзишга нисбатан муносабати бир неча факт ва далиллар ёрдамида очиб берилган. Навоий ўзигача бўлган Шарқ тарихчилиги анъаналарини мунособ ўзлаштиргани ва бу анъанага ўзига хос принципиал ёндашиб тарихий асарлар яратгани ҳақида сўзлади. Шунингдек, Навоий таклифи, фояси ва ҳомийлиги остида Мирхонд ва Хондамир муҳим тарихий асарлар яратганлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: Алишер Навоий, тарих, шарқ тарихчилиги, «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки ажам», «Зубдатут-таворих», принцип, услугб, илмий холислик, тарихни ёритиш.

O. ДЖУРАБОЕВ

ИСТОРИЧЕСКИЕ ВОЗЗРЕНИЯ АЛИШЕРА НАВОИ

В статье рассматривается отношение Алишера Навои к историческому знанию и написанию исторических произведений. Эти вопросы освещаются на основе изучения творчества Навои, хорошо освоившего все основы традиции Восточной историографии, следуя принципам которой им был создан ряд блестящих исторических произведений.

O. JURABOEV

HISTORICAL VIEWS OF ALISHER NAVOI

The article reviews Alisher Navoi's thought on history and writing historical works. These issues presented on Navoi's oeuvres who have learned basics of Eastern historiography's tradition. Oriented by these principles he created a number of brilliant historical works.

Н. КАРИМОВ

**«АДАБИЁТ – БУ ҲАМИША ТАРИХ.
ТАРИХ – ҲАМИША АДАБИЁТ».
ОЙБЕКНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРАШЛАРИ.**

Жаҳон адабиётининг қайси бир йирик намояндаси ижодига назар ташламанг, унинг аксар асарлари тарихий ўтмиш материаллари асосида яратилганига, шу асарларни рўёбга келтириш учун кўплаб тарихий манбалар билан танишиб, танланган тарихий давр ва тарихий шахсни *тарихчи адаб* сифатида мукаммал ўрганганига амин бўла-сиз. Биргина «Ҳамлет»нинг ижодий тарихи билан қизиқсан киши Шекспирнинг қанчадан-қанча манбалардан фойдаланган ҳолда тра-гедиянинг бадиий курилмасини ишлаб чиққани ва қаҳрамонлар об-разини талқин этишда мумкин қадар тарихий ҳақиқатдан узоқлаш-маслика интилганини сезади.

Ўзбек адабиётида тарихий роман жанри пайдо бўлганидан бери ўзбек ёзувчилари ҳам шу ижодий таомилга тўла амал қилиб келмоқ-далар. «Ўтган кунлар» романидаги асосий қаҳрамонлар тарихига бағишлиланган ўндан зиёд қўлёзма манбаларни ўрганиб чиққан; Кўқон ва Марғilonга бир неча марта ижодий сафар билан бориб, Отабек «тушган» карвонсаройни, Кумуш ва бошқа марғилонлик персонаж-лар «яшаган» уй-жойлар ва кўча-кўйларни ўз кўзи билан кўрган. У шундай изланишлар ва мушоҳадалар натижасида «Ўтган кунлар»дек баркамол романни яратганки, бу асарни ўқиган китобхон унда тас-виirlangan қаҳрамонларни реал тарихий шахслар, унда тасвиirlangan воқеаларни эса реал тарихий воқеалар сифатида қабул қилиб, роман-ни кўзга суртиб ўқиди, ҳозир ҳам севиб ўқиб келмоқда.

Ойбек тарихнавис адаб сифатида, А. Қодирийдан фарқли ўлароқ, «Маҳмуд Торобий» либреттоси, «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романла-рида тасвиirlangan тарихий давр ва тарихий шахсларни мўътабар ман-балар асосида чуқур ўрганибгина қолмай, тарихий роман жанрининг назарий асослари билан бирга буюк рус ва жаҳон тарихнавис ёзувчи-ларининг ижодий тажрибалари билан ҳам яқиндан танишди. Шу маъ-нода Ойбекда ўзбек романчилик мактабининг А. Қодирий бошлаб бер-ган анъаналарини жаҳон тарихнавис ёзувчilarinинг ижодий тажри-балари билан бойитиш имконияти бўлди.

XX аср ўзбек адабиётида кўзга ташланган ана шу жараён янги типдаги тарихчи-ёзувчилар авлодининг майдонга келишига шартшароитлар яратди. А. Қодирий, С. Айний ва Ойбекдан кейин ва улар шарофати билан М. Шайхзода, М. Осим, О. Ёқубов, П. Қодиров каби тарихчи-ёзувчиларнинг икки авлоди етишиб чиқди.

* * *

Ойбек «Дружба народов» журнали мухбири, шоир ва таржимон А.Наумовнинг тарих ва адабиётнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги саволига жавоб бериб, бундай деган:

«Литература — всегда история. История — всегда литература.

По-видимому, в этих утверждениях нет ничего нового. Общеизвестно, что самый сухой и точный летописец в какой-то мере сочиняет события и людей: он неизбежно пропускает их через себя, прежде чем занести на бумагу, пергамент или глиняные таблички. И, с другой стороны, о какой бы животрепещущей современности ни говорил роман или каким бы «частным» переживаниям личности ни был посвящен — в той степени, в какой он сообщает человеческий опыт, он неизбежно служит историческим свидетельством. Таковым он является прежде всего для современников — не говоря уже о потомках. В конце концов, летописи начинаются с дневников, и, если разобраться, между ними нет принципиальной разницы. К тому же время идет быстро, особенно в наши дни ... И книги, скажем, тридцатых годов, посвященные временам нашего детства и юности и полные для нас жгучей злободневности, сегодня воспринимаются молодежью уже как исторические романы...»¹.

Кўрамизки, Ойбек адабиёт ва тарих масалаларига ёндашганда, энг аввало солнномачининг ҳозирда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни тарих саҳифаларига муҳрлашдан аввал уларни ўз қалбидан ўтказишига эътибор қаратмоқда. Ойбекнинг шу сўзларида тилга олинган солнномачи вазифасини Шарқда сарой котибларини инобатга олмаганда, асосан тарихчи, шоир ва ёзувчилар бажариб, ўзлари шоҳид

¹ Ойбек. История, современность. / Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами, XIX том. Рус тилида ёзилган публицистик ва адабий-танқидий мақолалар. Тошкент: Фан, 1982. Б. 278. Ушбу сұхбат матни ўз вақтида ўзбек тилига таржима қилиниб, «Ўзбекистон маданияти» газетаси ва Ойбек МАТИнинг XIV томида босилган. Аммо Ойбекнинг тарих ва адабиёт муносабатларига доир фикрларий таржимада тўғри ва аниқ ифодасини топмагани учун иқтибосларни русча матнда олишга мажбур бўлдик.

бўлган воқеаларни шу воқеага ва шу воқеадаги қатнашган кишиларга бўлган муносабатларидан келиб чиқсан ҳолда тарихий, мемуар ва бадиий асарларида талқин этишган. Шунинг учун ҳам ёзувчи тарихий мавзуда асар ёзиш жараёнида манбалардаги ана шу субъектив ҳолатнинг мавжудлигини, албатта, назарда тутиши, муайян шахс ва муайян воқеанинг турли манбалардаги турлича талқинини қиёсий ўрганиб, шу воқеа ёки шахс ҳақидаги тарихий маълумотларни «объективлаштириши» зарур бўлади. Аммо бу «объективлаштириш» жараёнига ҳам таъсир кўрсатувчи омиллар йўқ эмас. Булар: ёзувчининг ижодий жараён пайтидаги тафаккури, ижтимоий, иқтисодий ва руҳий-психологик ҳолати, у яшаган ёки яшаётган даврдаги ҳукмрон мафкуранинг мавқеи.

«Кутлуг қон» романи ёзилган 1938 йил охири — 1939 йил бошларида ҳали 1937 йилнинг қонли бўрони сўнмаган, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Тил ва адабиёт институтидан ҳайдалиб, оиласининг моддий эҳтиёжларини рафиқасининг маоши ва ўзининг «қора» меҳнати билан таъминлаган Ойбек эндинига Ўқув-педагогика нашриётига таржимон бўлиб ишга кирган кезлар эди. У ана шундай мураккаб тарихий даврда «Кутлуг қон» романини ёзишга киришди. Адиб 1916 йил қўзғолонининг совет тарихчилари томонидан ҳам, ҳукмрон мафкура томонидан ҳам миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин этиб келинаётганидан усталик билан фойдаланди. «Кутлуг қон» гарчанд 1916 йил Тошкент қўзғолони тасвири билан тугалланган бўлса-да, Ойбекнинг диққат марказида Ўрта Осиёning, бир томондан, рус мустамлакачилари томонидан забт этилиши, иккинчи томондан, ўлка-га янги иқтисодий муносабатларнинг, жумладан, темир йўл ва савдо капиталининг кириб келиши натижасида XX асрнинг 10-йилларига келиб ўзбек халқининг, айниқса, қишлоқ аҳлининг қашшоқланиши, ўзаро қондош-қариндошлик ришталари билан боғланган кишиларнинг жамиятнинг икки қарама-қарши қутбларига ажralиб чиқиши масаласи турди. Ўлка ҳаётида бошланган ана шу синфий зиддият пировардида чақмоқ янглиғ чақнаб, катта бир ёнфинни чиқариши ёки бошқа бир баҳона билан бошланган ёнфинга уланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Ойбек «Кутлуг қон» романида Биринчи жаҳон уруши арафасидаги Туркистон жамияти анатомиясини тарихчи олим ва ёзувчи сифатида чуқур бадиий таҳлил ва талқин этишга муваффақ бўлди.

Афсуски, романнинг кўлёзма нусхаси тўла сақланмаган. Биз ёзувчининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 1939—1941 йилларда бўлиб

ўтган икки муҳокамадан кейин асарга қандай таҳрир ва тузатишлар киритганини аниқ билмаймиз. Аммо шу нарса маълумки, бу ҳар икки муҳокамада танқидчиларнинг асосий эътибори икки масалага қаратилди. Плетнёв сингари нотиқлар романда, биринчидан, ўзбек халқи миллий онгининг ўсишида рус пролетариатининг «тарихий роли» ёритилмагани, иккинчидан, Мирзакарим образида ўзбек меҳнаткашларини эзib келган маҳаллий бойларнинг «реакцион моҳияти» тўла очиб берилмаганини кескин танқид қилдилар ва шу икки сиёсий хатони бартараф этмай туриб, «Қутлуғ қон» романини чоп этиш мумкин эмас, деган қарорга келдилар. Ойбек романга Петровнинг эпизодик образини киритиш ва Мирзакаримбой образидаги салбий жиҳатларни бир оз қуюқлаштиришга мажбур бўлди.

Тарихий давр ва унинг мафкураси Биринчи жаҳон уруши арафасидаги ўзбек халқи ҳаётини тасвирилашга бағишлиланган асарга — тарихий даврнинг Ойбек онги ва қалбida тўпланган, сараланган манзураси талқинига шу тарзда таъсир кўрсатди. Кўрамизки, икки реал олам — тарих ва адабиёт, адабиёт ва тарих ўртасидаги муносабатнинг реаллашишида ҳам ҳукмрон мафкура иштирок этмай қолмайди; у ҳатто солномачининг ҳам ич-ичига кириб олади.

Биз юқорида Ойбекнинг тарих ва адабиётнинг ўзаро алоқасига доир бир фикрига тўхтала бошлаган эдик. Бу, рўй берган воқеалар ва шу воқеаларда қатнашган кишиларнинг солномачи қалбидан, онгидан, нигоҳидан ўтган ҳолда тарих саҳифаларига муҳрланиши масаласидир.

Шуни айтиш керакки, XX асрга келиб, газеталар, журналларнинг вилоят мухбирлари, ёзувчилар ўзига хос солномачиларга айландилар.

Совет ёзувчиларининг I съезди (1934)дан кейин Ойбек йирик асар ёзиш ниятида Андижон вилоятининг Асака шаҳри (тумани) га ижодий сафар қилган. У сафар хотираларини 1935 йил 10 июлда, кундалик тарзида, ёза бошлаган. 10 кун давом этган ва 3 та дафтардан иборат бу кундаликлар билан танишган киши адибни Ўзбекистонда жамоа хўжаликларининг шаклланиши мавзууда асар ёзмоқчи бўлган, деб ўйлаши муқаррар. Биз ҳам шундай фикрдан йироқ эмасмиз. Лекин Ойбек шу сафар натижасида фақат «Деҳқон» шеърлар туркумини ёзиш билангина кифояланди. У шу йилларда йирик насрий асар ёзишга тайёр бўлмаганми ёки ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ва кишилардан қисса ёки роман ёзишга арзирли материал олмаганми — бу бизга қоронги. Лекин кундаликлардан маълум бўлишича, у ким билан учрашиб сух-

батлашган ёки уни ким билан учраштириб сұхбатлаштиришган бўлишса, респондентларнинг барчаси куни-кеча бу дунёning энг фақир фуқароларидан бўлиб, жамоалаштириш давридагина пешонасига офтоб теккан кишилар бўлиб чиқади.

Мана, 1-дафтарнинг 1-саҳифасида номи тилга олинган Абдулла жон Хонтўраев. (Дарвоҷе, у Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтўраевнинг амакиси.) Ойбек бошқа бригадаларни гектаридан 40 центрердан пахта беришга чақирган бу илгор бригадир ҳақида қуйидаги маълумотни беради:

«Колхозга қадар ҳаёти: бир эски сандик, бир эски намат. Хотин олади. Колхозга биринчи кирганлардан. Байроқ кўтариб, колхозга халқни жалб қиласди. Баъзи одамлар: «Ҳап, саними!» дейди. Самоворларда у ҳам колхозга халқни ташвиқ қилган. Ўн олти киши эканлар, бошда. «Илгари овқат топиш учун ҳар доим тинимсиз ҳаракат қиласди эдим», — дейди. Бойда ишлар экан. «Ўзимнинг қорним тўймаган, ота-бобом ҳам қорин қайғусида ишлаган. Бой илгари иш вақтида оз-моз овқат берар, кейин, кузда қиммат нарх билан оқчасини оларди». «Ўтган кунингни унутма ҳам чоригингни қуритма», — дейди Абдулла ака. «Колхозга бир қайроқ, бир эски кетмон билан кирдим», — дейди. (Токчадан бир қайроқни олиб кўрсатади. Куламиз.) Ҳозир тўқ, бадавлат колхозчи. Яхши, наслдор сигири бор, бузоги бор. «Минглаб ақчам, қирқ-эллик пуд ғаллам бор, — дейди. — Илгари қозоним ҳам йўқ эди». Ҳозир қозонни тўртта қилган. (Радио, электр чироқ.) Турмушни яна яхшиламоқчи. «Уй-жой соламан», — дейди...»².

Кундалиқда исм-шарифлари тилга олинган жамоа хўжаликларининг барча аъзолари адигба худди шунга ўхшаш маълумотларни беришган. Бу кишилар орасида жамоа хўжалигига қарши курашганлар ёки жамоа хўжалигига киришда иккиланганлар мутлақо йўқ. Балки Асака шаҳри (тумани) раҳбариятидан Ойбекка бириктирилган кимса унинг шундай кишилар билан учрашишига имкон бермагандир. Ҳолбуки, шу йилларда нодон агроном, тракторчи ёки пахта пункти мудирининг айби билан жамоа хўжаликлари катта моддий-техник зарар кўраётган ва булар ҳаммаси собиқ «қулоқлар» устига ағдарилаётган эди. Ойбекнинг шундай воқеаларни эшитмаган ва шу ҳақдаги ҳақиқатни билишни истамаган бўлиши асло мумкин эмас. У, бизнингча, шу

² О й б е к. Муқаммал асарлар тўплами, XII том. Ҳикоялар, очерклар, кундаликлар, мақолалар... Тошкент: Фан, 1978. 139-б.

борадаги гапларни эшитган бўлса-да, уларни кундаликлариға онгли равиша ёзмаган ва фақат хотирасида олиб қолган бўлиши мумкин.

Биз айтмоқчи бўлган гап шуки, Ойбек 30-йиллардаёқ «оғзаки тарих» билан фаол қизиққан. У ўзини ҳаяжонлантирган воқеаларни — қишлоқ ҳаётида кечётган ўзгаришларни шу воқеаларнинг бевосита иштирокчилари оғзидан эшитишни истаган. Асака аҳлининг жамоа хўжаликларини шакллантириши, экинзор ерларни кенгайтириб, давлатга тонналааб пахта бериши ва шу жараёнда ўз ҳаётининг яхшила-наётгани ёки ёмонланаётгани ҳақидаги фикрлари, маълумотлари, фактлари ҳозир тарих фанининг таркибий қисмига айланган «оғзаки тарих»нинг Ойбек ташаббуси билан тўплана бошлаган дастлабки са-ҳифаларидир. Ойбек кундаликларидан ўрин олган хотиralар гарчанд бир томонлама бўлса-да, айтувчининг қалби, онги, нигоҳи ва сиё-сатлана бошлаётган даврнинг назаридан ўтган бўлса-да, «тарих гу-воҳликлари»дир.

Ойбек қарийб ҳар бир йирик насрини яратишдан аввал шундай ижодий сафарларда бўлиб, ёзилажак асарлари учун «оғзаки тарих» воситасида маълумотлар тўплаб, тасвир этилажак воқеликни пухта ўрганди. Шу маънода унинг 1942 йил 6 декабрь воқеалари билан бошланиб, 1943 йил 5 февраль воқеалари билан тугаган, Иккинчи жаҳон урушининг олдинги мэрраларида жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг «Фронт бўйлаб» кундалигига ўз тасвирини топган жанговар ҳаёти «Қуёш қораймас» романининг майдонга келишида пойdevor бўлиб хизмат қилди. 1949 йил 12–23 ноябрь кунларига оид «Покистон йўлида» номли кундаликларида тасвир этилган кишилар ва воқеалар эса «Нур қидириб» қиссасига ўсиб-униб чиқди.

Ҳозир биз бу кундаликларни варақлар эканмиз, Ойбекнинг рес-пондентлар билан «оғзаки тарих»талаблари асосида суҳбатлашиб, улардан муайян даврнинг ижтимоий, иқтисодий, майший ва маданий ҳаёти учун муҳим маълумотларни олгани, уларнинг муайян тарихий шароит ва муҳитдаги мавқеи, ҳаёти, ҳолати, инсоний савиясини ўрганганини, бинобарин, улар ҳаёти Ойбек учун муайян тарихий даврнинг шаҳодатномаси бўлиб хизмат қилганини кўрамиз. Фаройиб томони шундаки, Ойбек Асакадан, фронтдан, Покистондан қайтиб келган кунлардаёқ у кўрган, унинг кундаликларида муҳрланган воқеалар тарих мулкига, тарих гувоҳликларига айланиб ултурган эди. Шу маънода адабиёт Ойбек учун тарих, тарих эса адабиёт бўлган.

Ойбек адабиёт ва тарихни ижодий жараёнда ўзаро бирлашиб, бирбирини тўлдирадиган ва бойитадиган хилқатлар деб тушунади. «При всем при том, — деган эди у А. Наумов билан сухбатда, — что есть в них общего, литература и история — вещи разные. И я не собираюсь доказывать, что между литературой, которая обращается к далекому прошлому, и той, которая рассказывает о современной жизни, нет никаких существенных различий. Напротив, это отличные друг от друга области творчества — и по своему материалу, и подчас по своим изобразительным средствам. Но разницу замечают все. О сходстве многие стараются забыть. Иначе откуда бы взялись произведения, в которых показ человека приносится в жертву, не говорю уже — внешнему развитию событий, но просто внешнему реквизиту изображаемой эпохи?»³.

Ойбек бу сўzlари билан инсон замонавий романда ҳам, тарихий романда ҳам воқеалар гирдобида йўқолиб кетмаслиги, инсон образи ҳар қандай бадиий асарнинг марказида туриши лозимлигини айтмоқчи бўлади. У давом этиб, дейди: «Некогда один археолог замыслил изложить накопившиеся у него сведения о древнем мире в форме связного повествования; у него вышел неплохой роман. С иными историческими писателями происходит обратное: они замышляют написать роман, а получается у них свод сведений об эпохе, да и то, как правило, мало достоверный; историческая правда и правда художественная не могут жить в романе друг без друга...»⁴.

Тарихий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат ўзаро уйғунлашган, тўлақонли тарихий романнинг майдонга келиши икки муҳим омилга боғлиқ. Биринчидан, ёзувчи тасвирланажак тарихий давр ва тарихий шахсни мўътабар манбалар асосида ўрганиб, шу давр ва шу шахс ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилган, иккинчидан, бадиий маҳорат «сир»ларини мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Шу икки омилдан ташқари, муаллифнинг шахсий мушоҳадалари ҳам тарихий романнинг ишонарли-ҳаққоний чиқишига ёрдам беради.

Шу ерда бир масалага тўхтаб ўтишни хоҳлардим. Ойбек гарчанд «Қутлуғ қон» романнда болалик хотираларидан унумли фойдаланган бўлса-да, академик М. Кўшжонов сингари айrim адабиётшунослар айтиб ва ёзиб келганларидек, бирорта реал шахсни романга адабий қаҳрамон мақомида олиб кирмаган. «Почти все события романа, —

³ Ойбек Мукаммал асарлар тўплами. XIX том. Тошкент: Фан, 1982. 279–280-б.

⁴ Кўрсатилган манба. 280-б.

деган у ўша сұхбатда, — и все действующие лица мною выдуманы. Ни Мирзакаримбай со своей многочисленной родней, ни Юлчи со своими друзьями, ни семья Гульнар не похожи на кого-либо, виденного мною в жизни. И, однако, все они родом из махалли моего детства. Ибо выдуманы они лишь постольку, поскольку писатель вообще выдумывает: ведь наше воображение — из той же колоды карт, что и наша память»⁵.

Адибнинг бу сўзларидан равшан бўладики, тарихий асарда тарихий давр колоритини бериш ва тарихий шахслар образини яратишда ёзувчи ўзининг ҳаётий мушоҳадалари ва тажрибаларидан муайян меъёрда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Лекин тарихий роман учун асосий нарса шуки, бу жанрга қўл урган ёзувчи тасвириланажак тарихий давр ва тарихий шахс ҳаётини барча нозик қирралари, майда-чуйда томонлари билан ўргангандан бўлиши ва ўзини ҳам шу даврда, шу қаҳрамон билан ёнма-ён ҳис эта билиши лозим. Ойбек бутун ижодий ҳаёти давомида жанрнинг шу талаб ва шартларига тўла риоя қилибгина қолмай, ўзи ҳам шу талаб ва шартларни ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди.

Адибнинг 20 жилдлик МАТИ билан танишган киши унинг Ўрта Осиё халқларининг милоддан илгариги даврлардан бошлаб 1917 йилгача бўлган тарихини мукаммал ўрганишга, шу даврда тарих саҳнасига чиққан сулолалар, давлатлар, тарихий шахслар, рўй берган босқинлар, урушлар, кўзголонлар, яратилган тарихий-маданий ва адабий обидалар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишга интилганини сезмай қолмайди. Ойбек шу қадар кенг ва бой билимга эга бўлганки, Алишер Навоийга бағищланган романидан сўнг, шу илмий-тарихий базага таянган ҳолда 60-йиллардаги «илиқлик» пайтида ҳатто Амир Темур ва Бобур ҳақида ҳам романлар ёзишга чоғланган. Афсуски, сиҳат-саломатлик унга бу сиймолар ҳақидаги икки достоннинг дастлабки саҳифаларинигина ёзиш имконини берди, холос.

⁵ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XIX том. Тошкент: Фан, 1982. 281-6.

N. KARIMOV

**«АДАБИЁТ – БУ ҲАМИША ТАРИХ.
ТАРИХ – ҲАМИША АДАБИЁТ».
ОЙБЕКНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРАШЛАРИ.**

Мақолада Ойбекнинг тарихнавис адиб сифатида тарихий роман жанри ривожига кўшган ҳиссаси ёритилган. Тарихий жараёнларнинг адабий талқинини тақдим этишида адиб маҳорати, ёндашувлари таҳлил қилинган. Адибнинг асарларини яратишида «оғзаки тарих» усулини қўллагани, бу орқали олинган маълумотлар тарихий даврнинг шаҳодати бўлиб муҳрлангани, шу маънода адабиёт Ойбек учун тарих, тарих эса адабиёт мазмунига эгалиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: тарихий роман, А. Қодирий, солномачи, ижодий жараён, «Қутлуғ қон», Тошкент қўзғолони, Мирзакаримбой, тарих ва адабиёт, ёзувчилар, «Деҳқон», жамоалаштириш, «оғзаки тарих», «Қуёш қораймас», «Покистон йўлида», «Нур қидириб».

N. KARIMOV

**«ЛИТЕРАТУРА – ВСЕГДА ИСТОРИЯ.
ИСТОРИЯ – ВСЕГДА ЛИТЕРАТУРА».
ИСТОРИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЙБЕКА.**

В статье рассматривается творчество Айбека как автора романов исторического жанра. Анализируются подходы Айбека по вопросам литературы и истории в создании исторических романов, придерживаясь выработанного им самим принципа: «Литература всегда история, история — всегда литература».

N. KARIMOV

**OYBEK'S HISTORICAL VIEWS:
«LITERATURE – IS ALWAYS HISTORY.
HISTORY – IS ALWAYS LITERATURE»**

The article takes into consideration Oybek's writer background as an author of historical novels. It has been analyzed Oybek's approaches on literature and history in creation of historical novels, adhering himself to the principle he elaborated: «Literature – is always history, history – is always literature».

ТАРИХШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ф. ШАМУКАРАМОВА

ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ОХРАНЫ И РЕСТАВРАЦИИ ПАМЯТНИКОВ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА В 1917–1924-е ГОДЫ

Наглядным свидетельством многовековой и богатой истории Узбекистана являются архитектурные памятники, особенно монументальные сооружения Бухары, Самарканда, Хивы, Ташкента, Шахрисабза, возведенные искусными мастерами-усто в разные периоды исторической эволюции региона. Между тем отношение к ним в период функционирования той или иной государственной системы было неоднозначным. Цель нашей статьи – проследить, как институционально зарождались истоки организации сохранения материальной культуры Среднеазиатского региона, так как изучение существующего материала выявило постоянные противоречия в реализации государственных декретов на практике, что мешало решению давно назревшей проблемы.

В ЦГА Республики Узбекистан и научно-исторической литературе отражены все нормативные документы и мероприятия по первоначальному изучению, регистрации, ремонту и сохранению культурных и археологических памятников Центральноазиатского региона в 1917–1924-е годы. За этот период был осуществлен определенный объем научно-исследовательской и практической работы по изучению культурного наследия народов Туркестана. Однако первые шаги по решению этой проблемы были предприняты в колониальный период. Русская интеллигенция Туркестана до образования Туркестанского кружка любителей археологии (ТКЛА) и Туркестанского отделения Русского Географического общества (ТОРГО) и во время их деятельности периодически вступала в контакт с царской администрацией, чтобы добиться финансовых ассигнований для ремонта и охраны тех или иных архитектурных памятников региона¹.

¹ Ставиский Б. Я., Жукова Н. Н. Первые шаги государственной системы охраны и реставрации памятников Средней Азии // Журнал «Искусство». 1981. № 4. С. 53; Ставиский Б. Я. Роль Российской науки в изучении и сохранении культурного наследия народов Средней Азии // Археологические известия и заметки древности. Труды, издаваемые Российским археологическим обществом. Вып. 18. М., 1996. С. 42–45.

Между тем определенные мероприятия по охране, реставрации и сохранению памятников культуры региона начали проводиться в первые годы советской власти, когда данный вопрос был поднят на государственный уровень, так как выражал политику власти по «сохранению культурного наследия». Об этой стороне вопроса, выражая свое мнение по поводу спасения одного из минаретов самаркандского медресе Мирзо Улугбека, В.В. Бартольд совершенно справедливо писал: «Вопросу об исправлении или восстановлении падающего минарета придавалось комиссией не только научно-техническое и художественное значение; очевидно, надеялись дать удовлетворение национальному чувству туземцев и поднять в их глазах престиж современной власти»².

Подобной точки зрения относительно стратегии властей придерживались Б.Я. Ставиский и Н.Н. Жукова³. В частности, авторы указывали на высказывание В.И. Ленина о том, что бережное отношение к художественному наследию Средней Азии будет иметь большое политическое значение в укреплении советской власти в Туркестане. И политика советской власти, и решение проблемы были отражены в позиции руководителей Наркомпроса РСФСР, когда ими подписывался мандат сотрудникам научной экспедиции «для предварительного обследования памятников архитектуры Туркестана, обмеров, фотографирования, зарисовки, а также организации ремонтно-реставрационных работ, как мер предохранения памятников от разрушения»⁴.

Наглядной демонстрацией этой политики было объявление Декрета РСФСР «О регистрации, приеме на учет и охранении памятников искусства и старины, находящихся во владении частных лиц, обществ и учреждений» № 200 (484) от 10 октября 1918 г., подписанного Народным Комиссаром по просвещению А. В. Луначарским и Управляющим делами Совета Народных Комиссаров Бонч-Бруевичем в целях сохранения культурного наследия России. Кроме того, был издан и ряд других декретов, касающихся этой проблемы⁵.

² Бартольд В. В. Отчет о командировке в Туркестан / Сочинения. М.: Наука, 1966. Т. IV. С. 246.

³ Стависский Б. Я., Жукова Н. Н. Проблемы сохранения памятников культуры и искусства в Советских республиках Средней Азии (1917–1941 гг.) // Консервация и реставрация музеиных художественных ценностей. Обзорная информация. Вып. I. М., 1989. С. 7–8.

⁴ Там же. С. 8.

⁵ Там же.

По этому же образцу были изданы декреты в Туркестанской АССР. В частности, 31 января 1920 г. за № 191 был издан Декрет ЦИК Туркестанской Республики, в котором на созданное ранее Центральное управление архивными делами при комиссии ВЦИК (Цуардел) с центром в Ташкенте возлагалась функция охраны всех исторических памятников науки и искусства Туркестана⁶. 31 июля 1921 г. были изданы еще три постановления СНК Туркестанской Республики:

- 1) «О воспрещении производства археологических раскопок на территории Туркестанской Республики без разрешения Туркомстариса» № 173, г. Ташкент⁷;
- 2) «О запрещении вывоза за границу предметов искусства старины и научных коллекций» № 177, г. Ташкент⁸;
- 3) «О регистрации, приеме на учет и охранении памятников искусства и старины, находящихся во владении частных лиц, Обществ Туркестанской Республики» № 178, г. Ташкент⁹.

Ответственность за организацию работы Комиссия ВЦИК и СНК РСФСР по делам Туркестана в составе Ш.З. Элиавы, Я.Э. Рудзутака, В.В. Куйбышева и М.В. Фрунзе¹⁰ возложила на Главного управляющего Цуардел Д.И. Нечкина, который активно работал не только в направлении государственной охраны архивов, но и памятников старины и искусства Туркестана. Беспокоясь о состоянии дел в области сохранения памятников культуры Туркестанского региона, он констатировал: «Обилие остатков старых культур в виде разного рода сооружений и предметов старины и искусства делает из Средней Азии один сплошной «музей». К сожалению, все эти сокровища древней культуры не только не изучены, но в большей своей части даже не имеют простого обследования и предоставленные сами себе или гиб-

⁶ Умняков И. И. Охрана памятников старины и искусства в советском законодательстве Средней Азии // Известия Средазкомстариса. Вып. 1. Ташкент, 1926. С. 46.

⁷ ЦГА РУз, ф. Р-394, оп. 1, д. 5, л. 4.

⁸ Там же, л. 7.

⁹ Там же, л. 13–13 об.

¹⁰ Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса. Вып. 1. Ташкент, 1926. С. 4. В статье Б.В. Лунина Комиссия ВЦИК и СНК РСФСР по делам Туркестана состояла из Ш.З. Элиавы, П.А. Кобозева, Я.Э. Рудзутака, Т. Рыскулова (Лунин Б.В. Из истории изучения памятников старины и искусства Средней Азии (Туркомстарис, Средазкомстарис, Узкомстарис) // ОНУ. 1990. № 3. С. 37).

нут под действием времени и стихии, или расхищаются, разрушаются людьми»¹¹.

Задачи, возложенные на созданный Комитет, получивший название «Туркестанский комитет по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы» (Туркомстарис) и вошедший как подотдел Главмузея НКП РСФСР¹², заключались в организации работ по охране древних сооружений мусульманского зодчества, производству археологических изысканий, сбору для исследований всевозможного научного, литературного и художественного материала. В связи с этим в ведение Комитета были переданы ТКЛА и ТОРГО¹³. Туркомстарису вменялась роль такого государственного учреждения в Туркестане, которое должно было не только сберечь и сохранить памятники прошлого и природы региона, но и показать и рассказать всему населению об их значении и роли в так называемой «новой культуре». Естественно, это был большой шаг, способствовавший поднятию престижа новой советской власти и имевший и практическое значение.

Однако в городе Самарканде работы по предотвращению разрушения архитектурных памятников стали осуществляться еще до издания официальных государственных документов. Как известно, в 1918 г. возникла реальная угроза падения северо-восточного минарета Самаркандинского медресе Мирзо Улугбека. В связи с этим как «скорая помощь» Самаркандинским отделением Цуарделя¹⁴ была создана специальная комиссия в составе В.Л. Вяткина, М.Ф. Мауэра и Б. Н. Кастьльского, которые считали охрану и изучение памятников архитектуры и культуры Средней Азии своим делом жизни. Данная комиссия начала срочную и кропотливую работу по временному укреплению и спасению минарета¹⁵. Комиссия продолжила работу под эгидой Самкомстариса, образованного 12 января 1921 г. под председательством В.Л. Вяткина.

¹¹ Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии ... С. 6.

¹² Ставиский Б. Я., Жукова Н. Н. Проблемы сохранения памятников культуры и искусства в Советских республиках Средней Азии (1917–1941 гг.) ... С. 10.

¹³ Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии ... С. 6.

¹⁴ В состав Самаркандинского отделения Цуарделя входили: В. Л. Вяткин (председатель), Б. Н. Кастьльский (заведующий техническо-строительной секцией), М. Ф. Мауэр, М. Е. Массон (заведующий археологической секцией), Д. К. Степанов (заведующий художественной секцией), группа художников и М. В. Столяров (реставратор).

¹⁵ Массон М.Е. Регистан и его минарет. Ташкент: Узгиз, 1926. № 2. С. 29; изд. 2-е. Самарканд, 1929. С. 29; Его же. Падающий минарет. Ташкент, 1968. 44 с.

Разработка и осуществление мер по спасению минарета продолжались более 10 лет, так как благополучный исход дела зависел от финансовой поддержки со стороны Центра, и были успешно завершены в 1932 г.¹⁶

Еще с середины 1920 г. в Самарканде, где наибольшая концентрация архитектурных памятников, функционировала Комиссия по охране памятников старины и искусства — Самкомстарис. Учитывая историческое значение самаркандских памятников, СНК Туркестанской Республики издал специальное постановление «О ремонте и реставрации исторических памятников мусульманского зодчества в городе Самарканде» от 26 июня 1921 г. за № 151, где отмечалось: «Ввиду важного научного значения единственных в мире памятников древнего мусульманского зодчества, находящихся на территории Туркестанской Республики и, главным образом, в г. Самарканде, пришедших в состояние крайнего разрушения и требующих поэтому принятия срочных мер по их охране, ремонту и реставрации, Совет Народных Комиссаров Туркестанской Республики постановил:

1. Все работы, производимые Комитетом по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы (Туркомстарис), в отношении памятников мусульманского зодчества, находившихся в катастрофическом состоянии, все работы Самаркандской комиссии по выполнению поставленных ей задачий признать внеочередными и сверхударными;

2. Обязать все учреждения Туркестанской Республики оказывать упомянутым Комитету и Комиссии полное содействие и выполнять их требования»¹⁷.

Однако здесь следует указать на постоянные противоречия между объявленными декретами государственной власти и их исполнением. Наглядным свидетельством этого могут служить письма председателя Туркомстариса Д. Нечкина, адресованные высшим должностным лицам Центра. В частности, чтобы добиться финансовой помощи из Москвы, 3 сентября 1922 г. председатель Туркомстариса Д. Нечкин отправил письмо на имя В.В. Куйбышева, в котором аргументировал свою просьбу, как отмечалось ранее, престижем новой власти. В частности, в письме подчеркивалось следующее: «Вы в свое время осмат-

¹⁶ Шамукарамова Ф.Ш. Из истории спасения минарета медресе Мирзо Улугбека // O'zbekiston tarixi. 2006. № 1. С. 16–23.

¹⁷ ЦГА РУз, ф. Р-394, оп. 1, д. 5, л. 1.

